

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Низомий номидаги Ташкент давлат педагогика университети
Ўзбек тили тарихи ва шарқ тиллари кафедраси

Ўзбек адабий тили тарихи
(маъruzалар матни)

Ташкент - 2003

«Ўзбек адабий тили тарихи» бакалавриат босқичининг ўзбек тили ва адабиёти йўналиши ўқув режасидан ўрин олган асосий фанлардан биридир. Мазкур лекциялар тўпламида шу курс бўйича тузилган дастурнинг барча масалалари қамраб олинган. Унда адабий тил унинг пайдо бўлиши, манбалари, адабий тилга ижтимоий-тарихий воқеаларнинг таъсири, таянч диалекти, адабий тилнинг тараққиётида машҳур сўз усталарининг тутган ўрни, адабий тил услублари ҳамда адабий тилни яратиш бўйича турли хилдаги мунозаралар акс эттирилган.

Ушбу лекциялар тўплами дарслик, қўлланма ва илмий-методик манбалар материаллари асосида тайёранди.

Аширбоев С., Раҳматов М. Ўзбек адабий тили тарихи.

Масъул муҳаррир - З. Мирхолиқов, филология фанлари номзоди.

Тақризчилар: М.Аскарова, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», филология фанлари доктори, профессор. Л. Халилов, филология фанлари номзоди.

Ушбу лекциялар тўплами ТДПУ Илмий кенгашининг 2003 йил 9-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

1-МАВЗУ

КИРИШ

Режа

1. «Ўзбек адабий тили тарихи» тил тарихи фанларидан бири сифатида.
2. Адабип тил тарихи ва унинг манбалари.
3. Адабий тилнинг шаклланишида услублар тараққиёти.
4. Адабий тилнинг шаклланишида услублар тараққиёти.
5. Ўзбек тилининг бошқа туркӣ тиллар ўртасида тутган ўрни.
6. Ўзбек адабий тили ва қадимги туркӣ тил, қадимги ёзувлар.
7. Ўзбек адабий тили ва эсси туркип тил, ёзув ёдгорликлари.

Ўзбек адабий тили тарихи ўзбек тилшунослиги доирасига кирадиган ихтисосий фанлардан биридир. Маълумки, ўзбек тили тарихи уч мустақил предметни ўз ичига олади. Булар - «Қадимги туркӣ тил», «Ўзбек адабий тили тарихи» ва «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси» предметлари. Бу учала предмет ички хусусиятлари билан бир-бирига боғлиқ бўлишига қарамасдан, текшириш объектларини ўрганиш усуллари жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди.

«Қадимги туркӣ тил» курсида барча туркӣ қавмлар учун муштарак саналган турк руний ёзма ёдгорликлари, уларнинг фонетик, лексик ва морфологик ва синтактик хусусиятларини ўрганилади.

«Ўзбек тилининг тарихий грамматика»си тилнинг фонетик системаси тараққиётини, грамматик структурасининг ривожланишини ўрганиш билан қизиқади. Лекин тил ҳодисаларининг ижтимоий ҳодисалар билан муносабати, стиллар тараққиёти ва унинг турли қўринишлари, тилнинг нормаси каби масалалар унинг текшириш доирасидан четда қолади. Буларни эса «Ўзбек адабий тили тарихи» предмети текширади.

«Ўзбек адабий тили тарихи» курси тил тараққиётини халқ тарихи билан боғлиқлик ҳолда ёритиб беради. Адабий тил стилида юз берадиган барча ўзгаришлар у ёки бу даражада халқнинг моддий ва маънавий ҳаётида юз берадиган ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш ва савдонинг ривожланиши, синфларнинг пайдо бўлиши, давлатларнинг келиб чиқиши, илм-фан ва адабиётнинг тараққиёти каби ижтимоий-тарихий омиллар тил тараққиётига таъсир кўрсатади. Бу ҳар бир омил ўзбек адабий ўзбек адабий тилида ўз аксини топиши билан чегараланиб қолмасдан, балки улар бадиий тасвир воситалари тараққиётига ўз

таъсирини кўрсатади.

Тил тарихини ўрганиш ҳозирги замон ўзбек тилини тарихий тушуниш, яъни бу тилнинг узоқ асрлар мобайнида давом этган мураккаб тарихий жараёнларнинг тарихий самараси эканини кенг тушуниш имконини туғдиради. Ўзбек тили, унинг адабий формаси узоқ давр ва асрларнинг тарихий маҳсулидир. У тарихда маълум бўлган бошқа тиллар каби уруғ тилидан қабила, қабила тилидан халқ ва халқ тилидан миллий тилга қараб тараққий этди. Узоқ асрлар давом этган бу жараёнда ўтмиш асрлардаги тил ҳодисалари кейинги даврлардаги тил ҳодисаларидан фарқланиб қолди. Ижтимоий тарихий тараққиёт талабларига жавоб беролмаган тил ҳодисалари аста-секин умумтил алоқасидан чиқиб кетди. Уларнинг ўрнини замон талаби билан юзага келган янги тил ҳодисалари эгаллади. Шунинг натижасида юқорида айтилганда, ҳозирги замон ўзбек тили ўзининг ўтмишидан узоқлашиб кетди. Бу ҳолатни ёзув ёдгорликларида акс этган ҳодисалар билан қиёслашда яққол кўриш мумкин.

Маълумки, тилнинг структура элементлари узоқ ўтган давр ичida бир хилда ўзгариб келмади. Ижтимоий-тарихий тараққиёт даставвал тилнинг лексикасига ўз таъсирини ўтказади. Шунинг учун тилнинг бошқа структура элементларига кўра тилнинг луғат состави ўзгарувчан бўлади.

Тилнинг луғат составига қараганда унинг грамматик курилиши секинлик билан ўзгарган. Тилнинг фонетик системаси фамматик структурасига нисбатан яна секинлик билан ўзгаради.

Ўзбек адабий тили тарихининг обьекти матн ва адабий тил хисобланади.

Адабий тил тарихининг энг муҳим вазифаларидан бири буюк сўз усталари **томунидан** ривожлантирилган умумхалқ тилининг қайта ишланиш хусусияти ва ролини аниқлашдир.

Ўзбек адабий тили тарихи бир қатор фанлар билан боғлиқ равишда ўрганилади ва улар билан узвий боғланади. Биринчи навбатда, ўзбек тилшунослиги доирасига кирадиган фанлар билан узвий боғланади. «Ўзбек адабий тили тарихи», «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси», «Ўзбек диалектологияси»нинг берган илмий хулосаларига суннади. Айни замонда ҳозирги ўзбек адабий тили курсига илмий замин ҳозирлайди. 2-навбатда «Адабиёт тарихи» фани билан боғланади, чунки улкан ва бой маданий ёдгорликларимиз шу давр тилини ташувчи манба хисобланади. 3-навбатда «Ўзбекистон тарихи» фани билан муносабатда бўлади, чунки адабиёт ва тил тарихини халқ тарихисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Ўзбек адабий тили тарихининг асосий манбаларига ёзма обидалар - бадиий, илмий асарларнинг мантлари, шева материаллари, жой номлари, киши исмлари, ҳозирги ўзбек адабий тили материаллари, тарихий лингвистик луғатлар, туркшуносликка оид ўзбек, рус ва хорижий олимларнинг тадқиқот ва

қўлланмалари киради.

АДАБИЙ ТИЛ ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ

Адабий тил деб лексик состави барқарор, фонетик ва грамматик қурилиши силлиқлашган умумхалқ тилининг олий формасига айтилади. Адабий тилнинг юзага келиши шу тилнинг халқ ва миллий тил босқичлари билан боғлиқдир. Маълум бўладики, адабий тил халқ ёки майший тил заминида яратилади. Шунинг учун ҳам ўзбек адабий тилининг шаклланишини XIII аср охири ва XIV аср бошлари билан, эски туркий адабий тилнинг (қораҳонийлар давлати адабий тили) шаклланишини XI – XIII асрлар билан боғлайдилар.

Адабий тил асосий эътибори билан умумхалқ тилидир, лекин у сўз усталари томонидан ижодий бойитилган ва қайта ишлангандир.

Адабий тилнинг ёзма ва оѓзаки формалари бор. Маълумки, ёзувсиз адабий тил бўлиши мумкин эмас. Ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва силлиқланиши Ўрта Осиёда ёзувнинг пайдо бўлиши билан ёзувдан олдинги халқ оѓзаки поэтик ижодини оѓзаки адабий тилнинг кўриниши деб қараш мумкин. Демак адабий тилнинг оѓзаки формаси ёзма адабий тилнинг вужудга келишига замин яратган. Бу эса сўз адабий тил ёзувдан олдин юзага келди деган хulosани бермайди. Ёзма адабий тил оѓзаки адабий тилнинг маълум нормада сақланиб туриши учун хизмат қиласи, чунки адабий тил ёзув билан шакллангандағина ўзининг нормалариға қатый эга бўлади. Адабий тилнинг нормалаштирилган тил дейилишининг боиси ҳам шундадир. Адабий тил диалект ва жаргонлардан ўзининг нормага солинганлиги билан фарқ қиласи. Адабий тил услубда, сўз қўллашда, морфологик ва синтактик моделларга риоя қилишда ҳар бир тилнинг ўз ички қонунлари доирасидан чиқмайди. Оѓзаки адабий тил эса, тил тараққиётининг маълум даврида бир хил талаффуз нормалариға амал қилишни талаб қиласи.

Тилнинг тараққиётига боғлиқ равишда адабий тил нормаси ҳам ўзгариб боради. Масалан, ўзбек адабий тилида Алишер Навоий давридан бери унинг луғат составида ва грамматик қурилишида турли ўзгаришлар бўлди.

АДАБИЙ ТИЛНИ ТАРИХИЙ-СТИЛИСТИК ТОМОНИДАН ЎРГАНИШ МАСАЛАСИ.

Ўзбек адабий тили тарихининг вазифаси бадиий, публицистик, илмий- оммабоп, документал асар ва ишларнинг тилини, уларда адабий тилнинг акс этишини, тараққиёт жараёнини ҳамда уларнинг стилларини ўрганишдан иборат. Умуман, адабий тил тараққиёти икки аспектда ўрганилади; тарихий ва стилистик. Улар бир-бири билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Адабий тил стиллар системасидан иборат бўлиб, у турли даврларда жамиятнинг ривожи билан турли хил бўлиши мумкин. Чунки фикрни ифода этиш жараёнида ҳар бир асар нутқ тузилишининг ўзига хослиги билан фарқланади.

Адабий тил стили тараққиётини адабий жанрлар тараққиётидан ажралган қолда қаралмайди. Тил бирликлари ва уларнинг қўлланиши нормалари асар жанри билан мустаҳкам алоқададир. Шунинг учун ҳам адабий тилнинг стилларини классификация қилгандан, унинг жанр хусусияти ҳисобига олинади. Жанрларга қараб адабий тилнинг стилларини қуидаги группаларга ажратиш мумкин.

1. Адабий-бадиий стил. Бу икки группага бўлинади: поэтик услуб ва прозаик услуб.

2. Ижтимоий-публицистик стил. Бунга газета-журнал, адабий-танқидий ишлар, мақолалар ва очерклар стили киради.

3. Илмий баён стили. Бунга бутун фанларга доир илмий асарларнинг стили киради.

4. Профессионал техник стил. Бу турли касб-хунар соқасида иш юритувчилар учун хизмат қиласди.

5. Расмий хужжатлар стили.

6. Ҳар хил ёзишмалар, кундалик ва хатларга хос бўлган стил.

Адабий тил таракқиётининг турли даврларида адабий стилларнинг қўлланиши доираси ўзгариб боради. Масалан, инқилобгача ўзбек адабий тилида поэзия стили кенг кўлланган бўлса, ҳозир проза стилига ўз ўрнини бўшатиб бермоқда.

Энди адабий стиллар учун нималар умумий ва нималар ўзига хос хусусиятлари билан фарқланиб туради, деган саволга жавоб берамиз. Адабий тил стили учун умумий бўлган хусусият тилнинг структура элементларидан-тилнинг фонетик, грамматик ва лексик элементларидан фойдалана олишидир. Тилда шундай сўзлар борки, улар адабий тилнинг барча стилларида қатнаша олади. Бу каби сўзларни илмий адабиётларда стилистик нейтрал сўзлар деб ҳам юритилади. Масалан, *оқ*, *сув*, *ўтиromoқ*, *бормоқ*. Бундай умумийлик лексикада чегараланган бўлса, фонетик ва морфологияда деярли чегараланмаган.

Стиллар қуидаги хусусиятига кўра бир-биридан фарқ қиласди;

1. Сўз танлаш хусусиятига кўра. Расмий қоғозларда стилистик нейтрал сўзлар кўп кўлланса, шеъриятда образли сўзлар кўп кўлланади.

2. Терминологик маъноларига кўра. Масалан, морфология тилшуносликда сўз формаси ҳақидаги таълимотни билдиrsa, медицинада ҳужайралар ҳақида фикр юритиладиган соҳани билдиради ва х.к.

Ўзбек тили Ўрта Осиёдаги қорақалпоқ, туркман, қирғиз, МДҚ давлатларидан Волга бўйидаги татар, бошкирд, чуваш, Кавказдаги озарбайжон, қумук, қорачой, болкар, қримдаги гагауз, қрим-татар, чет мамлакатларидағи уйғур, усмонли турк каби қатор тиллар билан биргалиқда алоҳида тил группасини ташкил этади. Бу группа фанда туркий тиллар оиласи деб юритилади. Туркий тиллар умумий группа қурилиши, фонетик тенг

келиши, луғат состави жиҳатидан бир-бирига яқинлик даражаси шу тиллар таракқиётининг кейинги даврида юзага келган ҳодиса бўлмай, балки қадимги ҳодисадир. Туркий тиллар қанчалик қадим бўлса-да, улар орасидаги ўхшашик, яқинлик кўпдир. Буларнинг ҳаммаси туркий тиллар қадим замонларда қандайдир бир тил манбаига, негизига эга бўлганлигидан дарак беради. Туркий тиллар эса, ўз навбатида, бошқа тиллар билан алоқасиз ва бошқа тиллардан ажралиб қолган оила тили бўлмаган, аксинча улар Олтой группасига кирадиган бошқа тиллар билан кўп жиҳатидан тарихий умумийликка эгадир. Туркий тилларнинг ўзаро ўхшашик даражалари қуидагиларда кўринади:

1. Ўзбек тилидаги сўзлар бошқа туркий тиллардагидек асосан уч товушли бўлади: *бил, тил, кел, кўз* ва х.о.

2. Ўзбек тилида ва бошқа туркий тилларда кўп бўғинли сўзлар жуда кам. Асосан бир бўғинли: *от, ов, ой*; икки бўғинли бўлади: *икки, олти, етти* ва х.о.

3. Барча туркий тиллардаги сингари сўзлар кўп маънолидир: *бои, тоши, тииш, уч*.

4. Айрим қўмакчиларни ҳисобга олмаганда, сўзининг охирги бўғинида ундошлар қатор келмайди: *остки, устки*.

5. Бошқа туркий тиллардаги каби аффикслар сўз охирига қўшилади. Бундан форс-тожик тилидан ўзлашган префиксlar мустасно.

6. Барча туркий тиллардаги сингари ўзбек тилида агглютинация қонунлари амал қиласди ва х.о.

Юқоридаги ўхшашиклар билан бир қаторда ўзбек адабий тили ўзига хос хусусиятлари билан бошқа туркий тиллардан фарқ қиласди.

Масалан; ўзбек адабий тилида унлилар олтита (*а, ә, о, ў, у, и*) қирғиз тилида саккизта (*а, ә, о, ө, у, ү, и, ы*), уйғур тилида ҳам саккизта (*а, ә, о, ө, е, у, ү, и*), хакос тилида эса тўққизтадир.

Хозирги ўзбек адабий тилида сингармонизм қонуниятига амал қиласмайди, бошқа туркий тиллар эса бу қонуниятга амал қиласди.

Эски ўзбек тилида унлилар уйғунлиги бўлган, лекин у қаттиқ ва юмшоқликка қараб фарқланган: *кәлдук, көруң, барды*.

Ўзбек тилининг ундошлар тизими бошқа туркий тилларга мос тушади. Аммо туркий тиллардан баъзиларида ундошлар бошқачароқ ишлатилади.

Ўзбек ва туркман тилларида сўз бошида келадиган *й* товуши қипчоқ гурухидаги туркий тилларда *дж* ва ж товуши билан берилади: *ийигит - жигит, йўқ - жўқ, етти - жетти*.

Ўзбек тилида *к*, *т* билан бошланадиган сўзлар ўғуз гурухидаги туркий тилларда *ດ*, *ѓ* билан берилади: *темир - дэмир, тевэ — дева, тил - дил*,

кўз — гўз, кун -гун каби.

Ўзбек тилида айрим сўзларда *ч*, *и* ундошлари ишлатилгани ҳолда, қорақалпоқ ва қозоқ тилларида *с* ундошлари ишлатилади: *куч — куши, оч - аши, тиши — тиси, боши-бас* каби.

Ўзбек тилида *г* ундоши билан тугаган сўзлар татар, бошқирд, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ тилларида (*в*) у ундошлари билан берилади: *тоғ — тав — тау, боғ — бав — бау, соғ — сав — сау* кабилар.

Ўрта Осиё ва Қозогистондаги туркий тиллар грамматик қурилишида ҳам ўхшаш томонлар мавжуд. Туркий тиллардаги сўз туркумлари, сўз ясовчилар, сўз ўзгартирувчилар, шакл ясовчилар бир-бирига ўхшайди. Аммо аффикслар ҳар бир тилнинг ўз фонетик тузилишига кўра турлича варианtlарда келади.

Масалан, ўзбек адабий тилидаги кўплик *-лар* афиксси билан ифодаланади. Боқша туркий тилларда ҳам *-лар* билан берилади. Лекин қозоқ тилида олтита (*-лар, -ләр, -дар, - дәр, -тар, - тәр*), қирғиз тилида ўн иккита (*-лар, -ләр, -дар, - дәр, -тар, - тәр, - лор, - ләр, -дор, - дәр, -тор, - тәр*) варианти бордир.

Худди юқоридаги каби ўзбек тилидаги келишик, эгалик, кесимлик, шахс, замон, аффикслари боқша туркий тилларнинг талаффуз қонунига кўра турлича фонетик варианtlарда ишлатилади.

Ўзбек тили билан бошқа туркий тиллар ўртасидаги ўхшашлик ва ноўхшашликлар уларнинг луғат таркибида ҳам мавжуддир. Агар ўзбек тили луғат таркибини кўздани кечирсан, унда умумий туркий тилларга, Ўрта Осиё ва Қозогистон туркий тилларга тегишли ва фақат ўзбек тилининг ўзига хос сўзларини учратамиз.

Умумий туркий тилларга тегишли сўзларнинг дастлабки қўлланишини руник ёзма ёдномаларда учратамиз. Ўрта Осиё ва Қозогистондаги туркий халқларга алоқадор бўлган сўзларнинг дастлаб ишлатила бошланиши X-XIII асрлар ёдгорликларида кўрамиз.

Ўзбек тилида бошқа туркий тилларга хос хусусиятлар билан бирга туркий бўлмаган тилларда сўзлашувчи унсурларнинг таъсири ҳам бор. Бу ҳол ўзбек тили материаллари асосида туркий тилларга оид бир қатор муаммоларни ҳал қилишда қиёсий-тариҳий усульнни жорий қилишга кенг имкон беради.

Тилларнинг қариндошлигини қиёсий-тариҳий усул асосида ўрганишни биринчи марта Маҳмуд Қошғарий бошлаб берган. Бироқ унинг жаҳон ахамиятига эга бўлган «Девону луғатит турк» асари етарли даражада ўрганилмаган.

Маълумки, VI асрда туркий кабилалар кучайиб, ўзларининг кўчманчи Тукю империясини тузади. Бу империянинг чегараси Амударё, Марв,

Балх, Хиндистонга бориб тақалар эди. Ўзаро урушлар ва араблар истилоси натижасида Тукю давлати икки қисмга ажралади. Бири маркази Еттисув бўлган ғарбий туркларга ва иккинчиси маркази Мўғилистон бўлган шарқий туркларга ажралади. Еттисувдаги Тукю давлати тургешларга ўтади. VIII асрда ўѓиз ва қарлуқларнинг сиқуви остида бу давлат қарлуқларга ўтади ва Тукю давлати IX асрнинг бошигача Еттисувни эгаллаб турганлар.

Уйғурлар 745 йилда дастлаб шарқий тукю ерига, сўнг ғарбий тукю ерига хужум қилиб, бутун Тукю давлатини босиб олади. 840 йилда қирғизлар уйғурларга қарши курашиб, ёкимиятни қўлга киритадилар. Шундан сўнг уйғурларнинг бир қисми қарлуқлар томонига ва бир қисми Тибетга кетади.

Худди ана шу даврда ҳозирги вақтда амалда қўлланиб келинаётган туркий тиллардан биронтасига ҳам тўла мос келмайдиган **қадимги туркий адабий тили** пайдо бўлади.

Қадимги туркий адабий тилнинг ёзма ёдгорликлари турк-руний (Ўрхун-Энасой) ва турк-уйғур ёзуви орқали бизгача етиб келган. Бу ёзувлар орқали етиб келган ёдгорликларни туркий тилларнинг биронтасига тегишли деб бўлмайди. Чунки уларда Ўрта Осиё ва Қозогистонда яшовчи туркий халқларга тегишли фонетик, грамматик ва лексик хусусиятларни учратамиз.

Масалан: *Култэгин йоқ, эрсәр, көплөлтари әртигиз. Иним Култегин кәргәк болты, өзим сақынтым; көрүр көзум көрмәзтәг, билир билигим билмәзтәг болты, өзум сақынтым. Од тәңри йасар, киси оглы көп оләлъы (ёки өлүгли) торумыс.*

Култагин обидасидан келтирилган бу парчада қарийиб ҳамма сўзлар тушунарлидир: *Култегин бўлмаганда эди, сиз ҳаммангиз ўлар здингиз. Иним Култагин керак бўлди, ўзим соҳиндим, кўраг кўзим кўрмасдек, билган билимимни билмагандек бўлдим, ўзим согиндим. Оҳ, тангри, инсон ўғли ўлии учун туғиладими?*

Кўриниб турибдики, қадимги туркий ёзув ёдномалари умумтуркий тиллар учун асосий манба бўлиб хизмат қиласи.

Маълумки, ёзма ёдгорликлар бизга ёзув орқали етиб келган. Шундай экан, туркий халқлар қандай ёзувлардан фойдаланган? - деган савол туғилади. Тарихий ва археологик манбаларнинг кўрсатишича, Ўрта Осиё ва Қозогистондаги туркий халқлар оромей, сўѓдий, хоразмий, урхун-энасой ёки руний, уйғур, араб ёзувидан фойдаланганлар

Оромей ёзувининг таъсирида шаклланган сўѓдий ва хоразмий ёзувлари эрамизнинг 1-У асрларида ишлатилган. Шунингдек, оромей ёзуви таъсирида эрамизнинг биринчи асирида уйғур ёзуви шаклланади. V асрга келиб эса, руний номи билан аталган урхун-энасой ёзуви пайдо бўлади.

Руний ёзуви оромей ёзуви таъсирида пайдо бўлган сўѓдий ва хоразмий

ёзувлари асосида шаклланган. Бунга туркий тиллар товушларини ифодаловчи тамға шаклидаги ҳарфлар ҳам қўшилган.

Бу ёзувларнинг борлиги фан оламига XVIII асрдагана маълум бўлди. Уларнинг намуналари Энасой дарёси бўйида топилади. XIX аср охирида рус сайдоҳи ва ёзувчиси Н.М.Ядринцев Урхун дарёси бўйидан шу хилдаги ёзувларни топади ва тузилиши жиҳатидан Герман руник ёзувларига ўхшагани учун **руний ёзув** деб атайди. Руний ёзувдаги ёдгорликлар катта худудга тақалган бўлиб, улар феодал ҳукмдорлар ва уларнинг қариндошлари қабри устига кўйилган тошлар, идишлар, ёғоч ва тоғ қояларда сақланган. Бу ёзувдаги битиклар Энасой дарёси бўйларидан, Қирғизистоннинг Талас водийсидан, Урхун дарёси Селенга ҳавзаси ва унга яқин жойлардан, Бойқол кўли атрофларидан топилган.

Уйғур ёзуви янги сўғд ёзуви асосида шаклланган бўлиб, у кейинчалик мўгулларга ва мўғуллардан манжурларга ўтган. Уйғур ёзуви VI тортиб XV асргача туркий халқларда ва буддавийлар орасида XVIII асргача ишлатилиб келинган. Уйғур ёзуви асосида 1X-X асрларга тепишли бўлган туркий тилларнинг ёзма ёдгорликлари пайдо бўлади. Улар диний, фалсафий хусусиятга эга бўлган асрлардир.

Уйғур алфавити билан ёзилган ёдгорликларнинг хусусияти ва мазмунига қараб, қуйидагиларга бўлиш мумкин: 1. Уйғур ёдгорлиги. 2. Маънавийлик ёдномаси. 3. Буддий ёднома. 4. Христиан ёдномаси.

X1-XУ асрларга оид кўпгина йирик асарлар турк уйғур ёзуvida тартиб қилинган. Масалан, «Меърожнома», «Тазкираи авлиё», «Бахтиёрнома» каби бир қатор асарлар шу ёзувда кўчирилган. «Кутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойик», «Мұхаббатнома» каби асарларнинг уйғур ёзуvida кўчирилган нусхалари ҳам мавжуд.

Академик В.В. Радлов биринчи марта кадимги туркий адабий тилнинг ўзига хос диалектларини ўрганиб чиқди ва уни шимолий, жанубий ва аралаш диалект деб уч гурухга бўлди. Шимолий туркий адабий тилга руний ёки ўрхун-энасой ёзувлари асосида вужудга келган тил киритилади. Бу тилга хос хусусиятларидан бири сўз бошида ва сўз охирида жарангли ундошлар ўрнида кўпроқ жарангсиз ундошлар келишидир. Лекин бундан *б* ундоши истиснодир, чунки сўзнинг охири *н* ва *нг* товушлари билан тугаган сўзларда сўз бошидаги жарангли *б* ундоши сақланади: *бән-мен*, *бинг-минг*, *бин-мин* каби. Масалан *Тонйүқүқ бәнәг айды - Тоййүқүқ менга айтди* (*Тонйүқүқ*). *Багну таш тақытдым-Мангу тош тикдим* (*Култагин*).

Бундан ташқари, *т* товуши сўз бошида кўп ишлатилади: *Су барын тиди -Кўшин билан бор деди* (*Тонйўқүқ*).

Тушум келиши учун асосан *-г* (-*g*) / *-ыг* - *иғ* - *уғ* - *үғ* аффискли шакл қўлланган: *сабығ* - сўзни, *йағығ* - душманни (*Тонйўқүқ*), он *әриғ* - ўн эрни

(Култагин).

Қаратқич келишиги аффикси -нинг/-инг шаклида ишлатилган: *Култәгинниң алтунын, күмүшүн; Қаганың сабы -Хоқоннинг сүзи; бизиң сү - бизнинг аскар* (Култагин).

Үрин-пайт, чиқиши келишиклари учун — *да / - да// - та / тә* аффиксли шакл қўлланган: *Тұргеши қазантта көрүг кәлти - Тұргаш хоқондан айҳоқчи келди* (Култагин), *Қырқызыта йанты- миз — Қирғизлардан қайтдик* (Тонийўкуқ).

Ўтган замон феъли маъносида *-ды / - ди // - ты / - ти, - мыш / - мии* (- мыс / - мис) аффиксларидан ташқари — *дуқ / - дүк* аффиксли шакл ҳам қўлланган. - *дуқ / - дүк* аффиксли шакл ўтган замон феъли маъносида шахсон кўрсаткичисиз учала шахснинг бирлиги ва қўплиги учун ишлатилаверган.

Ўрхун-Энасой ёзув ёдгорликларида ҳозирги туркий тилларга хос сўзлар учрайди: *эл* (*эл*), *бен* (*мен*) *илиг* (*қўл*), *сиз*, *оғлан*, *йаш*, *ат*, *тәнри*, *алтмыши* каби. Лекин семантик хусусиятлари билан истеъмолдан чиқиб кетган сўзлар ҳам мавжуд: *бодун* (*халқ*), *бағ* (*иттифоқчишик*), *су* (*қўшин*), *сабым* (*сўзим*) *ыты* (*юборди*), *тосық* (*тўйган*), *укуш* (*кўп*) каби.

Қадимги туркий тилнинг жанубий гуруҳ диалекти уйғур ёзуви асосида пайдо бўлган. Буларга Селенга, Сужи ва Турфон ёдгорликлари киради. Жанубий гурухдаги тиллар фонетик жиҳатдан шимолий гурухдаги тиллардан охири *н*, *нг* билан учрайдиган сўзлар бошидаги *б* товушининг *м* товушига ўзгариши билан фарқланади: *баңу* - *маңу* (*мангу*), *бан* - *мен*, *бың* - *миң* каби.

Қаратқич келишиги *-ның / -ниң* аффикси билан, чиқиши келишиги *-дын / -дин // -тын / -тин* аффикси билан ифодаланади. Феълнинг ўтган замон шакли ҳар бир шахс ва сон учун алоҳида аффиксларга эга.

Аралаш диалектнинг фонетик жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари товушининг *т* товуши билан, *ч* товушининг *з* товуши билан алмашиниб ишлатилишидир: *ачун* - *азун* (*дуне*), *атун* - *адун* (*бошқа*) каби.

Савол ва топшириқлар:

1. «Ўзбек адабий тили тарихи» фани нимани ўрганади?.
2. Адабий тил шакллари нималардан иборат?
3. Ўзбек тили тарихига оид қандай адабий манбаларни биласиз?[^]
4. Адабий тилнинг шаклланишида услублар тараққиётининг аҳамияти нимадан иборат?
5. Адабий тилнинг оғзаки ва ёзма шакллари деганда нимани тушунасиз?

Таянч тушунчалар:

Ўзбек тили тарихи - ўзбек тилининг туркий тиллардан ажралиб мустақил тараққий этишини ёритадиган фан.

Кадимги туркий тил - барча туркий қавмлар учун муштарак саналган турк руний ёзма ёдгорликлари, уларнинг фонетик, лексик ва морфологик ва синтактик хусусиятларини ўрганувчи фан.

Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси - ўзбек тилининг фонетик, лексик-семантический, морфологик ва синтактик тизимининг ўрганувчи ўзбек тили тарихининг узвий кисми.

Ўзбек адабий тили тарихи - ўзбек адабий тилининг тарихий тараққиётини, нормалари тарихини ўрганадиган ўзбек тили тарихининг узвий қисми.

Ўзбек адабий тили тарихи фанининг манбалари - буюк сўз усталари томонидан яратилган адабий ёдгорликлардир.

2-МАВЗУ

ЭСКИ ТУРКИЙ ТИЛНИНГ ТАЯНЧ ДИАЛЕКТИ

1. Эски туркий адабий тилнинг таянч диалекти масаласи.
2. «Девони лугатут турк» асари тили хусусиятлари.
3. «Ҳибатул ҳақойик» асарида адабий тил меъёр масаласи.
4. «Қутадғу билиг» асарида адабий тил меъёр масаласи.

Туркий кабила-уруғларнинг егакчилигига барпо бўлган қорахонийлар давлати замонида адабий тил традициясига бўлган муносабат кучайди. Шу давргача Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, туркий халқлар адабий тили масаласини форсий тил бажариб келар эди. Лекин бу традиция қорахонийлар сиёсатига зид келар эди.

Шунинг учун қорахонийлар давлатининг ҳукмрон доиралари туркий тилда ёзилган қар бир асарни маъқуллар ва тақдирлар эди. Қорахонийлар давлатида, турли қабилалар орасида чигиллар, айниқса, муҳим роль ўйнар эди, чунки чигиллар бошқа туркий қабилаларга қараганда маданий жиҳатдан устун эдилар. Уларда ёзув традицияси анча кенг тарқалган эди. Шунинг учун ҳам қорахонийлар замонидан ёзилган дастлабки асар шу диалект заминида ёзилгандир. Чигиллар диалекти туркий тилларнинг д-группасига мансубдир. Диалекти қадимги туркий тилда муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги маълум. Шу диалект корахонийлар замонидаги адабий традицияни яратишда ҳам аҳамиятга эга бўлган. Шу традиция асосида «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойик» ва XIV асрнинг ўрталарида қадар маълум бўлган қатор асарлар ёзилгандир. Қорахонийлар замонида вужудга келган адабий тил традицияси мўғуллар ҳукмронлиги даврида ҳам давом этди. Мўғуллар давлатида уйғурлар бутун маданий ишларни бошқарганлар. Уйғурлар воситасида қорахонийлар

традицияси узок асрлар давомида ўз хусусиятларини сақлаб қолган. Лекин XIV асрга келиб Ўрта Осиёдаги вазият бир мунча ўзгарди. Мўғуллар давлатининг инқирозга юз тутиши муносабати билан Ўрта Осиё, Кавказ ва Кримда, Кичик Осиёда ҳар хил туркий давлатлар юзага келди. Давлат чегараларининг аниқланиши борган сари шу территориядаги қабила-уруғлар асосида муайян халқларнинг таркиб топиш ишлари учун зарур шароит туғдириб борган. Мўғулларнинг Ўрта Осиёдаги сиёсий етакчилиги заифлашиб борган сари адабий тилдаги корахонийлар традицияси ҳам ўзининг аввалги аҳамиятини йўқотиб борди. Адабий тилга маҳаллий шевалар кучли таъсир этди. Шунинг натижасида XIV аср давомида адабий тилнинг таянч диалекти Сирдарё бўйидаги й-лашган диалектни ташкил қилди. XIV асрнинг ўрталаридан бошлаб юзага келган ёдгорликлар туркий тилнинг й-диалекти заминида ёзилгандир. Бу диалектнинг дастлабки ёдгорлиги Хоразмийнинг «Мухаббатнома» асаридир.

МАҲМУД ҚОШҒАРИЙНИНГ «ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ ТУРК» АСАРИ ҲАМДА УНИНГ ТАРИХИЙ ВА ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ

XI асрда туркий қабилалар орасидаги муносабат кучайди. Лекин тилда турли хил қабила ва уруђ тилига оид формалар қўлланилар эди. Ана шу даврда туркий тилда маълум нормаларни яратиш эҳтиёжи вужудга келади. Ана шу талабни қондириш мақсадида M.Қошғарий «Девону лугатит турк» асарини яратди ва бу билан туркий халқларнинг тилшунослигига ҳамда маданиятига улкан ҳисса қўшди. Маълумки, бу асарнинг юзага келиши мамлакатда қорахонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва Сомонийлар замонасидаги маданият ва илмий традиция қорахонийлар даврида хам давом эттирилиши билан боғлиқ эди. Ана шу даврда M.Қошғарий араб филологиясини ўқиб ўрганди. У араб филологиясини қанчалик ўрганиб борса, ўз она тилини ўрганиш билан шу даражада қизиқиб борди. У узоқ йиллар мобайнида шаҳарма-шаҳар, тоғма-тоғ кезиб, у ерларда яшаган туркий халқлар ҳаётини, этнографиясини ва шу билан боғлиқ равишда тилини ўрганиб чиқди. Ҳар бир қабила тилига хос бўлган диалектал хусусиятларни аниқлади. «Мен, деб ёзади М.К., - турклар, туркманлар, ўрузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим. Турли хил сўз хусусиятларини аниқладим. Мен бу ишларни тил билганим учун эмас, балки ҳар бир кичик фарқларни аниқлаш учун қилдим, бўлмаса, мен тилда уларнинг етукларидан, энг катта хушфаҳмларидан уста найзадорларидан эдим. Уларга шунча диққат қилдимки, турклар, ўғузлар, яғмолар, қирғизларнинг тиллари бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни пухта, бир асосда тартибга солдим»(ДЛТ. I. 44-бет).

Махмуд Қошғарий «Девон»да ўша даврдаги туркий қабилалар лексикаси, фонетикаси ва фамматик қурилишини ёритиб берди.

«Девон»да M.Қошғарий истеъмолда бор сўзларни изоқлаш билан

бир қаторда, ҳар бир туркий қабиланинг ўзига хос хусусиятини бериш учун алоҳида йўл танлайди. Бу ҳақда шундай дейди: «Мен ҳар бир қабилага мансуб сўзларни ясалиш хусусиятларини ва қандай қўлланишини қисқача изоҳлаб кўрсатиш учун алоқида йўл тутдим. Бу ишда мисол тариқасида туркларнинг тилида қўлланиб келган шеърлардан, шодлик ва мотам кунларида қўлланиладиган хикматли сўзларидан, мақолларидан келтирдим» (ДЛТ, I, 47-бет) М.Қошғарий сўз маъноларининг кенгайиши, этимологияси каби ҳодисалар ҳақида ҳам тўхталган.

Махмуд Қошғарий четдан қабул қилинган сўзларга икки хил муносабатда бўлади. Предмет ва тушунча билан боғлиқ равища кириб келган сўзларга ижобий муносабатда бўлади. Тилда мавжуд бўлган сўзлар ўрнида бошқа тилдан олинган сўзни қўллашга салбий қараган ва бу ҳолатни заарли, манфий ҳолат деб билган. Бунга кўра билге, битик, урагут каби туркча сўзлар ўрнида арабча олим, китоб, аёл сўзларини қўлламаслик керак.

М.Қошғарий ўша давр фонетикасига доир қимматли фикрларни баён қиласди. Шу давр алфавити тўғрисида: «Туркий тилларда қўлланиладиган асосий ҳарфлар сони 18 тадир. Холбуки, тилдаги товушлар 18 та эмас, кўпdir. Бу 18 ҳарф етишмайди. Булардан бошқа тилда мавжуд бўлган товушларни бериш учун яна 7 та товушни ана шу мавжуд ҳарфлар устига маҳсус белги кўйиб ёзилади» (ДЛТД , 47-48-бет). Шунингдек, М.Қошғарий унли ва ундош товушлар, уларнинг характеристикаси, товуш алмашиниши қонуниятлари ҳақида ўринли фикрларни баён қиласди.

«Девон»да туркий тишшар морфологияси ҳақида ҳам маълумотлар бор. Унда сўз туркумлари ва сўз ясовчи аффикслар ўз даврига яраша ёритилган. М.К.Аристотель фикрига таяниб, туркий тилда 3 та сўз туркумини ажратади: от, феъл, ёрдамчи сўзлар. М.Қошғарий синтаксис масалаларини «Девон»да ёритмайди, чунки бунга бағишлаб маҳсус асар, «Жавоҳирун-наҳв фил-луғатит турк» асарини ёзган, лекин у бизгача етиб келмаган.

«Девону лугатит турк» асари 1914 йилда Туркияning Диёрбакр шаҳридан топилади. Қўлёzmани кўчирувчи Мухаммад бинни Абу Бакр Дамашқийning ёзишича, у нусхани М.Қошғарийning ўз дастхатидан олган.

«Девону лугатит турк» 1915-17 йилларда уч томдан иборат қилиб Истамбулда нашр этилади. Шу нашр асосида К.Броккељман 1928 йилда немисчага таржима қилиб, уни нашр қиласди. 1939 йилда Анқарада Басим Аталай турк тилига таржима қиласди. 1960-63 йилларда-эса проф. С.Муталлибов «Девон»нинг ўзбек тилидаги таржимасини яратди.

«Девону лугатит турк» туркий ҳалқлар тиллари тарихини ўрганишда муҳим манбадир. Айни замонда, уни ўз даврининг энциклопедик асари дейиш мумкин. Асарда турли қабила ва ҳалқларнинг тарихи, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, урф-одати, географияси материаллари бордир. Бу асарни ўрганиш билан Ўрта Осиё ҳалқлари ва Ўрта Осиё маданиятининг келиб чиқишини

ёритишда юз берган хато ва камчиликларни бартараф қилиш мумкин. Мазкур асарнинг тарихий аҳамияти ҳам шундадир.

Муҳими шундаки, М.Қошғарий томонидан берилган маълумотлар ҳозирги туркий тилларни ўрганишда ва уларнинг қиёсий тарихий грамматикасини яратишда қимматли манба бўлиб қолди.

«ҚУТАДҒУ БИЛИГ» АСАРИНИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек адабий тилининг шаклланиш даврини кўрсатувчи асарлар сирасига Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг» асарини киритиш мумкин.

«Қутадгу билиг» асари шеърий панднома бўлиб, подшо Кунтуғди, доно вазир Ойтўлди, Ойтўлдининг ўғли Ўгдилмиш ўртасидаги сухбатдан иборатдир.

Бу асарнинг уч қўлёзма нусхаси фан аҳлига маълум. Улардан иккитаси XV асрда қўчирилган, ҳозир Вена ва Қоҳирада сақланмокда. «Наманган нусхаси» деб номланган нусха XIII-XIV асрларда қўчирилган деб тахмин қилинади. Ана шу нусха асосида К.Каримов асарни ҳозирги ўзбек графикасида нашрини тайёрлаб, чоп қилди.

«Қутадғу билиг» ҳажм жиҳатидан ҳам, жанр жиҳатидан ҳам янги асардир. Жанр нуқтаи назардан янги асар бўлган бу китоб адаб олдига асар тили устида ишлаш учун муҳлм талаб қўйди. Бу талаб, даставвал, ўша даврдаги тарқоқ қабилалар тилида мавжуд бўлган тил фактларини ҳисобга олиш ва шу даврда ҳам саводли бўлган халқнинг барчаси учун тушунарли бўлишини таъминлашдан иборат эди. Бу шарафли вазифанинг уддасидан чиқа олган Юсуф Хос Ҳожиб халқ оммасининг сўз қўллашдаги тажрибасига суюниб, стилистик силлиқликка эришди. Шу нуқтаи назардан «Қутадғу билиг» асарида Юсуф Хос Ҳожиб ўша давр тилини маълум бир системага солди ва адабий тилни ривожлантиришга ўзининг хиссасини қўшди.

Асарга асос бўлган диалект ва тил масаласида туркологияда турли қарашлар мавжуд.

В.Радлов бу асар тилини у ёки бу тил билан яқинлаштирган бўлса-да, қатъий бир фикр айтмайди ва асарнинг «олтойлаштирилган» транскрипциясини беради. Чунки у асар тилини олтой тилларидан сайхон тилига яқин, деб ҳисоблаган эди.

В.Радлов «Олтой назарияси» ни юзага келтирган шарқшунос эди. Бу назарияга кўра олтой тилида сўз бошида ва охирида келган ундошлар фақат жарангсиз бўлади. Аммо интервокал позицияда ундошлар жарангли бўлиши мумкин. Ўзининг шу назариясига асосланиб, «Қутадғу билиг»ни транцкрипция қилиб чиқди.

Радловнинг «Қутадғу билиг» асарига берилган транкрипцияси асосида 1891 йилда немисча таржимаси эълон қилинди. Радловнинг бу

қарашлари фанда күп эътиrozларга учради. Бу ҳақда энг ишончли далиллар Дания олимни В.Томсен тарафидан күрсатилган эди. В.Томсен XI аср туркий тилининг ёдгорлигига ҳозирги замон олтой тилларининг хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашмайди. Балки, у «Қутадгу билиг» тилининг ички хусусиятларига суюнади. Томсен «Қутадгу билиг» асарини текширад экан, у асардаги қофияларга аҳамият берди.

С.Е.Малов бу асарни бир ўринда чигатой тилида ёзилган асарлар қаторига киритса, бошқа бир ўринда уни уйғур-мусулмон ёдгорлиги деб атайди ва унинг арабча кўчирилган нусхалари XI аср уйғур тилини равшан акс эттиради деб таъкидлайди. Шарқшунос олим З.Вализода «Турк ва татар тарихи» (Қозон, 1912) асарида бу асар тилини соф турк тили деб талқин қиласди. Тадқиқотчи А.А.Валирова мазкур асарни қорахонийлар даври тилида ёзилган асар деб эътироф қилди.

Қ.Каримов «Қутадгу билиг»нинг кириш қисмидаги «Мочин олимлари ва ҳакимлари қамук иттифоқ бўлдиларки, машриқ вилоятида Туркистон элларида Бўғрахон тилинча бу китобдин яхшироқ ҳаргизким орсо тасниф қиласди. *Бу китоб қайу подшāқа ё қайу иқлимқа текди эрсə гоят ўзлукиндин нихāятдин кичəкур куллу-куллу киндин... тəkmə бири бир турлук лақаб урдилар*»- деган жумлаларга қараб, бу асар тили Буғрохон қўл остида бирлашган турк давлати таркибиға кирган ҳамма асосий қабилалар учун тушунарли бўлганлигини баён қиласди. Демак, асар тили ўша давр турк қабилалари тиллари асосини ўзида акс эттирган. Шунинг учун ҳам «Қутадғу билиг»ни XI асрда яшаган бирор ҳалқнинг ёки қабиланинг ёдгорлиги деб қатъий фикрга келиш қийин. Шунга қарамасдан, асарда чигил қабилаларининг тиллари устунликка эга эди. Асар тилининг структура хусусиятлари ўша давр нормаларини акс эттирган.

«Қутадғу билиг» ёдгорлигига форсча сўзларга нисбатан арабча сўзлар кўпроқдир. Бироқ, адабнинг кўрсатишича, асарда бор-йўғи 94 та арабча сўз бор.

Асарда Ўрхун-Енисей ёдгорлигига оид сўзлар анчагана: *бодун, қамук, төри (қонун), байат (худо), байығ (past), байық (тушунарли), өб (шишилмоқ), өд (вақт), од (тахт), әриз (тинч), отачи (табиб) жсогу (урфодат)*.

Юсуф Хос Ҳожиб ёдгорликларда омоним, синоним ва антонимлардан ҳам унумли фойдаланган: *ат (лошадь) -ат (имя) —ат (отмоқ); ачығ (аччиқ) — ачығ (тоза)* каби омонимлар, яруқ-қарақу, хош// йахши-йаман, йумашақ-қатығ, , ачығ-татъғ; бедук-қоду каби антонимлар, *ачығ-силиғ (тоза), тушар-пабуз-ерсел* каби омонимларни учратиш мумкин. Достондаги аксарият сўзлар ҳозир ҳам (гарчанд фонетик жиҳатидан ўзгарса-да) кўлланади.

Шу давр фонетик хусусиятига кўра асарда 9 та унли товуш (*и, ə, а, у, о, ы, а, ү, ө*) 28 та ундош товуш кўлланган.

Сингармонизм қонунияти сақланган. Морфологияси бўйича кўзга

ташланадиган ҳодиса шундаки, унда келишиклар ичидаги восита келишиги ҳам учрайди:

Тириг өлгү ҳәхыр төшәнәр йериг

Киши әлсә едгүн көр аты тириг.

Маъноси: Тирик охири ўлади, ерни тўшанади, киши яхшилик билан ўлса, кўргин оти тирик қолади. (96-6).

Умуман, «Қутадғу билиг» асари XI аср қабила тилларини бирлаштиришга ва у тилни ривожлантиришга катта ҳисса бўлиб қўшилди. Шунинг учун бу асар тилида ўзбек, уйғур, киргаз каби туркий тилларга хос бўлган хусусиятларни учратамиз.

«ҲИБАТУЛ ҲАҶОЙИҚ» АСАРИНИНГ ТИЛИ

Улуғ адиб Ахмад Юғнакийнинг «Ҳибатул ҳаҷойиқ» ёки «Ажабатул-ҳаҷойиқ» асари бадиий сўз санъати ва ўзбек адабий тилининг жуда қимматли ёдгорлиги ҳисобланади. Мазкур асарнинг яратилиш даври ҳақида турли қарашлар мавжуд. С.Е.Малов асар тилидаги архаик элементларга қараб, уни X асрга тегишли деса, Н.А.Басқаков, Азиз Қаюмовлар уни XII асрга, В.М.Носилов эса XIII асрнинг I ярмида яратилган деб кўрсатадилар. Илмий жамоатчилик ақлига асарнинг 3 та қўлёзма нусхаси маълум.

1-нусхани 1444 йилда хоразмлик Зайнал Обид бинни Султон Бахши Журжоний Хусайний оригиналдан кўчириган бўлиб, Стамбулда Ая София кутубхонасида сақланади (Уйғур ёзувида).

2-нусха 1480 йилда Шайхзода Абдураззок Бахши томонидан кўчирилган бўлиб, юқоридаги кутубхонада сақланади (бу ҳам уйғур ёзувида)

3-нусха араб ёзувида кўчирилган бўлиб, Стамбулдаги Тўп-қаби кутубхонасида сақланмокда. Бу уч нусха асосида туркиялик Рашид Рахмат Арат юқоридаги ёдгорликнинг сайланма текстини ва таржимасини яратди. В.М.Носиловнинг фикрича, бу текстнинг таржимаси у қадар муваффакиятли чиққан эмас.

Туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили тарихини илмий равишда чуқур ўрганишда «Ҳибатул ҳаҷойиқ» асари энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Ўша даврдаги қабила тилларининг хусусиятини аниқлаш, уларнинг бир-бирига таъсири, ривожланиши, ўзаро қўшилиб кетиши ва марказлашиши асосида халқ (элат) тилларининг, айниқса ўзбек халқ (элат) тилининг ташкил топиш ва шаклланиш жараёнини белгилашда бу асарнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. X-XII асрларда майдонга келган асарлар билан кейинги даврларда ёки умуман, XIX асргача яратилган асарларнинг тилини қиёсий ўрганиш, улардаги умумийлик ва фарқларни аниқлашда ҳам ёрдам беради.

«Ҳибатул ҳаҷойиқ» асарнинг тили, унинг лексик хусусияти, товуш

таркиби ва грамматик қурилиши, бир томондан, «Қутадғу билиг» асарига яқинлашса, иккинчи томондан, «Қисас-ул анбиё»га (XIII-XIV асрлар) ўхшаб кетади. Бу асарни чукур ўрганган Е.Э.Бертельс қадимги ўзбек адабий тилидан (аникроји эски туркий адабий тилдан) классик ўзбек адабий тилига ўтишда «Ҳибатул ҳақойик» кўприк вазифасини бажарган деб кўрсатади. Дарҳақиқат, асар тилига хос луғавий қатламлар, фонетик ва грамматик хусусиятларнинг қарлуқ, чигил, яғмо, уйғур тиллари негизида ташкил топган адабий тил билан муштаракликка эга эканлиги, айниқса, кейинги асрларда битилган асарлар тилига яқинлиги кабилар эски туркий адабий тилдан эски ўзбек адабий тилига ўтишда «Ҳибатул ҳақойик»нинг кўприк бўлганлигидан далолат беради.

Асар ўзининг лексик хусусиятлари билан ўша даврдаги эски туркий адабий тилининг луғавий бойлигини акс эттиради. Моддий-маданий ҳаётнинг турли соҳаларига оид тушунчаларни ифодаловчи, ҳамма учун тушунарли, содда, ясама ва қўшма туркий сўзлар асар луғатининг асосини ташкил қиласди: *ата, ана, аръёссиз* (*фойдаси*), *эзгу, баши, бэзек, бэрим* (*берии*), *боз, ынти, йазуг* (*гуноҳ*), *йуз, йигиг, кичик, конул, нэгу, сэвунч, тамағ, улуг* қаби. Шу билан бирга, араб ва форс-тожик тилларидан қабул қилинган сўзлар ҳам учрайди: *саадат, сахават, мурувват, маъни, мэҳрубан, карам, инсаф, дўст, замон, зоҳид, дад, гул, вафа баҳил, бина, ақьыш, аманат, азиз* қаби.

Асарнинг тили ўз фонетик хусусиятлари жиҳатидан XI-XIII асрларда яратилган ёдгорликлар билан умумийликка эга. Шу билан бирга, эски ўзбек адабий тили учун характерли бўлган хусусиятларнинг ҳам вужудга кела бошлаганлигини кўриш мумкин. «Ҳибатул ҳақойик» асарининг тилини ўрганиш унда 9 та унли мавжуд эканлигини кўрсатади. Кўп ҳолларда сингармонизмнинг лаб оҳангдошлиги бузилган.

Ўша даврдаги бошқа ёдгорликларда бўлганидек, асар тилида з ундошининг сақланганлигини, унинг бирмунча устунлигини кўриш мумкин. Айни замонда, бу товушнинг й га ўта бошлаганлиги ҳам кўринади: кэзинги - кейинги, кэзим - кийим, қазгу - кайђу, қозн - куйи, қозуб - қўйиб.

Ачунда ат эзгу қозуб барди кор,
(Дунёда яхши от қолдириб кетди, кўр)
Ҳарислиқн қойур ҳарис әр қачан.
(Ҳарис киши ҳарисликни качон қўяди).

Асарда сонор товушлардан кейин жарангиз т нинг жарангли д ундошига ўтиш ҳодисаси ҳам XI-XIII асрлар ёдгорликлари учун хос хусусият хисобланади: *эмди, қутулды, сөзүндин, әрдәм, кәндү*.

Кўринадики, «Ҳибатул ҳақойик» асари фонетик хусусияти жиҳатидан XI-XIII асрларда яратилган бошқа ёдгорликларга ўхшаса ҳам, ўзига хос хусусиятларга ҳам эга.

Асар морфологик хусусиятлари жиҳатидан қўйидагилар билан ажралиб туради: тушум келишиги аффиксининг -уғ, -уг варианти архаик шакл сифатида анча сийрак учрайди, асосан, -им, -ни шакллари қўлланади: *созуг* - *сўзни, бозуг* - *бузни*.

Навадур созуг аз болур азл окуш
(Қадрли сўз оз, ҳазил сўз кўп бўлур.)

-н, -ун аффиксли восита келишиги шакли қам анча архаиклашган бўлиб, кам учрайди

Асал татруб элигин тамағ татир тиб.
(Кўли билан асал сдириб, таом бериб.)

Жўналиш келишигининг кадимги туркий тил учун хос бўлган — *зару*, -*гәру* шакллари қўлланмайди, асосан — *гә*, -*га*, (-*кә*, -*қә*) -*ә*, -*а* аффиксли шакллар ишлатилади.

Асарда сифатдошнинг -*тәчи*, -*тачы* (-*дачы*, *дәчи*), -*элы*, -*гли*, -*дуғ*, -*дүг* аффикси билан кадимги шакллари анча архаиклашиб қолган, кам учрайди. Аксинча, -*ған*, -*ғән* аффиксли сифатдошлар унумли шаклга айланган, аммо унинг кесимлик вазифасида келиши деярли учрамайди.

-да аффиксининг чиқиш келишиги учун қўлланиши жуда кам учрайди. Олмошларда *бу-му*, *ошуул*, *кәнду-ўз*, *нәгу*, *нелук*, *қамуг*, *анар-унга* каби характерли холатларни кўриш мумкин. Сифатнинг киёсий даража шакли – рәк/рак ва -ру аффикслари орқали ифодаланган: *окуирзқ* - *кўпроқ*,, *кенру* - *кенгроқ* (*Ким ол йолсуз әрсә анна кэнру йол* - *Ким йўлсиз бўлса, унга кенгроқ йўл бор*) каби.

Демак, «Ҳибатул ҳақойик» асари лексик, фонетик ва грамматик жиҳатдан биринчи навбатда, X-XII асрларда қўлланган туркий адабий тилнинг барча хусусиятларини акс эттиради, туркий қабила тилларининг анча ривожланаганлигини, маълум тизимга кела бошлаганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, бу асар ўзининг тил хусусиятлари жиҳатдан маълум тафовут ва фарқ бўлишига қарамай, кўп жиҳатдан XIII-XVI асрларда яратилган асарларнинг тили билан умумийликка эга. Айни вақтда, бу асар орқали эски туркий адабий тилдан эски ўзбек тилига ўтишда катта кадам кўйилганлигини, унга яқинлашиб келинганлиги ҳам аниқ билинади. Бу эса ўша даврдаги туркий қабила тилларининг ўзаро яқин муносабатини, уларнинг ривожланишини натижасида дастлаб ўзбек халқ (элат) тилининг ташкил топиши тезлашганлигини, шунингдек, боқша туркий элат тилларининг шаклланиш жараёни давом этганлигини тасдиклайди.

Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат»да адид Ахмад Югнакий ҳақида бундай дейди: «Ва аниң тили турк алфози била мавоиз ва насоикка гўё эрмиш. Балки аксар турк улусида хикмат ва нуқталари шоеъдур» ва

унинг қўйидаги байтини келтиради:

Сонакка иликтур, эрэнгэ билик,
Биликсиз эран ул иликсиз сонэк

Савол ва топшириқлар:

1. Эски туркий адабий тилнинг таянч диалекти масаласи нималардан иборат.
2. «Девони лугатут турк» асари ва унинг тили ҳақида гапиринг.
3. «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида адабий тил меъёр масаласи нимадан иборат.
4. «Кутадғу билиг» асарида адабий тил меъёр масаласи нимадан иборат.
5. Олтой назарияси ва унга асос олимлар қақида гапириб беринг.

Таянч тушунчалар:

1. *Олтой назарияси* – Олтой назпriasига рус шарқшунос олими В.Радлов асос солган бўлиб, унинг назариясига қўра олтой тилларида сўз бошида ва охирида келган ундошлар фақат жарангсиз бўлади.
2. *Чигиллар* – туркий қавмлардан бири бўлиб, маданий жиҳатдан бошқа туркий қавмлардан анча устун эдилар, яъни улар ўз ёзув анъаналарига эга эдилар.
3. *д’ диалекти* – чигиллар диалекти саналиб, Қораҳонийлар замонида вужудга келган адабий тилга асос бўлди. Мўғуллар ва улардан кейинги адабий тилда ҳам ўз хусусиятларини ҳам сақлаб қолди.
4. *й диалекти* – мўғулларнинг Ўрта Осиёдаги мавқеи пасайиб майдада туркий давлатларнинг пайдо бўлиши билан д’ диалекти элементлари, яъни қораҳонийлар адабий тили анъанаси ҳам ўзининг аввалги аҳамиятини йўқота бошлади. Натижада XIV асрнинг ўрталаридан бошлаб адабий тил анъанаси сифатида *й* – диалекти юзага чиқди.

3-МАВЗУ

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ХІІ АСРДАН КЕЙИНГИ ТАКОМИЛИ

Режа

1. Бу даврдаги тарихий жараён ва адабий тил анъанаси.
2. Бу даврнинг таянч диалекти масаласи.

3. «Қарлук-Хоразм» адабий тили ва унинг манбалари
4. «Чигатой улуси» адабий тили ва унинг манбалари.
5. «Олтин Ўрда» адабий тили ва унинг манбалари.

Ўзбек адабий тилининг XII асрдан сўнгги такомилида ХІІ-ХІУ асрлардаги тарихий воеаларнинг роли каттадир.

Маълумки, мўғул қабилаларининг фаоллиги X асрданоқ оша боради. Уларнинг қабилаларидан бўлган қорахитойлар ва XII асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёга бостириб кирадилар. Бу ерда улар икки томондан кураш олиб боришга мажбур бўладилар. Бир томондан, Хоразмшоҳ давлати билан, иккинчи томондан, мўғул уруғларидан найманлар билан.Хоразмшоҳлар бу курашда кўчманчи қипчоқлар, ўғузлардан фойдаланадилар ва қорахонийларни сиқиб чиқарадилар. Лекин улар Ўрта Осиё, хусусан, ўзбек элати составида Хитой деб номланган уругни қолдириб кетдилар.

XIII асрнинг бошларида эса Ўрта Осиёга мўғулларнинг истилоси бошланади. В.Бартольднинг таъкидлашича, бу тарихий воқеа Ўрта Осиёда барпо бўлган давлатнинг тилига ҳам таъсир этди ва унинг тили туркий тил бўлиб расмийлашди. Мўғуллар истилоси натижасида тузилган давлат Чигатой давлати деб юритилди ва XIV асрнинг охиригача Темурийлар империяси тузилгунча давом этди. Чигатой давлати туркий, эроний тил ва маданиятига эга бўлган қабила ва элатлар яшовчи территорияда ташкил топди ва ўзининг ёзма адабиёт тилини яратдик, у Навоий давридаги эски ўзбек адабий тилига база бўлиб хизмат қилди.

Чигатой тили деб аталган адабий тил илмий адабиётларда қорахонийлар даврида ташкил топган қарлук-чигил-уйғур ва ғарбий хоразм (ўғуз) тилининг давоми ҳамда тараққий этиши натижасида юзага келди, деб эътироф қилинади. XII-XIV асрлар адабий тилига қорахонийлар даври тили негиз қилиб олинганлиги учун ҳам, тилдаги «д»лашишга айлана боради.

XIII асрда мўғул қабилаларининг таъсирида Хоразм аҳолисининг туркий тилга ўтиши жараёни тугалланди.

XIII аср охири ва XIV аср бошларида туркий тилларда сўзловчи аҳолилар фақат қишлоқларда ва чўл районларда эмас, балки Ўрта Осиё, Қашқарнинг йирик шаҳарларида ҳам ошиб борди.

Бу эса бадиий адабиётда китобий тилга нисбатан жонли ҳалқ тилига мурожаат қилишни тақозо қила бошлади. Шу билан биргаликда XIII- XIV асрларда Хоразмни ҳам кўшиб олган **Олтин Ўрда** давлати тузилади. Олтин Ўрданинг бир қисми бўлган **Хоразмда адабий тил** қипчоқ-ўғуз тили элеменлари асосида ривожланди.

Хоразм орқали Олтин Ўрданинг Мовароуннахрга таъсири кучайди.

Натижада XIV асрга келиб Ўрта Осиёning марказий қисми билан Қашкар ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқалар узилади.

Ўзбек тилининг тарақкиётига ўтроқ ҳаёт кечиравчи ва кўчманчи қабилалар муносабати таъсир этмасдан қолмади.

Кўчманчи ўзбеклар Ўзбекхон бошчилигига XIV аср бошларида Мовароуннахрга бир неча бор юриш қилди. Бу юришлар Абулхайрхон ва Шайбонийхон даврида яна хам кучайди.

Кўчманчи ўзбеклар таъсирида «д» диалекти ўрнида «й» лашган диалектга ўтиш жараён кучайди. Демак, қипчоқ элементлари сезиларли ўрин эгаллай бошлади.

Шунингдек, Мовароуннахрнинг ғарби, шимолий ғарбига ва жанубий Хоразмга ўғуз қабилаларининг таъсири кучая бошлади. Ўғузлар ҳам «й»лашган диалектда гаплашар эдилар.

Ана шу тарихий жараён натижасида қадимги туркий тилда мавжуд бўлган, X-XII аср ёдгорликларида акс этган, XII-XIV аср китоб тили традициясига айланиб кетган «д» лашиш XIV аср ғарбий адабий тил (Хоразм) анаънаси таъсирида «й» лаша бошлади. Бу ҳолат «Ўғузнома» ва Олтин Ўрда циклига кирувчи бошқа асарлар тилида хам учрайди. Аксинча, қарлуқ-чигил-уйғур тили ғарбий туркий тилларга таъсири ҳам бўлган. Бу таъсир мўғулларгача кучли юз берган бўлиб, шарқий адабий тилнинг сусайиш билан ғарбий адабий тил, ёки Н.А.Баскаков термини билан айтганда қарлуқ-хоразм адабий тилининг тарақкиёти бошланди.

Н.А.Баскаков фикрича, қарлуқ-хоразм адабий тили кейинчалик эски ўзбек адабий тилининг яратилишига замин бўлган.

ҚАРЛУҚ-ХОРАЗМ АДАБИЙ ТИЛИ ВА УНИНГ МАНБАЛАРИ ҲАҚИДА

Қораҳонийлар давлати ҳукмронлиги тугагандан кейин Хоразмда қарлуқ-хоразм адабий тили вужудга келди. Бу тил мўғуллар истилосидан сўнг икки бир-бирига яқин бўлган адабий тилларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Улардан бири Олтин Ўрда ёки Хоразм адабий тили ва иккинчиси Чигатой улусининг тили. Қарлуқ-хоразм адабий тилининг ёдгорлиги сифатида Рабғўзийнинг «Қиссасул-анбиё», Алининг «Қиссаи Юсуф», Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» каби асарларни кўрсатиш мумкин. Шундан «Қиссасул анбиё» асарининг тил хусусиятлари билан танишамиз.

«ҚИССАСУЛ АНБИЁ» АСАРИНИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Мўғуллар истилоси маълум даражада диний реакциянинг кучайишига олиб кедди. Бу ҳолат бадиий адабиётга ҳам таъсир қилди. Аксарият адиллар диний қонунларни халққа тушунарли тилда ёритишга харакат қилдилар. Бунда улар қисса жанридан фойдаландилар. Қиссаларда эса сўзлашув тилига кўплаб мурожаат қила бошладилар. Натижада халқ тилига хос элементлар айрим

дений афсонавий сюжет асосида ёзилган асарлар услубига кириб кедди. Шу жиҳатдан Рабғузийнинг «Қиссасул 20 анбиё» асари характерлидир. Рабђузий XII асрнинг охири ва XIV асрнинг бошларида яшаган. Унинг «Қиссасул-анбиё» асари шу давр тилини ўрганишда муҳим манбадир. Бу асар 72 қиссани ўз ичига олиб, унда «Қуръон» ва бошқа диний китобларлари сюжет сақлангандир.

Рабғузий ислом динини тарғиб қилиш мақсадида халққа тушунарли бўлсин учун халқ сўзлашув тилига мурожаат қиласди. Асарда халқ оғзаки ижодида мавжуд бўлган қисса ва латифалар стили устун даражада ўз ифодасини топган. Бу эса китобий тил билан халқ тилини бир-бирига яқинлаштириш имконини туғдиради.

Рабђузий баён этиш услубини жуда соддалаштирган ва асарида халқ эртаклари услубини танлаб, «Қиссадан хисса» чиқариб боради. Халқ мақолларидан ҳам усталик билан фойдаланган.

«Қиссаи анбиё» асари фонетик жиҳатидан *ð*-лашишнинг камайиб, *й*-лашиш ҳодисасидан кенгрок қўлланган даврига тўғри келади. Баъзи ўринларда ҳар иккаласи параллел қўлланган: *иди-изи* (*жсаноб-худо*), *қайгу*, *қайгулук* ва ҳ.о.

Морфологик хусусиятларига назар ташлаганда қуйидагилар қўринади:
қаратқич келишиги *-ның// -ң// -нуң// -ы-и/-ин* аффикс варианtlарига эга:
Арабнуң адабы бар. Ул элиң әвләри.

жўналиш келишиги *-ҳару// -зару* аффикс вариантига эга; *ташқару, қайзару, унгару* (*олдинга*)

Асарда кишилик олмошларига келишик қўшимчалари икки марта қўшилиши мумкин: *Бизиндин қачтын. Сизиндин кедим.*

Жамлик сон *-әгу* аффикси билан ҳосил қилинган: *икәгү, үчәгү.*

Тартиб сон-инч: биринч, икинч.

Равишдошнинг *-мадин* (*матин*) аффикси билан ҳосил қилинган варианти: *Атам сөзин тутмадин.*

Шарт феълииинг I шахс кўплигига *-уз* (*вуз*). Шахс сон қўшимчаси қўлланган: *Бу уч насинә ача аргуман аппарсауз гәрек ерди* ва ҳ.о.

ЧИҒАТОЙ УЛУСИННИНГ АДАБИЙ ТИЛИ

XIII асрда муђуллар истилосидан сўнг Мовароуннахрда Чигатой давлати тузилди. Бу давлат идора ишларини юритишида қораҳонийлар давридаги адабий тилга ва Хоразмдаги адабий тилга мурожаат қиласди. Лекин кўпроқ қораҳонийлар давридаги тилга аҳамият берилди. Бу ҳолат маълум даражада қарлук-уйғур тили хусусиятларининг бу тидда сингаб қолишига сабаб бўлган, чунки уйғурлар маданий жиҳатдан юқори турувчи қабила

бўлгани учун мўғуллар ҳукмронлиги даврида давлатнинг маданий ҳаётида ва ёзув билан боғлиқ бўлган деярли барча ишларда муҳим ўрин тутган. Сарой доирасидаги мансабдор кишиларнинг болалари уйғурлар қўлида ўқиганлар.

Чигатой улусининг адабий тили ёдгорликларида қадимий китобий дўрнида з.й ундошларининг келганлигини кўрамиз. Шунингдек, айримларида туркман, баъзиларида уйғур тили хусусиятларини учратамиз. Чигатой улуси адабий тилининг ёдгорликлари сифатида «Муқаддимат-ул адаб», «Юсуф ва Зулайҳо», «Равнақ-ул Ислом», «Ўғузнома» каби асарларни кўрсатиш мумкин.

«ЎҒУЗНОМА» АСАРИНИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўрта Осиё туркий халқлари - ўғуз ва қарлуқ-уйғур диалектининг қадимги ёдгорлиги ҳисобланган «Ўғузнома»нинг қачон ва қаерда кўчирилганлиги хақида ҳозиргача аниқ маълумот йўқ. Н.М.Маллаев бу асарни XIII- XIV асрларда, А.М.Шербак XV асрда китобат қилган деб маълумот берадилар.

Немис олими В.Банг «Ўғузнома»нинг тил хусусиятларини тахлил қилиш асосида афсонанинг тилини шартли равишда янги шарқий туркий тил деб атайди ва П.Пеллионинг фикрига анча яқин мулоҳазани илгари суради. А.М.Шербак «Ўғузнома»нинг турли қўлёзмаларини ўрганиш, унинг тилини боқша асарлар билан қиёслаш асосида шундай холосага келади: асл нусха қўлёзманинг тили «й»ловчи шевада ёзилган, сўз негизининг фонетик шаклланишида лаблашмаган товушлар кўпроқ иштирок этади. Асар XIII аср охири XIV аср бошларида Турфон (Қашқар)да ёзилган.

Қабила иттифоқларининг бирлашиши тамойилининг кучайиши, бунинг натижасида анча қатъйлашган қарлуқ, уйғур, ўғуз тили хусусиятларидан ташқари, кейинроқ кириб қолган қипчоқ унсурлари ҳам асар тилида акс этган. Бу диалектларнинг қаммаси эса биргаликда эски ўзбек тилининг негизини ташкил қиласди.

Асарда қадим замонларда яратилган мифологик афсоналар билан бирга даҳшатли истило ва урушлар тасвири берилган. Бу, эҳтимол, Чингиз истилосининг инъикоси бўлиши мумкин. Асар тилидаги мўғул элементлари ҳам шундан далолат беради.

Асар тилида қарлуқ-уйғур, ўғуз қабила иттифоқи хусусиятларини учратамиз. Афсона тилида юқори-тор унлилардан сўнги тил орқа унлиларнинг қўлланишини кўрамиз: адуг, тириг, тағ ва х.о. Дарҳақиқат, «Ўғузнома» тилида нисбатан янги фонетик, лексик ва фамматик хусусиятлар анчагина учрайди. Масалан, сўзда д, дз га нисбатан й товушининг устунлиги ҳодисасини кўриш мумкин: адғыр, қон ўрнида айғыр, қой ишлатилади. Аммо бу ҳолат ҳали қатъий бўлмай, уларнинг мувозий қўлланиши ҳам учрайди: *айғыр, адуг (айқ)* каби. Унлилар уйғунлиги тўла сақланган: урунгудун сон қалмқлари (эшик) тэмурдун эрдилар. Ундошларда жарангизланиш ҳодисаси кучли: атни кэлдурди. Тан

эртэ боддукта. Сўз охирида тор ва кенг унлилардан кейин тилркә *ε*, *γ* товушлари сақланади: тириг, олуг, тағ, адуғ. Кишилик олмошларининг I шахсида *б* ундоши *м* шаклида келади: *балуқни* (*шаҳар*) бэнга сақлаб кэлгил. *Мэнгэ атам бу балуқнь!* Бэруб туур. Қаратқич келишигининг -*њ*, -*нуң* турлари кўпроқ учрайди: *бәшин* өгулм, оғуз қаганның аты, ануң башы, қаганнуң чәриги каби.

Асарда тушум келишигининг қадимги -*ыг*,—*иг* аффиксли шакли, -*ы/-н*, -*-и/-н* аффикси орқали ясалган шакли қўлланмайди. Асарда -*дук*, -*дүк*, -*ғу*, -*ғу* аффиксли сифатдошлар учраб туради: *йыбаргуда* эрди. Урушгудун сон. *Оғуз көрдүктә өзи кәтти* каби.

Тартиб сонларнинг иккинчи (икинчи ўрнида), үчүнчү, үчүнчи (үчүнч ўрнида) шакллари қўлланган. Шарт феъли асосан -*са* (-*сар* ўрнида) аффикси билан келади:

биринчисига Кун ат қойдышар, иккинчисигэ Ай ат қайдышар..., кулсм, йшласа каби.

Бу ёдгорлиқда лексик жиҳатдан тапуқ (хизмат), тэлим (қўп), туғ (байроқ), балуқ (шахар), бәргу, қапуғ, уқғулуғ, чәриг, муран (дарё), ачқич (калит), тоқуш, коруклуг каби эски туркий, мўғулча сўзлар учрайди. Бу фактлар асарда қарлук-уйғур тили хусусиятларининг устун эканлигини кўрсатади. Асар тилида учрайдиган бир қатор мўғулча сўзлар эса ўша даврларда туркий тилларга кириб ўзлашиб қолган янги лексик қатламни ташкил қиласди. «Ўғузнома» асарининг тили факат баъзи бир хусусиятлари билангина эски ўзбек адабий тилидан фарқ қиласди, у кўпроқ қарлук-уйғур тили анъаналарига яқин туради. Демак, «Ўғузнома» асарининг тил материаллари орқали эски ўзбек адабий тилининг қарлук-чигил-уйғур тил бирлиги билан яқин муносабатда, узвий алоқадор эканлиги аниқланади.

Сўз ўртасида д-й товушлари алмашади; *адуг-айғ*

Жамлик сон: - *эгу*, *уч* *эгу*, *ик* *эгу*, *беш* *эгу*.

Ҳаракат номи: *-ии// -ши/-ши* аффикслари ва ҳ.о.

Афсона тилида X- XII аср ёдгорлигига учровчи тушум келишигининг -*ыг//иг* I қурол восита келишигининг -*ин/-н* аффикслари билан ҳ.к. формалари учрайди.

Юқоридаги фактлар «Ўғузнома» асарининг XIII- XIV аср ёдгорлиги шу давр адабий тилининг намунаси деб карашга тўла имконият беради.

«ТАФСИР» АСАРИНИНГ ТИЛИ ВА УСЛУБИ

Эски ўзбек адабий тилининг муҳим ёдгорликларидан бири Қарши шаҳрида топилган «Тафсир» асари ҳисобланади. Бу асар «Ўрта Осиё Тафсири»

деб ҳам юритилади.

«Тафсир» - «Қуръон»нинг сўзма-сўз таржимаси, изоҳлар, шархлар ва тушунтиришлардан иборатdir. «Тафсир»да 18-сурадан бошлаб «Қуръон» таржимаси ва шархлар ва изоҳлар берилади. Асарнинг биринчи қисмида ҳар бир сурадан кейин унинг мазмуни билан боғлиқ хикоялар берилган. Иккинчи қисмида эса суралардан изоҳлар ва шеърий парчалар берилган. Китобда «Тафсир»ни тартиб берган ва кўчирган кишиларнинг номи кўрсатилмаган. Асарнинг ёзилган вақтини белгилаш жуда қийин, унинг матнида бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ. Шунингдек, асарнинг биринчи асл нусха қўлёзмаси ҳам аниқланган эмас. «Тафсир»нинг тил хусусиятларига асосланиб, В.В.Бартольд унинг XI асрда яратилган «Қутадғу билиг» достонидан ҳам илгарироқ ёзилган бўлиши керак, деган фикрни илгари суради.

Турк олими А.Эрдоган «Тафсир»нинг луғат таркиби жиҳатидан «Девону луғотит турк» лексикасига яқин эканлигига, унда диний тушунчаларни ифодаловчи сўз ва ибораларнинг туркий тилга таржима қилиб берилганлигига асосланиб, унинг асл нусхаси X-XI асрларда ёзилган деган фикрни баён қиласди. «Тафсир» тилига хос бир қатор лексик ва морфологик хусусиятларнинг «Ҳибатул ҳақойик» асарнинг тилига анча яқинлигини ҳисобга олиб, С.Е.Малов бу асарни XII аср ёдгорлиги деб ҳисоблади. Бу асарнинг тили тўћрисида катта иш олиб борган А.К.Боровков «Тафсир»нинг дастлабки даври X аср охири бўлиб, асарда мўјуллар ва кейинроқ Темурийлар даврига хос сўз ва атамаларнинг қўлланиши ҳамда унинг фонетикаси ва морфологиясида учрайдиган янгиликлар мазкур Қарши қўлёзмаси XV асрда қайта кўчирилган бўлиши мумкин, деб изоҳлайди. Шунга кўра у «Тафсир»ни ХІІ-ХІІІ асрларнинг ёдгорлиги деб қарайди.

Шуни қайд этиш керакки, тил хусусиятлари жиҳатидан «Тафсир, асосан, адабий *ð/dz/* тилига хос бўлган XІ-ХІІІ аср ёдгорликларига яқин туради. Шу билан бирга бу асарда жуда кўп холларда *ð/dz/*нинг *й* га ўтиши ҳодисаси ҳам учрайди: адшр - айшр, аднр - айнр каби. Бундан ташқари, асарнинг бир қатор лексик ва морфологик хусусиятлари ҳам унинг тили шу даврларда яратилган «Девону луғотит турк», «Ҳибатул ҳақойик», «Қутадғу билиг» каби ёдгорликларнинг тилга яқин эканлигидан гувоҳлик беради. Масалан, «Тафсир»да *табару* (томон), *бодун* (халқ), *арығ*, *асығ* (фойда), *тумлуғ* (совуқ) сингари кўплаб ўша давр ёдгорликлари тили учун хос бўлган сўз ва иборалар қўлланган. Тушум келишигининг *-ығ*, *-иг* аффиксли шакллари учрамайди. Кишилик олмошининг жўналиш келишигига анар (айди, анар) шакли учрайди. Аниқ ўтган замон феълининг биринчи шахс кўплиги *бардымыз, кәлдимиз* (*қамуғ бәрдимиз аңар ҳикмат билиғ*) шаклида ҳам келган.

Асар тилида ҳам шарқий туркий (қарлук-уйғур), ҳам ғарбий туркий (ўғуз-туркман) фонетик, морфологик ва лексик унсурларнинг мувозий ҳолда қўлланиши кўп учрайди: инкор билдирувчи эрмәс, *ва* эрмаз, *тагул ва дагул*,

илгәрү ва иләрү, ант ва Анд, тарығ ва дарығ тағра ва дағара (теварак) кабилар.

Шарқий туркий ва ғарбий туркий тил унсурларининг бундай аралаш ҳолда ишлатилиши фақат «Тафсир» тили учунгина характери эмас. Шу даврларда майдонга келган Алининг «Қиссаи Юсуф», Хоразмийнинг «Мұхаббатнома», Кутбнинг «Хисрав ва Шириң» каби қатор адабий ёдгорликларида шундай ҳодисани - шарқий ва ғарбий «туркий унсурларнинг аралаш ҳолда кулланғанligини күриш мумкин. Бу ҳол XІІ-ХІІІ асрларда шарқий қарлуқ-чигил-уйғур тили ва ғарбий ўғуз-қипчоқ тилларининг қўшилиб кетиши асосида эски ўзбек адабий тили ташкил топғанligини тасдиклайди.

ОЛТИН ЎРДА АДАБИЙ ТИЛИ

Олтин Ўрда адабий тили қарлуқ-хоразм адабий тили таъсирида ривожланди. Шунинг учун Олтин Ўрда циклига кирувчи ёдгорликларни кўпчилик адабиётларда Хоразм ёдномалари деб ҳам юритилади. Хоразм ёдгорликларида қораҳонийлар даври адабий тили, ўғуз, қипчоқ элементлари аралашган, бу билан эса умумхалқ тили график курилиши ва лексикасини бойитган.

Хоразм ёдгорликлари умумий бир адабий нормага эга эмас. Асарнинг ёзилган ўрнига қараб, фонетик грамматик ва лексикаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Масалан; «Мұхаббатнома» ва «Наҳжул Фародис» каби асарларда ўғуз ва қипчоқ элементлари аралаш ҳолда қўлланса, «Хисрав ва Шириң», «Меърежнома» (Мұхаммад пайғамбарнинг Маккадан Куддусга бориши ва Қуддусдан кўкка чиқиши ҳақидаги нома) каби асарларда ўғуз, қипчоқ ҳамда қораҳонийлар даври тилининг аралаш қўлланилганини кўрамиз.

Олтин Ўрда адабий тилининг энг характерли ёдгорликларидан бири Кутбнинг «Хисрав ва Шириң» достонидир.

«ХИСРАВ ВА ШИРИН» ДОСТОНИНИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

А.М.Шчербак асар тили Олтин Ўрда туркумiga кирадиган «Мұхаббатнома» ва «Ташшуқнома» асарлари тилидан луғавий, фонетик ва морфологик жиҳатдан фарқланиши, айни замонда қораҳонийлар даври ёдгорликлари бўлган Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг» ва Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул ҳақойик» асарлари билан бир қаторда туришини айтади, лекин қайд этилган асарлар тили билан қиёслангандан фактларни келтирмайди, балки «Хисрав ва Шириң» достони тилига хос бўлган айрим фонетик ва морфологик хусусиятларини санаб ўтади, холос.

«Хисрав ва Шириң» достони ва умуман, XIV аср ёдгорликлари устида маҳсус тадқиқот иши олиб борган Э.И.Фозилов ҳам асар тилининг «Девону луғотит турк», «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойик» асарлари

тилининг хусусиятлари билан айрим умумий томонларга эга эканлигани кўрсатади ҳамда ўша хусусиятларни санаб ўтади. Шу билан бирга, Э.И.Фозилов Хоразм ёдгорликларининг диалектал асослари тўғрисида фикр билдириб, унда ўғуз, қипчоқ, булғор, уйғур унсурларининг синонимик қўлланишини таъкидлайди ҳамда П.М.Мелиоранскийнинг «диалектал ранг-баранглик» ҳақидаги фикрига тўла қўшилади.

Шу муносабат билан айрим мулоҳазаларни билдириш ўринли бўлади. «Хусрав ва Ширин» асари маълум адабий тил анъанаси юзага-келган даврда яратилган. Бу даврда адабий тилда эндиғина меъёрлар тизими пайдо бўла бошлаган эди, айни замонда, қорахонийлар даврида яратилган адабий тил анъанасининг таъсири кучли эди, чунки ўша даврда ўзини олим ва фозил санаган ҳар бир киши бутун шарқقا машхур бўлган «Кутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ» асарларини ўрганмасдан, ундан баҳра олмасдан қолмас эди. Маълумки, санаб ўтилган асарлар тилида ҳам қарлук ҳам чигил диалектларининг хусусиятлари акс этган, Шу жиҳдтдан ҳам «Хусрав ва Ширин» достони тилида уйғур тили унсурлари бўлган. Аслида уйур тили унсурлари тўғридан-тўғри уйғур тили ёки унинг диалекти таъсирида эмас, балки мавжуд адабий тил анъанаси туфайли юзага келган. Англашиладики, асар тили шеваси хусусида гап борар экан, «диалектлар ранг-баранглиги» ҳақида эмас, балки ўғуз-қипчоқ шевасининг қисман таъсири ҳақида сўз юритиш мумкин бўлади.

Шу муносабат билан яна бир фиктга ойдинлик киритишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Ўзбек адабий тили тарихига назар ташласак, XIII-XIV асарларда эндиғина эски туркий адабий тилдан ажralиб чиқа бошлаган эски ўзбек адабий тилининг «қарлук-хоразм адабий тили «Чигатой улуси адабий тили», «Олтин Ўрда адабий тили» деган ёрликлар билан юритилганини кўрамиз. Сиртдан қараганда, ўзбек адабий тили хусусида деярли гап бормаётгандек туюлади. Нима учун бир адабий тилни турлича номлаш зарур бўлади? Аслида бунга ҳожат йўқ, чунки XIII- XIV асрларда гарчи маълум даражада диалектал фарқлар мавжуд бўлса-да, уларни турли-туман адабий тил манбаи сифатида караш мумкин эмас. Бу кисқа даврдаги адабий тилнинг турлича номланишида, айниқса, «Чигатой», «Олтин Ўрда» номлари билан юритилишида илмий-лисоний асос йўқ бўлиб, у кўпроқ босқинчилик сиёсати билан боғланган эди. Шу туфайли XIII- XIV асрларда яратилган ва юқоридагидек турлича номланиб келинган асарлар тилини адабий тил нуқтаи назаридан умулаштириб ўрганиш керак, лекин ўзига хос томонлари бўрттириб кўрсатилиши лозим, деб хисоблаймиз.

Н.М. Маллаев «Хусрав ва Ширин» достони XIV аср ўзбек адабий тили ва Хоразм диалектининг муҳим ёдгорлиги эканлигини таъкидлайди. Бу фикр ҳам изоҳ талаб қиласди. Умуман олганда, ҳар бир бадиий асарни маълум диалект билан боғлаб қўйиш мумкин эмас, чунки аввал таъкидлаганимиздек, бадиий асар тил анъанаси асосида юзага келади, яъни маълум диалектнинг

бадиий асари ҳақида сўз юритиб бўлмайди. Шу маънода «Хусрав ва Ширин» достонининг тили Хоразм диалекти асосида яратилган деб айтиш қийин. Иккинчи томондан, ҳар бир асар муаллифи муайян диалектнинг вакили бўлганини учун ҳам асарида ўз диалекти унсурларидан фойдаланиши аниқ. Бу эса бадиий асарни маълум диалект билангида боғлаб қўйиш учун асос бўла олмайди. Н.М. Маллаевнинг юқоридаги фикри адабиётчиларга хос муболага билан айтилганини таъкидлаш ўринли бўлади.

Асар тилининг фонетик жиҳатдан кайси диалектга алоқадорлиги масаласи ҳам эътиборни тортади. Бу масалада ҳам ихтилофли фикрлар мавжуд. А.М.Шчербак асар тилида қоришиқ ундошининг кенг қўлланнишини таъкидлайди, лекин У. Турсунов ва Б.Ўринбоевлар Олтин ўрда адабий тилининг диалектал ўзига хослигини кўрсатишда ундошининг «й» ундошига мос келиши билан изоҳлайдилар. Уларнинг бу фикри бевосита «Хусрав ва Ширин» достонига ҳам тегишлидир. Бизнингча, бу масалага Э.Нажиб тўла аниқлик киритган эди. Э.Нажиб ажойиб фактни келтиради. Унинг кўрсаташича, асарда 67 та сўзда ундоши қайд қилинган. Шундан 29 таси такрорланмайдиган сўзлар (ўзаклар) бўлиб, 11 тасида «й» муқобиллари, 2 тасида эса «з» муқобиллари мавжуд. Демак, 16 тасида «й» ундошига ўтмаган, яъни муқобил бўлмаган ундошли сўз қайд қилинган.

Қ.Маҳмудов ХП1- XIV асрлар ёдгорликлари фонетикасини ўрганар экан, «Хусрав ва Ширин» достонида /ձ/ ундоши билан ёнма-ён қўлланганини айтади, лекин «й» ундоши билан ёнма-ён қўлланганини айтади, лекин «й» ундоши билан алмашган ўринларга мисол келтирмайди, аксинча «д» ундошли сўзларга — адақ, — кадгу мисолларини келтириш билан чегараланади. Бундан шундай хулоса чиқадики, асарда ҳамон дз — лашиб сақланади. Мисолларга мурожат қиласиз: адз—исм, эгарламоқ, эдзгарламак— эгарламоқ, эдзгулик —яхшилик, удзымақ -ухламоқ умидз—умид, шадзлық— шодлик, қудзы - қуий, құдзәкү —куёв, почча ва бошқалар. Матндан мисоллар келтирамиз.

Адақы йер йўзини барча кезмиш,
Феяек аның ишин ройъшча тұзмиш. (138)

Оғул әдгү йаман че қылса андын,
Көрү өз оғлы йандурғай жазасын. (141)

Пәриләр бирлә йетти ерсә ул хур,
Қодыб суратны теркин кетти Шавур. (151)

ДОСТОН ТИЛИНИНГ ЛЕКСИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Э.Нажиб достон тилида 2500 туркий сўзлар қўлланганлигини қўрсатади. Бу ракам ичига сўзларнинг вариантада ёзишишини ҳам киритган.

Масалан: актачы, табиб), (ев) ва бошқалар.

Достон лексикасида умумтурккий сўзлар 39 % ни ташкил этади, қолган сўзлар эса ўғуз (12), қипчоқ (8), жануби-шарқий диалектга оид (21), ўғуз (3), шарқий клпчоқ (14) унсурларидан иборат. Туркий сўзлар достон тилида тахминан 65 % ташкил қиласди. Шу билан биргаликда достон лексикасида қуйидаги қатламлар кўзга ташланади:

1. Турк-мўғул тиллари даврига оид сўзлар. Маълумки, туркий тиллар мўђул тиллари билан биргаликда олтой тиллари оиласини ташкил этади. Шунинг учун ҳам асар тилида (умуман, ҳар бир туркий тилда) туркий ва мўғул тиллари учун умумий лексик қатлам мавжуд. Буни қуйидаги сўзлар мисолида кўрсатиш мумкин: *Адақ, иди* (ҳоким), *ерэн* (кишилар), *арпа, арт, эртэ* (эрта), *арсян, армтмак* (тозаламоқ), *асан* (есон), *ал* (қизил), *алтун, алдаг* (алдоқчи), *алмс, alma*, *эмпәк*, *умынж* (умид), *анбар* (сарой), *ав* (ов), *узук* (гам), *орк* (асос), *уруг* (оила), *улус, елчи, бағ* (богич), *бал* (асал), *билик, табақ* (овқат), *табеғ* (хизмат), *сормақ* (сўрмок), *сунмәк* (таклиф қилмоқ), *қатн* (қаттиқ), *қан, қарақ* (кўз қорачиги), *қарим* (сарой), *қаргу* (кўр), *қамуғ* (барча), *қонрагу* (қўнгироқ), *қир* (чўл), *керәк, көкс* (кўкрак), *кичи* (кичик), *мал* (бойлик), *йүрук, йуз, йыл, йимиши* (мева) ва бошқалар.

2. Арабча-фосча сўзлар. Достон тилида арабча-форсча сўзларнинг бўлиши икки муносабат билан изоҳланади, яъни асар бевосита форс-тожик тилидан таржима қилинганлиги туфайли ҳам форс-тожикча сўзлардан фойдаланиш зарурияти бўлган; иккинчидан, муаллиф яшаган воҳада туркий тил форс-тожик тилини аллақачон сиқиб чиқарган бўлса-да, бу тил унсурлари хали истеъмолда бўлган. Араб тили унсурлари эса бевосита ислом дини таъсирида ҳамда форс-тожик тили орқали ўзлашиб қолган. Асар тилида қуйидаги арабча/сўзлар қўлланади: *ажал, ҳыхир, ҳадам, асбаб, атрап, имин* (тинчлик), *ҳукм, хазина/азаз, адл, фәләк, қувват, қайсар, васийат, йас* (мотам).

Қуйидаги каби форсча сўзлар қўлланган: *ҳарәм, ҳазад, таж, тахт, хаста, хумар* (маслик), *душивар, руста* (қишилоқ), магар ва бошқалар

Асарда синонимларни қўллашга ҳам эътибор берилган. Қуйида синонимлар қаторидан баъзиларини келтирамиз: *адың-өңин* (боиқа), *өкүшигән-тәлим* (кўп), *йығлы-сөгәл* (касаллик), *узак-алыс-йырак* (узок), *ел-улус* (эл), *йазмақ-йанъимақ* (янглишмок).

Жуфт сўзлар ҳам қўлланган: *арты-арқасы, аш-су алтун-кўмӯш, айақ-чанақ* (идиши), *ичи-таши, еркак-тиши* (эр-хотин), *барым-йоқым* (мол-дунё), *биру бар* (худо), *көз-қулақ, малу тавар* (бойлик), *артуқ-өксүк* (ортик-кам).

ДОСТОН ТИЛИНИНГ ФОНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Достон тилида асосан 9та унли, араб-форс сўзларидаги а билан биргаликда 10 та унли қўлланган: *a, ā, ə, o, ө, у, Ү, и, ы, e* (э). Бунда алиф *a, ā, i, ы, y, o, ө* унлиларини ёй *i, ы, e* (э), *ā*, унлиларини Вов

эса у, ү, о, ө унлиларини, ҳойи ҳавваз э, а унлиларини ифода қилишда қатнашган. Бу транскрипция беягиларининг изохи ўзбек тилининг тарихий грамматикасига оид асарларда берилганлиги туфайли уларга махсус тўхтамасдан достондан қуидаги мисолларни келтириш билан чегараланамиз:

Атага ким бу йанлығ қилса хизмат

Оз оглышиш аньштек тапға иззат (141)

Адл белгуси билгурди озиндә,

Жаҳан тутмақ нишанм ҳам йузиндә. (141)

27 Бу кичик матнда юқоридаги барча унлилар акс этган.

Адабиётларда (*дз*) -д ундошининг туркий тилларда қўлланиши ҳақида айнан бир хил фикр баён қилинади, яъни бу ундошнинг қадимги туркий тилда бўлмаганлиги, лекин туркий уруғлардан бири бўлган чигиллар диалектига хос эканлиги айтилади ва д-д-з тараққиёти қўрсатилади. Ҳақикатан ҳам, қадимги туркий тил бўйича яратилган дарсликларда (*дз*) ундоши ҳақида маълумотлар учрамайди. Айрим ишларда ундошининг пайдо бўлиши XI—XII асрлар билан белгиланади.

Энди бу ундош кейинги ҳодисами? деган ҳақли савол туғилади. Шуни айтиш керакки, тилда тошуш таркиби аслида мураккаблик томонига эмас, балки соддалик сари тараққий этади. Агар бу фикрдан келиб чиқадиган бўлсак, ундоши *д* ундошининг тараққиётидан ҳосил бўлган деб хисоблаш мумкин эмас.

«Хусрав ва Ширин» достони тилида сингармонизм қонунияти тўла амал қилган. Маълумки, сингармонизмнинг икки тури мавжуд. Туркий сўзларда танглай уйҷунлиги тўла сақланади:

Кел, емди сен бу өпкәләрни қойғыл,

Бир анча ҳам нифақ, билә узр қыл.

(273)

Бу байтда *емди, опкәләрни, қойғьши, анча, билә* сўзларида танглай уйғунлиги сақланган лекин араб, форс тилларида ўзлашган сўзларда (*ўзак ва қўшимчаларда*) бу қонуниятнинг амал қилиши катъий эмас. Арабча ва форсча сўзларда танглай уйҷунлигига риоя қилиниши бундан чекинишни ва бундан чекинишни қуидаги мисолларда қўрсатишга ҳаракат қиласми:

1. Ўзак (арабча, форсча) ва қўшимча (туркий)ларда танглай уйҷунлиги сақланади:

Не сөзким айдын ул йерлик йериндә,

Хатасы йоқ бу сөзләрниң бириндә.

(225)

2. Туркий ўшимча арабча, форсча сўзнинг охирги бўғинига уйғунлашади:

Йелиб йелтек раван ул тағқа йетти,
Белин бағлады истидадын етти. 235)
Вәфалығ қулни бир йолы унутма,
Сут орнықа йана ағу татутма.

(238)

Лаб уйғунлигига ҳам амал қилинган. Барча бўғинларда лаб уйғунлиги сақланади:

Қамуғ түрлүк көркүң бир иллаким дариғ ул,
Табар текмә кишиләр табғыңа йол. (256)

Чықыб сиз таш ешиқдә оллурунуз,
Йавуқ йетсә, бақыб йахшы көрүңүз, (263)

2. Кўшимча сўзнинг охирги лабланган бўғини уйунлашади:
Ва лекин мен турууб чыққымышда кедин,
Тонуб кедуруб қаравашлардан бирин.

256)

Йазуклуқ қуллар истиғфарм ҳаққы,
Ҳажыллық йышыси зәры ҳаққы

(261)

3. Лаб уйғунлиги бузилади:
Хануз шукрини айту билмәгәймән,
Тумандын бирин айту билмәгәймән.

261)

Лаб уйғунлигидан чекиниш ҳолатлари қонуний эмас, балки унинг қонуниятларини ўрганиш тил билимимизнинг навбатдаги вазифаларидан биридир.

Морфологик хусусиятлар

Достон морфологиясида, бир томондан, эски туркий тил анъаналари сақланди, иккинчи томондан, кейинчалик у эски ўзбек адабий тилида меъёрга айланган морфологик шакллар билан бойиди.

Достон тилида ҳам «Девону луғатит турк», «Қутадгу билиг», «Хибатул хақойик»тилига хос бўлган қўйидаги тил хусусиятларини кўрамиз: Қаратқич келишиги -им қўшимчаси билан ҳам ҳосил қилинган:

Кулын ғура меним йеткәнгә берди,

Шәкәр шура меним текәнгә берди. (140)

Тушум келишигининг баъзан -г /—иг қўшимчаси билан ҳосил қилинган шакли учрайди:

Жаҳāн тапты ерсә жāнны ушбу йерик (г), 29

Недин бизләргә көринүр тушдә айтек. (310)

Бу мисолда **йерик** сўзидағи -иг қўшимчаси кейинги сатрдаги *айтек* сўзига қофия қилиниши муносабати билан жарангиз ундош билан берилган, лекин ёзувда ҳар иккала сўз коф (Ҳ) билан ёзилган. Демак, муаллиф ёзувдаги кофияни сақлаш учун кофни ишлатишга мажбур бўлган. Шунингдек, бу қўшимча достон тили учун типик эмас. Маълум бўладики, бу ўринда муаллиф қофия талаби билан архаик тушум келишиги қўшимчасидан фойдаланишга мажбур бўлган.

Восита келишигидан унумли фойдаланилган:

Низамий назмы йанлмғ туз созунни, Аньш билгут ханина бу озунни. (135)

Аның сўзи бу ерда у билан, ўша билан деган маънони билдирган.

Ажун хушлуклармндын конлм кечти,

Өз елигин башына тупрак сачты. (206)

Асар тилида чиқиши келишиги -дин -дын -тин -тын қўшимчалари билан ҳосил қилинганлиги нормага мувофиқ келади. Шу билан бир қаторда достон тилида қадимги туркий тилда бу қўшимчалар билан ёндош қўлланган –дан/ -дән қўшимчаси учрайди. Бу қўшимча варианти қўлланишининг икки сабаби ҳақида фикр юритиш мумкин:

1. Бевосита қадимги туркий тил унсурларининг сақланиб қолиши деб қам тушуниш мумкин.

2. Лозим бўлган ўринларда тўла кофия ва вазнни сақлаш учун ҳам бу вариантда фойдаланилган бўлиши мумкин.

Йана шаҳзаданың хизматчи оғлан,

Кўчәмләб ғура алмыш тейұ бағдан. (139)

Бунда *оғлан ва бағдан* сўзларининг тўла қофиясига эришиш ниятида шоир -дан қўшимчасидан фойдаланган. Буни қуйидаги байтларда ҳам кўриш мумкин:

Сабақ алмыш ҳавада қушлар андан,

Сувда иврәкчә қорқмаз болса тофан. (145)

Чечәкни тাশа еркән термәдим мен,

Йел елтти нাগаҳан кезлэнди көздән. (146)

Демак, асар тилида *-дән* вариантининг қўлланишини юкоридаги иккинчи сабаб билан боғланиш мутлақо тўғри бўлади.

Жўналиш келишигани шакллантирувчи кўрсаткич сифатида *-кә -қа* қўшимчаларининг қўлланиши асар тилининг меъёрини акс эттиради, яъни тил олди унлили асосга *-кә*, тил орқа унлили асосга *-қа* вариант қўшилган.

Укуш сөз барча ҳалда йахшы болмаз,

Тейу сабр ишкә бағлаб қылдълар рәз. (181)

Мунунтек айты ул сөз айғчы пир,

Нетэкким чықты сахрәқа жаҳангир.

(180)

Демак, қадимги туркий тилга хос бу ходиса «Хусрав ва Ширин» асарида ҳам давом этган.

ңәа - *хизматинга, тобинга* (184) каби кўринишга эга бўлган ўринларга ҳам дуч келиш мумкин. Бу кўрсаткич араб алифбосида ҳам нуну кофу алиф, нуну ғайну алиф билан берилган.

Бунда икки хил фикр юртиш лозим булади:

1. Бу сўзлардаги *н* ундошини оралик (интеркаляр) товуш деб тушуниш мумкин, чунки бу товуш ҳозирги ўзбек тилида ҳам қўлланиб келмоқда.

2. Эски ўзбек ёзувида ҳам ҳозирги ўзбек ёзувида ҳам шундай нокулайликлар мавжудки, жонли тилига хос бўлган барча имкониятларни бериш қийин. (Бундай қийичилик дунёдаги деярли барча ёзувларда мавжуд.) Буни маълум даражада транскрипцион белгилар билангина амалга ошириш мумкин. Шу муносабат билан қадимги туркий тилда ҳам бўлган, мазкур достон тилида ҳам давом этган жўналиш келишигининг *-нә-на* вариантларини араб ёзувида ҳам, ҳозирги ўзбек ёзувида ҳам ўқувчига етказиш қийин, яъни *-ңә -ңә* () шаклида ёзувида намоён бўлиши кутилган натижани бермайди. Афсуски, котибларнинг *-нә -на* қўшимчасини нуну кофу алиф ҳамда ғайну ҳойи ҳавваз билан беришдан бошқа иложи ҳам йўқ эди.

Тартиб соннинг қадимги туркий тил хос бўлган *-нч* қўшимчаси билан ҳосил қилинган варианти қайд қилинади:

Икинч элгэ алый ул тешесини,

Йана башлар узақы пешесини.

(239)

Ортирма даражаси сифати *кәд*, *йавлақ*, *асру*, *асры* (*жуда*) равишлари билан ҳосил қилинган:

Фәләқ астында кездим мунча афак,
Ажайыб көрдум ичрә йавлақ. (143)

Бу ўринда *йавлақ* сўзи ажайиб сифатига алоқадор.
Қамуғ барча шаҳдын алур мāлу хыражын,
Агар бермэсә тушур башда тажью.
Йана уш бизгэ давлат йары келди,
Не ким сақынды ўз башъа келди. (213)

Феълнинг амалий шаклларида ҳозирги даврда мавжуд бўлган қўшимчалар билан бирга қадимги туркий тилга хос бўлган қўшимчалар ҳам қўлланган:

-*ығлы* /—игли сифатдош қўшимчаси:
Қайу мажлысдаким сөзләсә ул ай,
Оқығлылар қылур эрди тәлым вай. (227)
-*у* — *у*, -*йу* -*йу* равищдош қўшимчаси:
Бу йаңлығ сөзләр айту, йығлағу зāр,
Йузин сурат онында йергэ суртар.(239)
-*мадин* равищдош қўшимчаси:
Ахыр уш иккимиздин өзгэ ким бар,
Сақынмадин сақынмақ недин, ей йāр. (195)

Шарт майлнинг 11 шахс бирлигига -нац -нәқ қўшимчасининг қўлланиши ҳам достон тилининг ўзига хослигидир:

Агар керт-у мусулмāн ерсэнээн бир,
Недин қылмазсен ул ёвазы тәқбир. (260)
Уш андын айды: «Ей фарзāна Фарҳāд,
Керәкким қылсандан емди мени шāд». (288)
Буйруқ-истак майли фегълиниңг 111 шахсида -*су* -*су* қўшимчаси катнашган.
Буйурды келсу теб барбатчыны шāх,
Ачық болсун теди келгинчә даргāх. (215)
Киши кирмәс бағчылар бағына,
Тавар сүмәэсүнләр ҳам терланларына. (138)

Лекин -*сун* -*сун* қўшимчаси ҳам қўлланганлиги юкородаги мисоллардан кўриниб турибди.

Сўз шаклларида ўғуз гурухи тилларининг фонетик хусусиятлари сақланади:

а) бўлишсизлик шаклидан сўнг келаси замон сифатдоши -з қўшимчаси билан ҳосил қилуради:

Қамуғдын озруб ул хидмат жаҳанның,
Кечурмәз ерди хидматсыз заманың. (138)

б) ҳозирги-келаси замон феъли бўлишсизи -ман -мэн қўшимчаси билан қўлланган:

Меликмән йазуқны билмән теди ҳеч,
Айытлар кечә ким қалды ул кеч. (139)

Форсий мофологик унсурлардан ҳам, яъни «ёйе ишорат» шаклидан ҳам фойдаланилган:

Ханым бирлә мәлиқә атына бир
Китабе қыл ка қыл теди тадбир. (135)
Агар учтмәхда ҳуре ерсә машхур
Ул ел учтмәх ерүр ул фитналар хур. (145)

Савол ва топшириқлар:

1. XIV асрдаги тарихий жараён ва адабий тил анъанаси ҳақида гапириб беринг.

2. Бу даврнинг таянч диалекти деганда нимани тушунасиз?

5. X1-X1У асрларда адабий тилнинг «Қораҳонийлар», «Олтин Ўрда» ва «Чигатой» номлари билан аталиши ва унинг сабаблари нимадан иборат. Бу давр ёзув ёдгорликларини сананг.

Таянч тушунчалар:

Карлуқ-хоразм адабий тили - қораҳонийлар давлати ҳукмронлиги тугагандан кейин вужудга келган адабий тил бўлиб, бу тил мўғуллар истилосидан сўнг икки бир-бирига яқин бўлган адабий тилларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Улардан бири Олтин Ўрда ёки Хоразм адабий тили ва иккинчиси Чигатой улусининг тили.

Олтин Ўрда адабий тили – XII-XIV асрларда Хоразмни ҳам қўшиб олган Олтин Ўрда давлати тузилади. Олтин Ўрданинг бир қисми бўлган Хоразмда адабий тил қипчоқ-ўғуз тили элементлари асосида ривожланди. Шунинг учун Олтин Ўрда циклига кирувчи ёдгорликларни кўпчилик адабиётларда Хоразм ёдномалари деб ҳам юритилади.

Чигатой адабий тили – Мўғуллар истилоси натижасида тузилган давлат Чигатой давлати деб юритила бошланди. Чигатой адабий тили илмий адабиётларда қораҳонийлар даврида ташкил топган қарлуқ-чигил-уйғур ва

ғарбий хоразм тилининг давоми ҳамда тараққий этиши натижасида пайдо бўлди, деб эътироф этилади.

4-МАВЗУ

Ўзбек халқи ва унинг номланиш тарихи

Режса:

1. Ўзбек халқи ва тилининг турли хил номланишинг сабаблари.
2. Ўзбек адабий тилининг даврлаштириши масаласи.
3. Ўзбек адабий тилини даврлаштиришида олимларнинг таснифлари ва тамоийллари.
4. Ўзбек адабий тилининг тараққиёт босқичлари:
 - a) илк давр (XI-XIV) асрлар ва эски ўзбек тили.
5. Эски ўзбек тилининг таянч диалекти масаласи.
6. Эски ўзбек тилида форс-можик ва араб тили унсурларининг янада кучайиб кетиши.

Ўзбек халқи ва ўз тилининг номланиши. Ўзбек халқи, миллати номини олган халқ жуда қадимий тарихга эга бўлгандек, улар тилининг номланиши ҳам ҳар хил даврларда турлича бўлган. «Ўзбек» деган номнинг мазкур миллатга ва унинг тилига нисбатан қўлланиши Октябрь инқилобидан кейин бошланди. Унгача Европа туркшунослари Ўзбекистоннинг ўтрок аҳолисига нисбатан сарт сўзини қўллаганлар. «Сарт» сўзининг луғавий маъноси ҳали мунозаралидир. М.Қошғарий уни «Савдогар» маъносида қўлланганлигани билдиради. У.Турсунов ва Б.Ўринбоевлар санскритча сарставан (карвонбоши) сўзидан олинганлигини айтадилар.

Сарт сўзи ҳар ҳолда этник ном эмас. Бу ном шаҳар аҳолисига кўчманчилар ва сахройилар томонидан қўйилгандир. Шунинг учун сарт Навоий ва Бобур сарт атамасини тожик-форсларга нисбатан қўллаганлар. Умуман, XVI асргача Ўрта Осиё шаҳарларида яшовчи тожик аҳолини сарт дейилган. Шайбонийхон истилосидан кейин бу ерлардаги ўтрок туркий аҳоли ҳам кўчманчи ўзбеклар томонидан сарт деб юритилгани маълум.

Шунингдек, ўзбек тили ҳамда ўзбек адабий тили тарихда даврига қараб турк, туркий, туркча, туркистонча чигатой, Ўрта Осиё туркийси каби номлар билан аталиб келган. Маҳаллий халқлар ўзбек деб аталувчи халқни «турк» ва унинг тилини «туркий» деб юритганлар. Алишер Навоийнинг «Муқокаматул-луғайтайн» асарида ўзбек халқини, турк ва унинг тилини турк тили деб атайди. Масалан: «... менинг таъбим турк лафзига мулойим тушиган

учун таърифида муболаҳа изқор қилурмен. Бу гариб маъни адосида туркчада бу матлаъ борким»

«Турк» номи М.Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асаридаёқ кенг маънода ҳамма туркий халқларга нисбатан ва тор маънода Шарқий туркларга нисбатан қўлланган. «Ўзбек» номи эса ҳозирги ўзбек халқининг бир кисмини ташкил этувчи қипчоқ уруғига мансуб бўлган қабилаларга нисбатан ишлатилган.

Турк номи Ўрта Осиё, Крзоғистон, Кавказ, Волга бўйи халқларига нисбатан ҳам қўлланганлигидан, ўзбек тилини улардан фарқлаш учун туркестонча, чигатойча, Ўрта Осиё туркчаси деб номлаганлар.

Чигатой атамаси мўгуллар истилосилан кейин пайдо бўлган. Чингизхон вафотидан олдинроқ босиб олган ўлкаларни ўғил ва набиралари ўртасида таксимлаган. Шунда Ўрта Осиё ва Шимолий Афғонистон ўртанча фарзанди Чигатойга берилиган. Чигатайхон тасарруфига қарайдиган ерлар Чигатой юрти, эли; элатлар эса Чигатой улуси; бу худудда яратилган адабий, тарихий асарлар аста секин, даврлар ўтиши билан чигатой адабиёти, унинг тили сунъий равишда чигатой тили номи билан юритиладиган бўлган. Демак, Чигатой атамаси ҳукмдор номи билан боғланган атамадир.

Навоий «Чор девон»ида Чигатой, Жўёжи атамалари уруђ, қабила номларини билдиргани ҳақида маълумот берилиган: «*Турк қрвмлари Жўжидур, Иноқ, Чигатой*».

Адабиётшуносликда чиҳатой адабиёти ва чигатой тили, чигатой туркийси атамалари учрайди. Бунда, яъни чигатой адабиёти атамаси қўлланса, ўзбек мумтоз адабиёти деб тушунмоқ керак. Чигатой тили, чигатой туркийси атамаси учраб колса, унинг эски ўзбек адабий тили ўрнида ишлатилаганини англаймиз.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи, унинг номланиш тарихи хусусида С. П. Толстов, А.Ю. Якубовский, Я. Ф. Гуломов, Л.В. Ошанин, М. Ваҳобов, А.Асқаров, Б.Аҳмедов, И. Жабборов каби олимларнинг ҳар хил тарздаги тадқиқотлари мавжуд. Ўзбек атамаси гарчи «ўзи-бек» -ўзига бек, мустақил беглик каби маъноларни билдирган сўз деб юритила бошлаган бўлса ҳам, қадим бу сўз нимани англатгани аниқ эмас.

Ўзбек сўзининг келиб чиқиши ва қўлланиши ҳақида ҳозирча энг сўнгги маълумот профессор Х.Дониёров мақоласида анча батафсил берилади. Мақолада биз учун янги фикр муаллифнинг ўзбек атамасининг XI асрда ҳам ишлатилгани ҳақидаги аниқ манбаларга суюниб келтирган мулоҳазасидир. Шунингдек, бу ном билан аталувчи қавмларнинг ҳозирги Ўзбекистон, Ўрта Осиё ва ҳатто араб мамлакатлари худудида ҳам анча илгаридан бери яшаб келаётганлигига қўйидаги мисоллар жуда ёрқин далил бўла олади. Масалан, XI асрда Сурияда яшаган араб тарихчиси Исома ибн Мунқизнинг «Китоб-ал

эътибор» («Ибратли китоб») деган асарида ёзилишича, «ўзбек» қавмига мансуб бўлган кишилар ўша вақтдаёқ Арабистонда анча мавке эгаллаганлар ва европаликларнинг салб юришларида мусулмонлар томонида туриб жанг қилгандар.

Навоийдан кейин XVI аср бошларида ўзбек халқи ва унинг тили ўзбек номи билан ҳам юритилган. Буни Муҳаммад Солихнинг «Шайбонийнома»сидан келтирилган қуйидаги байтдан ҳам билиш мумкин:

Ҳоли анинг ери Туркистондур
Ўзбак элига муazzам хондур.

Шайбоний Даشت қипчоқдан бостириб киргандан сўнг кўчманчилар билан ерли қабилалар аралашиб кетадилар. Шу туфайли ўзбек деган ном кейинчалик кенг қўллана бошлаган. Ўзбек халқи ва унинг тили қайси ном билан аталмасин, шу халқнинг бирдан-бир алоқа воситаси бўлиб келди.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИНИ ДАВРЛАШТИРИШ

Ўзбек тили уйғур тили билан биргаликда қарлуқ тили группасига киради. Қарлуқ тили тарихий жиҳатдан Ўрта Осиё группасига, айниқса, ғарбий хун шахобчасига кирган тиллар билан оиласидир.

XI асрдан кейинги Ўрта Осиё туркий тиллари, шу жумладан, ўзбек адабий тилининг ривожланишидаги маълум даврларни белгилаш мумкин.

Тил тарихини ўрганишдаги энг муҳим масалалардан бири - даврлаштиришдир. Даврлаштириш учун ўзбек тили ва унга уруғдош бўлган туркий тилларнинг келиб чиқиши, тараққиёт босқичлари, ўзаро муносабатлари аниқланиши лозим.

Маълумки, даврлаштириш туркий тилларнинг таснифи билан ҳам боғликдир. Тасниф маълум даражада тиллар тарихини даврлаштириш демақдир. Чунки таснифда ҳам, даврлаштиришда ҳам бир хил принципга амал қилинади.

Туркий тилларнинг таснифи XI асрда М. Қошғарий томонидан берилган бўлса ҳам XIX асргача бу тилларнинг мукаммал таснифи яратилмаган эди. XIX асрдан бошлаб туркий тилларни рус олимлари тасниф қила бошладилар. Булардан айримларини намуна учун келтирамиз.

I. В. В. Радлов туркий тиллари тўрт гурухга бўлади:

1. Шарқий гурух (Сибирь татарлари тили).
2. Ғарбий гурух (кирғиз, қозоқ, бошқирд, татар тиллари).
3. Ўрта Осиё гуруғи (ўзбек, уйғур тиллари).
4. Жанубий гурух (туркман, озарбайжон, турк, крим татар тиллари).

II. А.Н. Самайлович Радлов ва Корш таснифларини бирлаштириб олади.

1. Жанубий - Шарқий ёки чигатой гуруҳига ҳозирги уйғур, ўзбек тилларини ва шеваларини киритади.

2. Жанубий - Ғарбий ёки ўғуз гуруҳига ўзбек тилининг ў(уз шеваларини киритади.

III. С. Е. Малов ўз таснифида янги турк тиллари гуруҳига ўзбек, чигатой тилларини киритади.

IV. Н.А.Басқаков таснифида турк тилларининг Ғарбий хун тармоғи қарлук тиллари гуруҳига киритилади; а) қарлук — хоразм гурухи. Бунга қорахоний - хоразм тили (Ақмад Яссавий асарлари), ҳозирги уйғур тили ва шевалари киритилган (бунда айрим лингвистик белгилар ҳисобга олинган).

IV. А.М.Шчербак тархи (1957)

Тил тарихини ўрганишдаги энг муҳим масалалардан бири — даврлаштиришдир. Даврлаштириш учун ўзбек тили ва унга уруғдош бўлган туркий тилларнинг келиб чиқиши, тараққиёт босқичлари, ўзаро муносабатлари аниқланиши лозим.

Маълумки, даврлаштириш туркий тилларнинг таснифи билан ҳам боғлиқдир. Тасниф маълум даражада тиллар тарихини даврлаштириш демақдир. Чунки таснифда ҳам, даврлаштиришда ҳам бир хил принципга, яъни тарихийлик принципига амал қилинади.

Туркий тилларнинг таснифи XI асрда М. Кошғарий томонидан берилган бўлса ҳам, XIX асргача бу тилларнинг мукаммал таснифи яратилмаган эди. XIX асрдан бошлаб туркий тилларни рус олимлари тасниф қила бошладилар. Буларга айримларини намуна сифатида келтирамиз:

I. В.В. Радлов туркий тилларни тўрт гуруқга бўлади:

1. Шарқий гурух(Сибирь татарлари тили).
2. Ғарбий гурух (қирғиз, қозоқ, бошқирд, татар тиллари...).
3. Ўрта Осиё гуруҳи (ўзбек, уйғур тиллари).
4. Жанубий гурух (туркман, озарбайжон, турк, крим-татар тиллари).

II. А.Н.Самойлович, Радлов ва Корш -таснифларини бирлаштириб олади. 1. Жануби - Шарқий ёки чигатой гуруқига ҳозирги уйғур, ўзбек тилларини ва шеваларини киритади.

Ш.С.Е. Малов ўз таснифида янги турк тиллари гуруҳига ўзбек, чигатой тилларини киритади.

IV.Н.А. Басқаков таснифқда турк тилларининг Ғарбий хун тармоғи қарлук тиллари гуруҳига киритилади: а) қарлук-уйғур гурухи; б) қарлук -

хоразм гурухи. Бунга корахоний-хоразм тили (Аҳмад Яссавий асарлар), ҳозирги ўзбек тили ва шевалари, ҳозирги уйғур тили ва шевалари киритилган (бунда айрим лингвистик белгилар ҳисобга олинган).

V. В.А. Богородицкий (1921) таснифида Ўрта Осиё гуруҳига ўзбек, уйғур, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ тиллари киритилган.

Уларнинг баъзилари туркӣ тилларни ҳудудий - жўғрофий жиҳатдан тасниф қиласа, боқшалари тишшарнинг бир хил лингвистик беягисига асосланади. Учинчиларида туркӣ тиллар тарихи халқ тарихи билан етарлича боғланмайди. Шулар ичидаги Н.А. Басков таснифи анча мукаммал туюлади.

А.М. Шчербек тархи (1953):

1. Энг қадимги давр ўзбек адабий тили (Х - XII асрлар).
2. Ўрта давр ўзбек адабий тили (XІУ-ХҮІ асрлар).
3. Янги давр ўзбек адабий тили (ХҮШ-ХІХ асрлар).
4. Энг янги давр ўзбек адабий тили (ХІХ аср охири ва XX аср бошлари). Олим Усмон тархи (1957):

1. Турк хоқонлиги даврида қадимги туг-ю турк тили (Ү1-1Х асрлар). VI-VIII асрлар; VIII - IX асрлар).

2. Қадимги ўзбек тили (1Х-ХН асрлар).
3. Эски ўзбек тилининг илк даври (ХІІІ -ХІV асрлар).
4. Эски ўзбек тили (ХІV асрнинг охиридан XІХ аср II ярмигача).
5. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили:

А) XІХ асрнинг II ярмидан Октябрь инқилобигача бўлган давр ўзбек адабий тили.

Б) Шўро даври ўзбек миллий адабий тили.

VI. F. Абдурахмонов, Ш.Шукуров тархи (1973):

1. Энг қадими туркӣ тил (VII асргача).
2. Қадимги туркӣ тил (VII асрдан XI асргача).
3. Эски туркӣ тил (XI асрдан XIII асргача).
4. Эски ўзбек адабий тили (XIV асрдан XІХ асргача).
5. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили.

VII. Эргаш Фозилов тархи (1977).

А) Туркӣ тиллар учун муштарак бўлган обидалар - VI - X асрнинг биринчи чораги. Б) Эски туркӣ ёдномалар - IX - XII асрлар (Қутадђу билиг», «Девону луготит турк», «Ҳибатул ҳақойик»).

I. Тарих олди ўзбек тили - ХП-Х1У асрлар (манбалари-»Тафсир», Сайфи Саройи – «Гулистон бит туркий», «Мұхаббатнома», «Хусрав ва Шириң», «Нажқұл Фародис»...).

II. Илк ўзбек тили -

Академик А.Самойлович Ўрта Осиё туркий тишарини қуидаги даврларга бўлиб кўрсатади.

I давр. X1-X1У асрларни ўз ичига олади.

II давр. Мўғуллар хукмронлиги давридаги ўзбек адабий тили.

III давр. Темурийлар давридаги ўзбек адабий тили. Бу давр XIX асрнинг 2-ярмига қадар давом этади.

IV давр. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олингандан кейинги адабий тил.

Ўзбек тили тарихини унинг ички ривожланиш хусусиятларига қараб, шунингдек ўзбек халқи ва миллатининг шаклланиши, ижтимоий-тарихий тараққиётiga қараб шундай даврларга бўлиш мумкин.

I. Ўзбек халқ тили тараққиётининг ilk даври. Бу давр XI асрдан XIV асрнинг ярмигача бўлган даврни ўз ичига олади.

II. Ўзбек халқ тили тараққиётининг Ўрта даври. Бу XIV асрнинг 2-ярмидан XIX асрнинг 1-ярмигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр эски ўзбек адабий тилининг шаклланган ва маълум таракиётга юз тутган давридир.

III. Ўзбек халқ тили тараққиётининг сўнгги даври. Бу давр XIX асрнинг 2-ярмидан октябрь революциясининг ғалабаси ва ЎзССР барпо этилган даврни ўз ичига олади.

IV. Миллий Ўзбек адабий тили. Бу даврда Ўзбекистон миллий тили шаклланди ва тараққий этди.

Ўзбек тилининг ilk даври ва эски ўзбек тили.

Х аср қарлуқ қабилаларининг иттифоқи анча кучайди ва улар ўзларининг қорахонийлар давлатини барпо этадилар. Уларнинг маркази шакллавди. Албатта, бу процесс XI асрдаги қорахонийлар давлатининг маҳаллийлаштириш тенденциясини ривожлантириш билан боғлиқ эди. Илк давр ўзбек адабий тили икки характерда бўлган:

1) китобий адабий тил. Унда арабча, форсча ва қадимги туркий формалар устундир. Шунинг учун ундаги кўпгина сўз ва формалар биз учун тушунарли эмас.

2) халқ адабий тили. Унда ўша давр халқ тилига хос форма ва элементларни учратамиз.

Китобий адабий тил традициясида диний мистик ва қисман дидактик

асарлар яратилган.

Бундай асарлар жумласига «Тафсир», «Қиссасул-анбиё» ва «Ўғузнома» асарларини киритамиз. Фонетик жиҳатдан бу асарлар Ә-диалекти асосида яратилган. Кейинги даврда (XIV аср бошларида) й-диалектига ўз ўрнини бўшатиб берган.

Халқ адабий тили халқ жонли тилига хос формалар асосида шаклланди. Унда халқ оғзаки ижодига тегишли бўлган бой стилистик воситалар ўз аксини топган. Бунга М.Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарига кирган қўшиқ, мақол ва бошқа типдаги текстлар киради.

Бу даврнинг манбаларига. М.Қошғарийнинг «Девону луғатит турк»(X1 аср), А.Юғнакийнинг «Ҳибатул ҳақойик» (XII аср), Алининг «Қиссаи Юсуф» (XIII аср), Рабғўзийнинг «Қиссаси Рабғўзий» ва «Қиссасул анбиё» (XIV) Қутбнинг «Хисрав ва Ширин» (XIV аср) ҳамда турли давлат ёрлиқлари, хужжатлари киради.

Юқорида келтирилган даврлар ўзаро ички боғланган, бири иккинчиси учун тарихий замон тайёрлаган. Бу даврлар ижтимоий- тарихий нуқтаи-назардангина эмас, балки ўзига хос лингвистик хусусиятларига қараб ҳам фарқланади. І давр тили учун даврлашиб ҳодисаси характерли бўлса, кейинги даврлар учун й - лашиб характерлидир.

Эски ўзбек адабий тилининг диалектал асослари борасида ҳозиргача турли мунозаралар мавжуд .

Шуни айтиш керакки, лингвистик адабиётларда эски ўзбек тилининг хусусиятлари ҳақида гап борганда буюк Алишер -Навоий асарларига асосланилади, чунки Алишер Навоий ўзбек халқининг улуғ мутафаккири, атоқли шоири ва улкан тилшуноси бўлиши билан бирга эски ўзбек адабий тилига асос соглан, уни шакллантириш ва ривожлантириш ишига ҳаммадан кўра кўп ҳисса қўшган бир сиймодир. Шунинг учун ҳам эски ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тараққий этиши ҳақоний равишда Алишер Навоийнинг табаррук номи билан боғлиқдир.

«Ҳақиқатдан ҳам Алишер Навоийнинг тили бутун бир даврнинг тилидир, бутун бир халқнинг адабий тилидир» (Х.Дониёров. Алишер Навоий тилининг диалектал асосларини ўрганиш масаласига доир. А.Н. ва адабий таъсир масаласи. Т, 1968.279).

Маълумки, Алишер Навоий ҳар қанча улуғ сиймо бўлишига қарамай, у ҳам маълум бир халқнинг вакили бўлган ва унинг тили кўп шеваларни бирлаштирганлиги билан бирга, маълум шевага ҳам таянган, унинг тилида ўша маълум шева ёки шеваларнинг изи бошқалариникига қараганда кўпроқ акс этган. Демак, энди Алишер Навоий тилига асос бўлган шева қайси шева эди деган масала кун тартибида кўндаланг бўлади.

Бу масала олимлар ўртасида тортишувга сабаб бўлмокда. Бунга Захриддин Муҳаммад Бобурнинг Алишер Навоий тили Андижон шевасига мос келсада, деган

фикри асос бўлмоқда. Маълумки, Бобур ҳар томонлама билимли, олим киши бўлган. У ўзининг «Бобурнома» деган машҳур асарида ўша даврдаги ижтимоий- тузум, сиёсий воқеалар, адабий ҳаёт ва бошқа кўпгина соҳаларни илмий анализ қилиб бериш билан бирга, тил соҳасида ҳам ажойиб фикрлар айтган. Бобур Андижон ҳақида гапириб Шундай дейди: «Эли туркдур. Шаҳр ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзу қалам била ростдур. Ани учун ким Мир Алишер Навоийнинг музаннафоти, бовужудким Ҳирида нашъу нома топибдур, бу тил биладир» (1960. 60-бет).

Бобурнинг бу фикри ҳақида мунозара бошлаган машҳур тарихчи В.В.Бартольд «Мир - Али - Шир и политическая жизнь» деган асарида Бобурнинг бу сўзларини ўша даврдаги маданий шаҳар булган Андижонда тўғри тил, яъни адабий тилга яқин тил билан гагшишган деб тушунмоқ керак, чунки Мир Алишер Андижонда бўлган эмас, деб кўрсатади. А.Ю.Якубовский эса «Черт общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои»деган асарида «Бу ўринда Бобур ҳеч нарсани бўрттириб кўрсатган эмас» деб таъкидлайди. Демак. В.В.Бартольд Андижон шеваси Навоий тилига яқин тил деган фикрни илгари сурса, А.Ю.Якубовский Бобур маълумотига ишонмасдан иложимиз йўқ, деб кўрсатади. Бу борадаги профессор. Ф.Абдуллаевнинг фикрлари билан танишайлик: У «XV аср ўзбек адабий тилининг диалектал асослари» деган мақоласида Бобур маълумотига бир неча антитезислар қўяди:

1. Алишер Навоий қеч қачон Андижонда бўлмаган.
2. Бобурнинг ўз асарлари тили мазкур шевага яқин деб фараз қилсак, Навоий ва Бобур асарлари тили ўртасида анча диалектал фарқлар бор.
3. Алишер Навоий яратган асарлар тили ғоят мураккаб ва диалектал жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, унинг ҳажми ва салмоғи шу қадар зўр эдики, уни бир диалект, ҳатто бутун бир лаҳжа рамкасига сифдириб бўлмайди.
4. Алишер Навоий асарлари тилида ҳозирги Ўзбекистон территориясига ҳамда қўшни республикаларга тарқалган жонли ўзбек шеваларининг деярли ҳаммасининг элементлари мавжуд.
5. Ҳозирги қозоқ, татар, уйғур, туркман, озарбайжон, усмонли турк каби тилларга хос бўлган лексик қатlam ва график формалар XV аср ўзбек адабий тилида анчагина микдорда учрайди, лекин бундай хусусиятларнинг кўпчилиги Андижон шевасида йўқ. Бобурнинг ўз асарларида ҳам бундай элементлар камдан-кам учрайди.
- 6.Навоий асарлари тилида қадимги уйғур ва қадимги [туркий] ёзув ёдгорликлари (руник ёзувлари)га хос бўлган элементлар ҳам мавжудки, унинг тарихий илдизини фақат бир ёки бир группа шевалардан ахтариш кутилган натижани бермайди.
- 7.Шунингдек, Алишер Навоий асарлари тилида бошқа ёзув ёдгорликларида учрамайдиган ёки жуда кам учраидиган фамматик элементлар

борлиги қайд қилинган, андижон шевасида ҳам бошқа ўзбек шеваларида ҳам улар қанузгача қайд қилинмади, бошқа туркий тилларда ҳам учрамади.

8. Нихоят, Навоий асарлари тилида уруғдош бўлмаган тиллардан олинган сўзлар ўша даврдаги адабий тил лексик қатламининг анчагина процентини ташкил қиласди, айрим график формалар, масалан, араб ва форс-тохик график элементлари, жонли морфологик кўрсаткичлар сифатида мавжуд. Андижон шевасида эса бу қадар чет тил элементларининг бўлиши эҳтимолдан жуда узок.

Тилшунос ва Навоийшуносларнинг бу масалага аралашуви бежиз эмас, чунки:

1) Алишер Навоийнинг тилини ҳеч бўлмаса сўнгти даврдаги Андижон шеваси билан чоғишириб ўрганиш имконияти йўқ эди, Бунинг сабаби шундаки, араб алифбесидаги ҳарфлар системаси туркий тиллардаги товушлар системасини тўлиқ акс эттира олмайди. Айниқса, араб алифбосидаги қарфлар туркий тиллардаги унлиларни аниқ кўрсатиб бўлмайди. Ана шунинг учун ҳам Навоийда тил олди э билан, тил орқа *o*, тил олди у билан тил орқа у товушлари бир-биридан фарқ қилганлигини аниқлаш мушкул. Факат «Муҳокаматул-луғатайн» асарида Навоийнинг ўзбекча унлиларнинг форс-тохикча унлилар билан чоғишириб, форс тилидаги битта ва иккита «вов» (و), «ёй» (ئ) га нисбатан ўзбек тилида 4 тадан товуш мос келиши ҳақидаги фикри орқалигина юқоридаги унлиларнинг тил олди ва тил орқа хусусиятларига қараб фарқланганлигини биламиз.

3. Агар юқоридаги масалалар аниқланган тақдирда ҳам Алишер Навоий тилининг ўша даврдаги Андижон шевасига тўла мос эканлигани ёки унинг тўлиқ мос эканлигини айнан аниқлаш жуда катта қийинчилик билан бўлар эди, чунки ўтган 500 йиддан кўпроқ вақт ичида Алишер Навоийнинг асарлари тили ҳеч ўзгаришсиз бизга етиб келган бўлса, бу ўтган вақт ичида ўзбек тилининг андижон шеваси унинг бошқа шевалари сингари деярли тўхтовсиз равишда турли ўзгаришларни бошидан кечириб келмоқда.

Хусусан, Навоийдан кейин тез орада мамлакатнинг Темурийлар кўлидан кетганлиги ва шу муносабат билан боғлиқ ҳолда аввал Даشت қипчоқда яшаб келган ва бу ердаги аҳолига нисбатан сон жиҳатдан кўпроқ бўлган ўзбекларнинг (қипчоқ ва кўчманчи ўзбекларнинг) бу ерга келиб ўрнашиши ва бу ердаги аҳоли билан асрлар давомида аралашиб кетганлиги хисобга олинса, Авдижон шевасида, шунингдек, бошқа ўзбек шеваларида ҳам ўтган давр ичида қанчалик кучли ва катта ўзгаришлар содир бўлганини тушуниб олиш кийин бўлмайди.

Профессор В.Абдуллаевнинг кўрсатишича, Алишер Навоий Самарқандда икки йил эмас, балки 4-5 йил бўлган. Бу давр ичида деб таъкидлайди Х.Дониёров, у В.Абдуллаев айтганидек, Самарқанднинг жануб томонларидағина эмас, балки унинг шарқ томонларида, яъни Андижон

томонларида ҳам бўлганлиги эҳтимол. Ўша даврдаги шаҳар шевалари ичида андижон шеваси адабий тилга яқин (қалам била рост) шевалардан бири бўлган ва Самарқанд шеваси эса, ўша пайтда темурийлар давлатининг пойтахтларидан бирининг шеваси ва шарқий шевалардан бири сифатида ҳирот шевасига нисбатан Андижон шевасига анча яқин бўлган бўлиши мумкин. Шунингдек, ўша даврда Андижон ва Самарқанднинг алоқалари ҳам анча кучли бўлган.

Алишер Навоий Андижон шеваси билан ҳам болалик вақтлариданоқ, ўша Ҳиротдаёқ таниша бошлаган бўлиши мумкин.

Чунки Ҳиротга Авдижон томондан жуда кўп усталар, навкарлар, косиблар ва бошқа тоифаларнинг борганилиги, улар ичида айниқса, андижонлик шоирлар ва машшоқлар яхши обрўга эга бўлган.

Демак, «қалам била рост» шева сифатида Андижон шеваси ҳали Алишер мактабга қатнаб юрган вақтларидаёқ унинг эътиборини тортган бўлиши мумкин.

Алишер Навоий Андижон шеваси билан ҳали гўдаклигига оила муҳитидаёқ танилган бўлиши ҳам мумкин, чунки Алишерни тарбиялаганлардан ёки унга қариндош бўлганлардан бирортасининг андижонлик бўлиши эҳтимолдан ташқари, Алишернинг ота-оналари, унинг оиласидаги катталар ва сарой кишилари, шу жумладан, барлослар гаплашган шева асосан ўша даврдаги Шаҳрисабз, Китоб шеваси бўлган, чунки у ерлар барлосларнинг макони бўлган. Шундай экан шахрисабз-китоб шеваси ўша вақтда Андижон шевасига, Ҳирот катта Самарқанд ва Бухоро шеваларига нисбатан ҳам яқин турган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Алишер Навоий тилининг Андижон шевасига мос бўлганлигини исботловчи далиллардан бири шундан иборатки, ўша вақтда Андижон ва Шахрисабз-Китоб шевалари ўртасидагина эмас, Андижон билан Самарқанд ва Бухоро ҳатто, Ҳирот шевалари ўртасида ҳам кескин фарқлар унчалик бўлмаган, балки улар ўртасида ўҳшашликлар анча кўп бўлган. А.Навоийнинг таъкидлашича, фақат Хоразм шевасигина бошқа шевалардан ажralиб турган. Лекин кейинчалик мамлакатда юз берган ижтимоий-сиёсий этник ўзгаришлар туфайли хусусан, Алишер Навоий вафотидан кейин тез вақт ичида мамлакатнинг Даشت қипчоқдан келган ўзбеклар қўлига ўтиш ва уларнинг бутун мамлакат буйлаб, бошқа ўзбеклар билан аралашиб кетишлари натижасида), ўша вақтда бир-бири билан яқин бўлган шевалар аста-секин бошқа шевалар билан қўйилиши, мураккаб интерация ва дифференциация ҳолатларини бошдан кечиришлари натижасида уларнинг ҳар қайсиси ҳар хил янги хусусиятлар касб этган. Шунинг натижасида улар бир-биридан узоқлаша борган. Шунинг учун ҳам А.Навоий асарлари тили хозирги Андижон шевасига ўхшамай қолганлиги тасодифий эмас.

Шундай қилиб, Алишер Навоий асарлари тили Андижон шеваси тилидаги «й»ловчи шаҳар шеваларига мос келади, чунки Навоий замонида й-

ловчи типдаги шақар марказ шевалари умумхалқ ўзбек тилининг негизини ташкил этган.

Шаҳар марказ шеваларига эса Андижон, Наманган, Кўқон, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз, Китоб каби шевалар кирар эди. Лекин шу билан баробар эски ўзбек адабий тили боқша ўзбек шеваларининг ҳам, чунончи, жанубий Хоразм шеваларининг ва қипчоқ шеваларининг зарур элементларини қабул қилган. Бу жиҳатдан шеърий асарлар тили характерлидир. Шеърий асарлар тилида проза асарлари тилига нисбатан ўғуз шеваларининг таъсири кучлироқдир.

Савол ва топшириқлар:

Савол ва топшириқлар:

1. Ўзбек халқи ва тилининг номланиш тарихини гапириб беринг.
2. X.Дониёровнинг ўзбек сўзининг келиб чиқиши ва қўлланиши ёқидаги мақоласини топиш ва конспектлаштириши.
4. Ўзбек адабий тилини даврлаштириш хақида гапириб беринг.
5. Ўзбек адабий тилини даврлаштиришда олимларнинг таснифлари ва тамойиллари нималардан иборат?
6. Эски ўзбек тилининг таянч диалекти деганда нима тушунасиз?
7. Эски ўзбек тилида форс-тожик ва араб тили унсурларининг янада кучайиб кетишига сабаб нима?

Таянч тушунчалар

Сарт – сўзининг луғавий маъноси «ўтрок» демакдир. М.Қошғарий асарида «савдогар» маъносида ҳам қўллаган. «Сарт» сўзи Ўрта Осиёда ўтрок яшовчи аҳолисига нисбатан ҳам қўлланган.

Турк- атамаси М.Қошғарийнинг асарида кенг маънода барча туркий қавмларга нисбатан ишлатилган бўлса, Алишер Навоий ҳозирда ўзбек деб аталувчи халқни турк, тилини туркий деб атаган.

Қарлуқ тили группаси – ўзбек тили уйғур тили билан биргалиқда қарлуқ тили группасига киради. Қарлуқ тили тарихий жиҳатдан Ўрта Осиё группасига, айниқса, ғарбий хун шахобласига кирган тиллар билан оиласдошdir.

Илк давр ўзбек тили - Қорахонийлар давлати таркибига кирган икки маданий жиҳатдан ривожланган халқ: шарқда уйғур ва ғарбда турк-эрон маданияти бўлиб, бу маданият ўша давр тилига ҳам кучли таъсир қилди. Натижада шарқда қарлуқ, чигил, уйғур диалекти асосида шарқий адабий тил ривожланди. Мовароуннаҳр ва Хоразмда эса ўғуз-қипчоқ диалекти асосида

ғарбий адабий тил вужудга келди.

5-МАВЗУ

XIV АСРНИНГ 2-ЯРМИДАН КЕЙИНГИ АДАБИЙ ЖАРАЁН ВА АДАБИЙ ТИЛ

Режа:

1. *Бу даврдаги ижтимоий-маданий ҳаёт.*
2. *Эски ўзбек адабий тилининг бу давр манбалари ва тили.*

Туркология адабиётларида ўзбек адабий тилининг XІУ-ХУ асрлар ҳатто XІX асрнинг П-ярмига қадар бўлган даврини номлаш ва талкин қилишда турли фикрлар мавжуд. Маълум бўладики, ҳозирги фанда эски ўзбек тили деб аталиб келган адабий тилининг хронологик доирасини белгилаш масаласи ҳалигача ҳал этилган эмас. Баъзи туркологлар эски ўзбек тилининг хронологик доирасини XІ-XІХ асрнинг II ярмига қадар давр билан белгилайдилар. Бу фикрни Венгер туркологларидан Г.Вамбер майдонга ташлаган. Айримлари эса шу тилининг хронологик доирасини XІУ-ХУ асрлар билан чегаралайдилар. Шунингдек, шу асрлар тилини маҳсус ном билан, яъни Чигатой номи билан атайдилар. Бу фикр туркшунослик адабиётларида анча тарқалган фикр бўлиб, бу ҳозир ҳам баъзи туркологлар томонидан қўлланиб келмокда. Чигатой номи Чигатой улусининг тили эски ўзбек тилининг вужудга келишида муқим роль ўйнагани ҳақидаги фикр билан аввал танишиб ўтган эдик.

Ўрта Осиё туркий тилларидаги ўзига хослик ва ажралиш процесси Темур ва темурийлар даврида янада суръатлашган эди.

Шу ўлкада янги адабий тил традицияси шаклланган. Бу тардиция қораҳонийлар замонидаги адабий тардициядан ўзининг «й» лашиш традицияси билан фарқ қилган, яъни бу традиция «й» диалекти заминида шаклланган эди. Мўғул давлатининг сиёсий жиҳатдан заифлашиши ва ҳокимият маҳаллий ҳукмдорлар қўлига ўтиши билан боғлиқ равишда адабий тилга маҳаллий диалектларнинг таъсири янада кучайди. Шу таъсирнинг ёрқин намунасини «Хисрав ва Ширин» асарида ҳам кўрган бўлсак, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асарида янада ёрқинроқ кўрамиз.

«Хисрав ва Ширин» достонида қораҳонийлар адабий тили традициясининг таъсири кучлироқ сезилса, «Муҳаббатнома» асарида фонетик ва морфологик формаларда шу традиция мағлубиятга учрайди.

ХОРАЗМИЙНИНГ «МУҲАББАТНОМА» АСАРИ ТИЛИ

Хоразмий ўзбек адабиётида номачилик жанрига асос солган санъаткордир. Айни вақтда шеъриятда икки тиллиликка ҳам асос солган сўз устасидир. У Жонибекнинг маҳаллий бекларидан бўлган Муҳаммад Хожабекнинг илтимосига кўра дажрий 754, мелодий 1353 йилда машхур

«Мұхаббатнома» асарини ёзған. Маълум кириш кисм, асарнинг ёзилиш тарихи, «Мұҳаммад Ҳожабек мадҳияси», улардан кейин эса номалар ёзилған. Номаларнинг тузылиши ҳам эски традицион тартибда: олдин нома, кейин ғазал, ундан кейин маснавийлар берилған ва ҳар қайси нома:

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсан,

Бу йўлда сабр йўқ андеша қилсан - деган байтли нақорат билан хотима қилинған. «Мұхаббатнома» З номаси форс-тожик тилида ёзилған. Бу асар дастлабки режа бўйича 10 номадан иборат эди, лекин нома тутатилгач, муаллиф қўшимча сифатида яна бир нома ёзиб, асарни 11 номадан иборат қиласди.

Хоразмий асарнинг халқа тушунарли бўлиши учун ўша давр ўзбек тили имкониятларидан унумли фойдаланған. Шеър ёр васли ошиқ кечинмаларини тасвирлашда хилма-хил бадиий тил воситаларидан моқирлик билан фойдаланади.

Шоир халқ тилига хос ўхшатишни, метофора ва жонлантириш билан боғлаб бера олгандир:

Шаккарму әрниңиз ё қанд, ё жāн,

Уйалур лаълингиздын абу ҳайвāн.

Ўзбек тили бойликларидан яхши фойдаланған шоир омоним сўзлар воситасида оригинал сўз ўйинлари ҳосил қиласди:

Ашар йелдин сенинг йелгэндэ атын,

Куйаш йанглық жаҳāным тутты атын.

Бойунг сарву санубартек белинг қыл,

Вафā қылған кишиләргэ вафā қыл.

«Мұхаббатнома» XIV аср адабий тилининг ёдгорлиги бўлиб, унда гарбий ва жанубий тилларга хос хусусиятлар учрайди.

Жўналиш келишиги қўшимчаси -ə//nə, -a//na, тарзида: əллина (кўлига), гавҳарина (гавҳарига), нуринə (нурига), бу тəнə (бу танга).

Тушум келишиги аффикси -i вариантида: кəнглуми, əзими. Равищдошнинг -гəч//-гəч, буйруқ-истак майли феъли -əли//алы (баралы, кетали) шарт феъли -сар/сəр (солисар, болсар) аффикслари билан шаклланади.

Ҳозирги келаси замон феълининг бўлишсизлиги қисқарган ҳолда келади: йавутман (яқинлаштирмайди), унумтман (унутмайдан).

Сифатнинг (келаси-замон) - йүр//йүр аффикси билан ясалган тури ҳам учрайди: сайрайур, ясанлайтур-сигинар.

Асар лексикасида ўзига хос хусусиятлар кўзга ташланади: Шунқар-бургут, бойла-шундай қилиб, йубан-икқиланмоқ, укуш-кўк, асру-жуда, йақту-

ёру. Йавут-яқинлашмоқ, урам-куча, тақн-жумладан, дудақ-лаб. Юқоридаги тил ҳодисаларининг айримлари уйғур тилига ҳам хосдир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, «Муҳаббатнома» асарида ём XIV асрнинг охири ва XV асрнинг бошларида Хоразм ва Муварауннахрда ҳукм сурган китобий-поэтик тил традицияси давом эттирилган. Шунинг учун унда қипчоқ-ўғуз ва қисман уйғур тили хусусиятларини учратамиз. «Муҳаббатнома» XIV аср ўзбек адабий тилига катта хисса бўлиб қўшилди ва айни замонда эски ўзбек тилининг кейинги тараққиётида муҳим роль ўйнади.

Буюк Алишер Навоий «Муҳокамат-ул луғатайн»да ўзбек тилида катта ҳолни ифодаловчи маҳсус «менг» сўзи борлигини айтиб, «Муҳаббатнома»дан қуидаги байтни келтиради:

Анинг ким эл энгандада мең йаратты,

Бойы бирлә сачына тен йаратты.

Кўринадики, Навоий томонидан «Муҳокаматул-луғатайн» асарида шу мисраларнинг келтирилиши шу даврда асарнинг тил жиҳатдан бой эканлигидан далолат беради.

«Муҳаббатнома» эски ўзбек адабий тилини бошлаб берувчи асар сифатидагина эмас, балки айни замонда ўзбек адабиёти тарихига, айниқса, номачилик жанри тараққиётига кучли таъсир кўрсатган асардир. Унинг бевосита таъсирида Сайд Аҳмаднинг «Таашшуқнома» (XV аср), Хўжандийнинг «Латофатнома» (ХІУ-ХҮ аср), Амирийнинг «Даҳнома» (XV аср) каби асарлар яратилган.

Демак, Хоразмий ўзбек адабиётида номачилик жанрига асос солган шоирдир.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ МУКАММАЛЛАШИШИДА ЛУТФИЙ ИЖОДИННИНГ РОЛИ

Ўз даврининг «Малик-ул-каломи» деб аталган Лутфий ўзининг улкан фаолиятини ўзбек дунёвий адабиётига бағишлади ва шу йўл билан ўзбек адабий тилининг тараққиётига муносаб ҳисса қўшди. У ўзбек ва форс-тожик тилидаги лирик шеърлар, девонлари «Гул ва Наврўз» ҳамда «Зафарнома» таржималарининг муаллифиdir.

Лутфий ғазаллари, достонларининг тили жуда енгил ва халқа тушунарлидир. Лутфий ғазалларининг ва умуман шеъриятининг мазмунлигини, бадиийлигини халқ оғзаки ижоди материалларидан ҳамда жонли тилга хос бўлган сўз ва иборалардан унумли фойдаланган.

Лутфий шеъридаги мисралар маъносини кучайтириш, таъкидлаб кўрсатиш учун кўпроқ туркий сўз ва сўз бирикмаларидан радиф сифатида фойдаланади. Масалан;

Партаведур ул табассумдынки жāн дерлар аны,

Сояи сарвинг дуур ҳамки равāн дерлар аны.

Ёки:

Маҳвашим, бир назар этсэнг, не нимаң өксүгүси,

Банда сары гузар этсэнг, не нимәнг өксүгүси ва

Х.О.

Лутфий асарлари лексикасида асосий ўринни туркий сўзлар ташкил этади. Маълумки, ўзбек классик адабиёти асарлари лексикасида форс-тожик ва арабча сўзлар умумлексиканинг аксарият қисмини ташкил қилади. Лекин Лугфий ижодида бунинг акси кўринади. Масалан, «Тā жамāлындын тушубтурмен», «Өлтүрүп хижрāн мени» жумлалари билан бошланувчи ғазалларида 191 лексема катнашган бўлиб (айрим сўзларнинг такори ҳам ҳисобга олинган), шундан 104 таси туркийдир. Маълум бўладики, Лутфий ижодида туркий сўзлар 55 ва ундан ортикроқ процентни ташкил этади.

Лутфий асарларининг диалектал негизи масаласи ҳам анча чигал масалалардан биридир. Лутфий ижодини маълум бир шевага кескин равишда боғлаб бўлмаса-да, унга сингармонизмли шевалар асос бўлганлигини аниклаймиз. Унинг шеърларида лаб ва палатал сингармонизмга кўплаб мисол келтириш мумкин: Масалан, тил олди лабланган унлилар уюшиб келади;

Көнгүл тā ҳразынға болды муштāк,

Көзүмдэ гāх қызыл гүлдүр, гāхи ақ (128-бет).

Тил орқа лабланган унлилар уюшиб келади.

Мени көрдүргәли ул көзи отлук (ўтлук)

Көнгүлни таш этэр, ғамзаны чақмақ (128).

Қоғул (қойғул) хатā йолны дағ мушк издама сабā,

Чин сачыдек чу мушк Хитāд Хотанда йоқ.

Аксарият сўз ва сўз формаларида палатол гармония сакланади.

Башымға сая сал, эй сарви чалāк (келишган)

Ки гулдектур йақам ҳажр илкидин чāк.

Лутфий асарларида қадимги туркий қамда ўғуз группа тилларга хос лексик морфологик хусусиятлар акс этган. қадимги туркий тилга оид дудоқ (110) қамуқ, ирин, қароқ, ёзуқ, ўгун (Йузигэ сачтын үчүн тегмәсүн паришанлик), ёвутмак. Ўғуз группа тиллар ва шеваларга оид грамматик формалар: жўналиш келишигининг -ə (a) аффикси билан ифодаланиши.

Корқарки, раҳмы келзэ көгум тунги йашына,

Йаштек сорар мени барур олсам чу қашына.

Ёки:

Ақықыңны сорайын десам, айтур:
«Йаман андишаликни фикрина бақ».

Қадимги туркий тилга оид восита келишиги элементлари ҳам учрайди:

Сенсизин қылмай таҳаммул нāла қылсам, қылма айб,
Гар бу юк йукланса таққа, келгэй авдын юз садā.

Ёки:

Нигāрā, сенсизин мандин (ҳар кимдин) не ҳāсил?
Агар жāн болмаса тандин не ҳāсил ?

Келаси замон феълининг ғарбий тилларга хос формаси Лутфий ижодида кўплаб қўлланган:

Қарам ак ҳам вафāсызлар бикин
Болмағайсан ичи куфри ташыдын. (314-бет)

Ёки:

Тапқамен деб васлидин бир кун давā
Тартарам дāим фирāқын дардыны. (310-бет)

Маълум бўладики, Лутфий асарлари тили эски ўзбек тили хусусиятларини бошлаб берувчи восита бўлиб хизмат қилса, асарларининг соддалиги халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланиши асар тилининг қам содда ва халққа тушунарли бўлишини таъминлаган.

Лутфийнинг тил имкониятларидан фойдаланиш маҳорати ҳақида, «Ўзбек адабиёти тарихи» асари мукаммал маълумот беради.

АТОИЙНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

«Назм денгизининг тубига шўнғиб, шеърий дурлар» яратишига интилган Атоий ўзбек дунёвий адабиётининг Навоийга қадар етишган атоли намояндадаридандир.

Атоий адабий мероси билан танишар эканмиз, унинг халқ оғзаки ижодини яхши билганлиги ва улардан ижодий фойданланганлигини сезамиз.

Атоий халқ қўшиқларининг тили соддалиги, равонлиги ва мусиқийлигидан ҳам илҳомланади ва уни ўрганади. У ўзининг 260 тағазалидан 109 тасини халқ қўшиклари авзнида яратган. Бу нарса унинг халқ, тили бойликларидан баҳраманд бўлиб, ижод этганлигини кўрсатади.

Атоий халқ мақоллари ва таъбирларига катта эътибор беради. У халқ маколларидан фойдаланиш билан ўз ғазалларининг мазмунини ҳам, тили бадиyllигани ҳам бойитди. Атоий халқ мақолларини айнан келтиради ва уларнинг мазмунини шеърий мисраларга сингдйради:

Болды бағрым сув ғамингдын, йахшылық, сал суға,
Ахир, эй гүл, хирмәнны, албатта, Зар эккән орап,
Васл ноши дунйада болмас, Атай, нишсиз.

Бундан ташқари, Атоий халқ тилига хос ҳазил-мутойиба тарзида айтилган мисралардан, контраст усулидан фойдаланди. Лекин у енгил кулгига жиддий тус беради. «Йұзигә көп тикә бақсам, мана құлиб айттур», «Атай, не Кузи тоймас гадā әмиштуксен?»

Атоий халқ тили бойликларидан усталик билан фойдаланиб, оригинал ўхшатиш, киноя, муболаға, тажохули орифона, лоф каби бадиий тасвир воситаларини яратади.

Шоир омоним сўзлар ва турли бирикмалар воситаси билан чиройли сўз ўйинлари ясади ва гўзал мумтоз туюклар намунасини яратди.

Десангким: «Жāн сыпар қылғыл Атайым».

Турубмен ушмунақ өлдүр, ат айым...

Йұзингаи, эй малāҳат ханн, бир ач,

Тойа көрсүн сени бу мустāхик ач.

Атоий асарларининг тили Олтин Ўрда ёдгорликларининг тилидан фарқ қиласади. Чунки Атоийда қипчоқ тили унсурлари устун даражада эди.

Атоий ғазалларида қуйидаги тил хусусиятларини учратиш мумкин. Жўналиш келишиги қўшимчаси -га (-гә, -кә) —қа аффикслари билан бирга -а шаклида ҳам учрайди: қөнлүмә, йўзимә, йўзинә, бизә, сизә, каби.

Мим ағзы била зулфи қадди лам – алифдан

Эй вай, нетэй хаста көнгөл қалды аламға

Жўналиш келишигининг -а, -на, -ма каби қўшимчалари ҳозирги жловчи ўзбек шеваларида ҳам учрайди. Лекин бу шакл аслида ўғуз тилига хос хусусиятдир.

Ўрин - пайт ва чиқиши келишиги қўшимчаларидан олдин бир н товуши ортирилади.

Гарчи ҳақиқи Хотандир бехатā билман недин,

Чину Мāчин лāлазāрында қылур сайрāн көзиң.

Ул санамким сув йақасында паритек олтуур,

Ғайати нāзукликиндин сув билә йұтсә болур.

Сифатдош ясовчи қўшимча -ган шаклида ҳам, -ан шаклида ҳам учрайди. Масалан: қилин — қилған, алан - алған каби.

Буйруқ феълининг бирнчи шахс кўплиги феъл негизларига -алинг

аффиксини қўшиш орқали ясалади: *боралинг, келалинг, алалинг* қаби.

Бу ҳолат «Мұхаббатнома» да ҳам учрайди.

Атоий ғазалларида лексик жиҳатдан қуйидаги сўзларни учратиш мумкин: укуши -*кўп, арық* - тоза, бақмақ-қарамоқ, мең-холнинг каттаси, қамуқ-ҳамма, асрук-маст, дудоқ-лаб, ажун-дунё, нең-нарса, ийдгах-сайилгоҳ қабилар.

Умуман, Атоий ғазаллари тилида XV аср бошидаги ўзбек адабий тилига хос хусусиятлар учравди. Шоир ўз асарлари билан XV аср ўзбек дунёвий адабиётигагина эмас, балки ўзбек адабий тили таракхиётигагина ҳам муносиб ҳисса қўшди.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРАҚҚИЁТИДА ШОИР САККОКИЙНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Алишер Навоий таъбири билан айтганда, Мовароуннахрда шухрат топган шоирлардан бири Саккокийдир. У Улуғбек замонида яшаб ижод этган. Шоир ғазаллар ва қасидалар битган.

Саккокий ҳам Атоий каби халқ тили унсурларидан усталик билан фойдаланиб, оригинал тасвирий воситалар яратишга интилади. У тазод, таносиб, жонлантириш, лаф ва нашр каби усууллардан фойдаланади, ўхшатиш, муболага, мажоз ва бошка турдаги тасвирий воситаларга мурожаат қиласи. Натижада, халқ оғзаки ижодига хос бўлган халқ, қўшиқлари услубида ғазаллар яратди.

Саккокий туюқ жанрида асарлар битмаган бўлса-да, ёзган ғазалларидан унинг сўз ўйинига уста шоирлиги кўзга ташланади. У халқ мақоллари билан ўз ғазалларининг мазмунини ҳам, тилини ҳам бойитди.

Саккокий сиёсий лириканинг адабий жанри бўлган қасида ёзиш соҳасида ҳам қалам тебратди. Маълумки, қасида давлат арбобларига, сиёсий ва ҳарбий воқеаларга бағишлиб ёзилади. Улуғбекка атаб ёзган қасидаларида шоир унинг илмий ва сиёсий фаолиятини мақтайди. Улурбекни «Сулаймани заман», «Нўшираван», «Мутасек», «Шубан», «Атадин меҳрибан», «Хуршиди заман» каби сифатлар билан улуғлайди. Қасидага хос бундай услубни Саккокийдан кейинги шоирлар ҳам давом эттирдилар.

Саккокий асарларида қипчоқ тили унсурларига нисбатан ўғуз тили ёки ғарбий адабий тил анъанасининг таъсири кучлидир. Бу асарларда *айла, қалма* каби кўмакчи феъллар учрайди:

Гул йўзингни ёрзулаб йўз көзни гулзар айлады.

Шунингдек, ўтган замон сифатдоши феъл негизига -*мии* аффиксини қўшиш орқали ясалган.

Маълумки, бу қўшимча урхун-энасой ёзувларида ҳам, ундан кейинги ёдномалар тилида ҳам кенг қўлланади. Саккокийдан кейинги шоирларда эса

бу қўшимча сийрак учрайди. Масалан, «Тун чаман ичрэ ниқабин алмыш ул гўл йўзидэн». «Бол» феъли ва унинг ўғуз тилларига хос бўлган «ол» шакли шоир асарларила параллел қўлланади:

Адалат бағы сабз олди, чу Нўшираван келди.

Саккокий асарларида келувчи «бикин», «йаңлығ» сўзлари «каби», «ўхашаш» деган маъноларни ифодалайди. Бу сўзлар Алишер Навоийгача бўлган шоирларнинг ҳаммасида учрайди. Саккокий асарларининг яна ўзига хос томони шундаки, Атоий тилига нисбатан унда тожикча-форсча сўз ва иборалар кўп учрайди. Масалан: *кўҳкан - тоғ қўпорувчи, жсанкан-жон оловчи, гарат-барбод, тура-коқил* кабилар.

Умуман, Саккокий ҳам ўзбек адабий тилини ривожлантиришга самарали хисса қўшган шоирлардан биридир.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРАҚҚИЁТИДА ШОИР ДУРБЕКНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Дурбекнинг номи XX асрнинг 20-йилларигача маълум эмас эди. Унинг «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг дастлабки қўлёзмаси топилгач, шоир адабиётшунос ва тилшунос олимларнинг дикқатини жалб этади. Достон 1409 йилда Балхда ёзилгани ҳақида маълумотлар мавжуд.

Дурбек достонда Балх шаҳрининг қамал қилиниши, қамалда қолган ҳалқ билан бирга бўлиб юз бераётган воқеаларнинг гувоҳи бўлганлиги ҳақида баён қиласи. Достонда тарихий воқалар гавдалантирилиши билан бирга Юсуф ва Зулайҳонинг соф ишқий-романтик кечинмалари баён қилинади. Достоннинг тили жудда содда, равон. Ҳалқ оғзаки ижоди намуналари ва ёзма адабиёт асарларида бўлгани каби Дурбекнинг мазкур асарида ҳам ҳалқ тили элементларидан фойдаланди. Асар тили ҳалқ тили билан ҳамоқандир.

Дурбек достони тилида қуидаги хусусиятларни кўришимиз мумкин.

Жўналиш келишиги кушимчаси *-га* (*-га*, *-кә*) *-қа* аффикслари билан бирга *-а* шаклида ҳам учрайди: *көксинә*, *қолъима* каби.

Дурбек ўзбек поэтик тили тараққиёти учун курашган шоирлардан биридир. У достон устида ишлаганда тилнинг тушунарли ва равон бўлиши учун ҳаракат қилган. Достон ўзбек поэтик тилининг Навоийгача бўлган такомилини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

Дурбек ҳалқ ўртасида мавжуд бўлган ва адабиётда кам қўлланадиган сўзларни поэзия оламига олиб кирган. Жумладан, Дурбеккача бўлган ўзбек шоирлари поэзиясида учрамайдиган *отого* сўзи асарда ишлатилган. Бу сўз турк ҳалқлари тилида, шу жумладан, ўзбек шеваларида ҳам мавжуд эди.

Жамъи отоғоу оногони ҳам,

Ким эдилар борчаси зоси ҳарам.

Шунингдек, шоир асарида синонимлардан унумли фойдаланган кўр сўзи билар бир қаторда басир сўзи ишлатилган.

Ажиз эди бедилу зару зажир,

Кўз йашыдын көzlәри эди басир.

Достонда архаизмларга айланиб бораётган сўзлардан ҳам унумли фойдаланган. Жумладан, *баковул*, *ясовул*, *черик*, *илик* каби сўзлар ҳам учрайди. Бундай сўзларнинг асарда ишлатилиши Дурбекнинг халқ тилига мурожаат қилганилигидан далолат беради.

Достон ўқувчиларга тушунарли тилда ёзилган бўлишига қарамай, унда араб, форс тиллари элементларидан фойдаланилгани асар тили лексикасида кўриниб туради. Бир қизи бор эрди, маҳл ховарий, Оразифа шамсу қамар муштарий. Юзи куёш эрди, vale безавол. Барча фунун бобида соҳиб камол. Ҳосили умри ул эди шоҳнинг, Оти улайҳо эди ул моҳлинг.

Шунингдек, асарда «яхши эмас ой булутга ниҳон», «тўти киби эрди асири қафас», «булбули бўлган асир дар қафас», «тоза жароҳат уза септи намак», «умидим гулидин туғди хор» каби мисраларда халқ мақол ва ибораларнинг таъсири борлиги сезилиб туради.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРАҚҚИЁТИДА ШОИР ГАДОЙНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

XV асрдаги ўзбек шеърияти намояндаларидан бири шоир Гадоийдир. Навоий «Мажолисун нафоис» тазкирасида ёзади: Мавлоно Гадоий - туркигўйдур, балки машохириндур. Бобир мирзо замонида шеъри шухрат тутти. Тазкирадан маълум бўлишича, Гадоий 806 (1403-1404) йилда дунёга келган. Шоирнинг қаерда ва кандай таълим олгани, ижод қилгани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ,

Шоир ўз шеърларини содда ва равон тилда ёзган. У асло услубий жимжимадорликка интилмаган. Унинг шеърларида юксак самимият ва сўз санъатининг алоҳида жозибадорлигини таъмин этувчи мусиқий оҳанг яққол сезилиб туради. Гадоий шеърларидаги тил соддалиги ва қофия эркинлиги халқ поэтик меъёрлари билан яқиндан алоқадорлиги сезилади.

Гадоий достони тилида қуйидаги хусусиятларни кўришимиз мумкин.

Жўналиш келишиги қушимчаси *-га* (-га, -кә) *-қа* аффикслари билан бирга *-а* шаклида ҳам учрайди: *кима*, *жана*, *фарқина* каби.

Гадоий асарларида билан кўмакчисининг *бирлә*, *илә*, *билә*, *-лә* каби муқобиллари бор.

Замане субҳидам андеша бирлэ ҳамнишин болдум.

Ки, муддатлар аниң-лә болмыш эрдим ҳар қайан ҳамрâҳ.

Шунингдек, Гадоий асарларида форс, арабий тил элементларидан

унумли фойдаланган:

Эй ғамзаси фитна, көзи фаттāн, өзи әфат, раҳм айла бу жāна,
Хатм ўлди сэнә салтанаты мулки латāфат, эй шāхи ягāна.

Ёки,

Васли нигāру фасли баҳāру шарāбу нāб,
Хар кимгә даст берсә, зихи, баҳти камйāб.

Савол ва топшириқлар:

- 1 . Бу даврдаги ижтимоий-маданий ҳаёт ҳақида гапириб беринг.
2. Бу давр ўзбек тилининг таянч диалекти масаласи ҳақида нима дейсиз?
3. Эски ўзбек адабий тилининг бу давр манбаларига оид бўлган хусусиятлар нимадан иборат?

Таянч тушунчалар:

Архаизм – ҳозирда мавжуд нарса-ҳодисаларнинг эскириб қолган атамалари архаизмлар дейилади. Масалан: улус (халқ), ланг (чўлок), фирмә (партия), тилмоч (таржимон) ва ҳ. Эскирган сўзлар билдириган нарса ҳодисалар ҳозирги ҳаётда бор бўлгани сабабли, ўз-ўзидан, тилда уларни атайдиган замонавий сўзлар бўлади.

Қасида – қасида лирик тур жанрларидан бири бўлиб, араб тилидаги сўзидан олинган ният, интилиш, маъноларини ифода қиласи. Қасида муҳим тарихий воқеалар ва машҳур тарихий шахслар ҳақида тантанали услубда ёзиладиган асар саналади. Қасида араб, форс, ва туркий халқлар адабиётида, жумладан, ўзбек адабиётида кенг тарқалган жанрdir.

6 -МАВЗУ

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИННИГ РОЛИ

Режа:

1. Ўзбек адабий тилининг мумтоз давридаги тарихий шароит.
2. Алишер Навоий ўзбек тилининг асосчиси.
3. Алишер Навоийнинг асарларида ўзбек тили меъёрларининг белгиланиши.
4. Алишер Навоийнинг асарларида «туркий», «туркча» атамаларининг қўлланиши ва маънолари.

А.Навоий замонасидаги бадиий адабиётнинг турли жанрларида ижод этган ва шу соҳаларда оригинал асарлар яратган буюк сўз санъаткоридир. Навоий ўз асарлари орқали сермазмун мактаб яратган буюк истеъдод эгасидир.

Навоий Хусайн Байқаро саройида иш кўрган адабиёт жамиятининг ташкилотчиси ва устози эди. Шу жамиятдан ўз атрофига замондош шоир ва ёзувчиларни тўплаб улар билан форс-тожик ва турк-ўзбек шоирларининг ижодлари ҳақида, адабиётнинг турли масалалари тўгрисида, тил ва услуб ҳақида сермазмун ва жозибали сукбатлар олиб борар эди. Бу сукбатлар Навоийнинг айтишича, жонли мунозараларга айланиб кетар эди. Бундан эса Навоий ҳар чоқ хурсанд ва мамнун бўлган. Навоий замондош шоир, ёзувчиларнинг буюк ҳомийси ва устози эди. Шоир ва ёзувчиларнинг шахсий мунозаравий сукбатларида бирор чигил масала туғилиб қолгудек бўлса ҳамда ўртада ҳал қилинмаса, шу масалани узил-кесил ҳал қилиш учун сукбатдошлар Алишер Навоийга мурожаат килардилар. Улар Навоийнинг тийран фикридан ҳар доим ўзларига керакли фикрларни топа олар эдилар. Деярли 40 йил давомида олиб борилган шу сукбатлар турк-ўзбек бадиий адабиётида тўпланган бой тажриба, адабиётнинг турли жанрларида тўпланган ўзининг шахсий тажрибалари кейинчалик «Хамса», «Хазойинул маоний», «Мезон-ул авзон», «Мажолис-ун-нафоис», «Муҳокамат-ул-луғатайин», каби асарларни ёзиш учун Навоийга асос бўлгандир. Шу юқорида кўрсатилган асарларнинг ёзилиши учун бўлган бошқа сабаблар Навоий яшаган ва ижод этган даврдаги тарихий шароитлар билан боғлиқдир. Бир вактлар шуҳрат қозонган ва қўшни давлатларга кўрқинч туғдириб келган темурийлар давлати Навоий кўз олдида инқирозга юз туга бошлади. Темурийлар ўртасидаги узлуксиз курашлар давлатнинг ҳарбий-иқтисодий қудратини заифлаштириб юборган эди. Адабиётда ва адабий тилда етакчилик ҳамон традицион форсигўй шоирлар кўлида эди. Мактаб ва мадрасаларда араб ва форс тили ўрганилиб, улар билан бирга форс поэзияси ҳақида маълумот олинар эди. Ўзбеклар орасидан чиқсан шоирлар ўзларининг дастлабки асарларини она тилида эмас, балки форс тилида ёзар эдилар. Форс тили эса асрлар мобайнида форс тилида ёзган сўз усталари тарафидан ишланиб, сайқал бериб келинган тил эди. Шунинг учун ҳам форс поэзиясида тарбияланган турк-ўзбек шоирлари учун ўз она тилида ёзишдан кўра бадиий жиҳатдан ишланган форс тилида ёзиш осон эди. Бунга одатланиб қолган кўпгина турк-ўзбек шоирлари ўз асарларини форсий тил билан ёзиб келган. Алишер Навоий «Мажолис-ун-нафоис» асарида 459 та шоир ҳақида маълумот бериб, шундан 2-мажлисда 91 шоирдан 16 та шоирнинг турк-ўзбек тилида, 3-мажлисда 175 та шоирдан факат 3 тасигина туркигўй эканлигини айтади. Шу келтирилган маълумотдан ҳам кўриниб турибдики, ўзбеклар ичидан етишиб чиқсан сўз усталари ўз она тилида асар ёзишга кам эътибор берганлар. Бу ҳол сиёсий жиҳатдан ҳам темурийлар давлатига маълум даражада путур егказар эди. Шундай шароитда ўзбек тилини менсимас, унинг бурдини туширишга, бу тил авом тили, дағал тил, илмий ва бадиий тушунчаларни ифода қилиш кудратига эга бўлмаган тил, деган фикрлар илгари сурилар эди.

Шуларга қарши Навоий ўзбек тилининг бадиий қудратини адабиётнинг бутун воситалари орқали исбот этди. У юксак бадиий ижодиётнинг тимсоли сифатида «Хазойинул маоний», «Хамса» ва шу каби

шарқ поэзиясида шухрат қозонган мавзуларда асар ёзиб, ўзбек тилининг қудратини кенг намойиш қилди ва шуҳратини ёйди. Шу асосда ёзув тилини умумхалқ тилига мослаштириди. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи ҳам кўп асарларида кўрсатиб ўтган Ўзбек тилининг қудратини оширгани ва халқ, тилини китобий тил билан яқинлаштиргани ҳакида «Лисон-ут-тайр»асарида шундай дейди.

Тўрк назмыда чу тартыб мен алам,
Айладым ул мамлакатны як қалам.

Навоий халқ маданиятини кўтара олишдаги қудратли воситалардан бири она тили эканини замондошлари орасида биринчи бўлиб тарихий жиҳатдан тушунди ва ўзининг шу фикрига бутун фаолияти содик қолди. Навоийнинг мақсади бадиий жиҳатдан ишланмаган халқ тилини бадиий ишлаш ва уни форсий тил даражасига кўтариш ҳамда шу асосда она тилининг шон-шуҳратини кенг ёйишдир. Навоий деярли ҳар бир достонида, тил масаласига алоқида эътибор берган. Масалан: «Лайли ва Мажнун»да шундай дейилади:

Чўн форси эрди нуқта шавқи,
Азрак эрди анда тўрк завқин.
Мен тўркчә башлабан риваят,
Қылды бу фасанани ҳикаят.
Ким шуҳрат чўн жаҳангфа болғай
Тўркий илә дағы баҳра олғай.

Навоий бадиий адабиётнинг бутун соҳасида ижод этиб, ҳар соҳада ўзига хос оригиналлик яратган ва шу асосда ўзбек тилининг бадиий қудратини имкониятини кенг намойиш қилди.

Навоий ўзбек тилининг ҳимоячиси ва тарғиботчиси сифатида ҳам назарий ҳам практик ишларни амалга ошириди, Шунинг учун буюк турколог Н.И.Ильминский уни «Она тили учун курашда ягона ва баҳодир жангчи эди», -деб таърифлаган эди.

НАВОЙ АСАРЛАРИДА ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИК ВА ГРАММАТИК МЕЪЁРЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ

Алишер Навоий илмий асарлар араб тилида ва бадиий асарлар форс-тожик тилида ёзиш традицияга айланган бир даврда ўзбек тилининг ҳам бадиий, ҳам илмий асарлар яратиш учун бой имкониятларга эга эканлигини кўрсата билди. Форс-тожик тилининг қайси жанр ва услубида асарлар яратилган бўлса, Навоий ҳам ўша жанр услубда асарлар яратиб, бу масалада форс-тожик шоир ва ёзувчилари билан ижодий мусобақалашди. «Мезон-ул-авzon» асарида шундай ёзади:

«Ажам шуароси ва фурса фусаҳоси (чиройли сўзловчилар) хар қайси услубдаким, сўз арусиға (келинига) жилва ва намойиш бериб эдиларким, маъни абкориға (клзларига) зийнат ва оройиш кўргузуб эрдилар, чигатой лафзи билан рақам урдум».

Ўз асарларида Навоий ўзбек тилининг лексик жиҳатдан форс-тожик тили каби бой эканлигини таъкидлайди ва унинг мисоли сифатида бир неча синоним қаторларни келтиради. Бу ҳақда «Муҳокамат-ул-луғатайн» асарида «Бу газ лафздурки, ғарип мақосида (мақсадлар) адосида (баёнида) таъйин қилибтурларки, ҳеч қайси учун сорт тилида лафз ясамайдурлар». Яъни бу асарда келтирилган 100 та фельлинг ноаниқ формаси ҳақида гап борадики, уларнинг ҳар қайсиси ўзининг синонимик қаторига эга эканлиги бу каби хусусият форсий тилда учрамаслиги қайд қилинган. Масалан, *ичмоқ феълига сипқармоқ, томшиимоқ* каби феълларнинг синоним бўлишини уқтиради:

Сāқиё тут бāдаким, бир лаҳза өзумдин барай
Шарт бу ким, ҳар нечә тутсанг лабāлаб сыпқарай.
Ёки:
Соқиё, чӯ ычыб, менгэ тураг қош,
Тамшый-тамшый аны қылай нўш.

Шунингдек, *йығламақ* сўзининг ҳам боҳсамақ, инрамақ, синрамақ, сыйтамақ, унурмәк, иничкирмәк каби синонимларини келтиради.

Навоий ўз ижодиётида тилдаги омонимлардан ҳам турли стилистик мақсадларда фойдаланган.

Жуш-туш (сон), йарым кун, тāмāн.
Йан-йанмақ, йанбаш;
Йақ-яқмақ, тāмāн, йағ.

Навоий ўз асарларида фақат омоним, синоним сўзларни эмас, балки форс тилида бўлмаган сўзлардан фойдаланди. Масалан, чўкур (*жийда*), қабақ, мең, илдирин (*яхии*), чақин (*яхии*).

Башларыға гўл сачсанг, алардын йўзүнә тикāн сачылур,
Агар ул гўл сачмаган бас қылсанг, бағринға чокур тоқылур.
(Мақбубул-қулуб)
Ёки:
Фирақын ичрэ улус өртэмеккә, эй мāхим
Чоаын дурур дамиму, илдирим дурур ҳам.
(Махбубул-кулуб).

Бунай сўзларни лексик норма сифатида адабий тилда қўллади: Навоий

лексик нормаларни белгилашда ҳаётнинг турли соҳаларига тегишли бир қанча туркий сўзларни ўз асарларига сингдирди. Улар қуидагилар:

1. Озиқ-овқат номлари: қаймақ, қатлама, буламық, қурут, улаба, манту, қуймақ, ўркамач, қымыз, сузма, боза, умач, комач.
2. Чорвачиликка оид сўзлар: тубучак, аргумак, йақа, йабу, тажсу, той, гуана, тулан, чирга, ланга, жабилдири, хана, тоқум, чилвир.
3. Кийим-бош номлари: дастар, қалпақ, наврӯзи, төпти, ширдақ, жалак, дакла, қур, терлик.
4. Ов ҳайвонлари номлари: кийик, тонғуз, ҳуна, қылчакчы, суйкун, бугу, марал, аҳу, гавази, хук, гураз ва боқшалар.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Алишер Навоий ўзбек тили лексик бойликлари билан бирга форс-тожик, араб тили лексик бойликларидан ҳам ўз ўрнида фойдаланди. Айрим тушунчаларни (адабий) белгилашда ажнабий тил лексик бойликларидан фойдаланишини шарт деб билди, чунки адабий жанр ва услугуб форс-тожик ва арабча сўзлардан фойдаланишини шарт қилиб қўяр эди.

А.Навоий адабий тилнинг грамматик нормаларини беягилашда ҳам самарали ишлар қилди. Буни қуидаги ҳолларда кўрамиз.

1. Тушум келишиги билан қаратқич келишиги аффикслари ўз ўрнида қўлланган. Маълумки, Навоийга замондош бўлган шоирлар ижодида қаратқич ўрнида тушум келишиги қўрсаткичи қўлланган ўринлари ҳам бўлган Масалан, *Ушибу ерда саң тўдани(нг) устига чықыб* (Б Н), *Лутфийны(нг) нийаты улдорки* (Л) ва ҳ.о.

2 Чиқиш келишиги фақат —дин//дын//тин//тын вариантларда қўлланди Маълумки, Навоийгача бу келишик —дун//дүн//тун//тун, дан//дән//тан//тән каби вариантли аффиксларга ҳам эга эди

Солиширинг Махмуд Қошғарийда *сувдан сэздән*, «Ўғузнома»да *коң тоқушгудун соң, ануғ көзи кәктүн кәкре Серди* ва ҳ.о.

3 Биргалик нисбат — иш аффикси билан ифодаланади: қачишимак, тапышимак, чапышимак.

4 Орттирма нисбат -т, аффикси билан ифодаланади *гогурт, буйурт*

5 Сифатдош -гу//қу//ку баргку, билгү, айтку;

6 Навоий асарларида равишдош ясовчи -гач//гәч, кәч//қач аффикси кенг қўлланди *эйләггач, йеткәч*

Юқоридагилардан ташқари сўз ясовчи аффиксларининг қўлланиши доираси кенгайгандан:

-чи//-чи аффикси касб-хунарга, лавозим ва овчилик билан боғлиқ сўзларни ясаган қуичы, барсчы, қўрықчы, қорчы, сувчы, юртчи, хазиначы,

ахтачы, турначы ва х.о.

-вул сарой лавозимлари отларини ясаган *якковул* (*йўл бошловчи*), *кинтаувул* (*қўргон қоровули*) *бакабул*, *қаравул*, *ясавул*

- *e* аффикси абстракт оти ясаган *иасал* (*қўшин сафи*), *қабабал* (*қамал*), *тутқал* (*хазиначи*) *тусқал* (*соқчи*).

Навоий ижодидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Юқоридаги фактлар шундан далолат берадики, А Навоий ўзбек тили имкониятларидан жуда кенг фойдалиниши натижасида ўзбек тили лексикаси ва грамматик қурилиши маълум бир нормага тушди Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ҳақли равишда ўзбек адабий тилининг асосчиси деб атаймиз Навоий асарлари орқали эски ўзбек адабий тили ўзининг юқори поҳонасига кўтарилди. Навоий асрлар мобайнида туркий тилларда кўлланиб келган бой манбалардан кенг фойдаланди. Унинг тили қадимги Шарқий Туркистон тилидан, шунингдек, қадимги уйғур тили таъсиридан, асосий лексик ва грамматик хусусиятларидан қутулган бўлса ҳам, баъзи поэтик талабларга қўра унинг тилида архаик элементлар ишлатилгандир Архаик элементлар дейилгандан, Шарқий Туркистон, шу жумладан қадимги уйғур ва қадимги туркий тилларга оид лексик ва грамматик ҳодисалар киради.

Архаик элементлар поэтик нутқда кўп вақт дабдабали тус бериш, тилдаги таъсирчанликни, экспрессивликни ошириш учун хизмат қилиб келди Шу нуқтаи назардан Навоий уз асарлари тилида бундай элементларга мурожаат қилган Навоий тилида *ари*, *ўгон*, *угуш*, *қаму*, *уксук-ком*, *битик аси* каби лексик архаизмлар қулланган Мисоллар;

Калами нечәаким, сা�fu арығдур

Манға нуқсандын ўзга не асығдур (Фарход ва Ширин)

Ёки

Нағмалар турқана сөз этилди угуш

Мастлығдын ойлаким, хушнағма күш (Лисон-ут-тайр)

Шунингдек, Шарқий Туркистон тилига хос бўлган -*гу//гу//қу//ку* каби морфологик элементлар ҳам учрайди *ўқиғу*, *дегу*, *йаққу*, *эшишту*

Навоий тилида тартиб соннинг - инч (*биринч*, *учинч*) аффикси билан ифодаланган варианти ҳам қайд қилинади.

Юқоридаги лексик ва грамматик элементлар А Навоий тилида ўз ўрнида ва услугуб талаби билангина қўлланган.

Алишер Навоий туркий тиллар маданий мероси ва бойлигидан ҳам усталик билан фойдаланди Навоий тилида қипчоқ, ўғуз элементлари алоҳида ўрин тутади. Булар кенг тарқалгандир. Бу ҳодиса ёлғиз Навоий асарлари тили учунгина эмас, балки эски ўзбек поэтик тили учун ҳам хосдир.

Академик Радлов Навоий тилидаги ғарбий ёки ўғуз тили элементлари масаласида икки фикрни илгари суради. Биринчи фикрга қараганда, Навоий тили ўғуз деб аталган адабий тиллар, яъни, озарбайжон, туркман, усмонли турк каби тилларга таъсир қилиб, бунинг натижасида мазкур ўғуз элементлари юқорида кўрсатилган тилларга тарқалган. Бунда академик Радлов Навоий тилининг ғарбий тилларга таъсирини кўзда тутади. Иккинчи фикрга қараганда, Навоий замонида ғарбий туркларда шундай бир адабий тил маркази бўлганки, бу адабий тил турли йўллар билан Навоий тилига таъсир кўрсатган булиши мумкин.

Масала Навоий асрлари учун таянч бўлган диалект асосида ҳал қилиниши мумкин. Навоий тилида, шунингдек, эски ўзбек поэтик тилида ўғуз тилининг элементлари кенг миқёсда қўлланган, лекин бу элементлар Навоий ва унга замондош адиллар тилига ташқи жараённинг таъсирида пайдо бўлиб қолмаган, аксинча, бундай элементлар ўзбек тилининг ўғуз шевалари орқали тилга киргандир.

Маълумки, XIII-XIV асрларда Хоразмда адабий тил маркази пайдо бўлди. Бу марказ «й»лашган диалект заминида вужудга келиши билан бирга ўғуз тилининг лексик элементларини ва қатор морфологик формаларини ўзлаштирган эди. Ўғуз диалектининг бевосита таъсири «Мұхаббатнома», «Хисрав ва Ширин» ва XIX асрнинг биринчи ярмида ижод этган шоирлар тилида кенг тарқалгандир. Бу традиция табиий Навоий тилида ҳам давом этган. Масалан, эв(уй), ўл (бўл), уюмағ (ухламоқ).

Ишқ дардыға Навайи киби мағрур ўлманг

Өзни ҳар маҳва什 учун шифтаи ҳал әйләмәңиз.

(Т.А.П, I 405-бет)

Юқоридаги каби ҳодиса Лутфий ва бошқа шоирлар ижодида ҳам кенг тарқалгандир. Навоий тилида тарихан қадимги туркий тилга, лекин Навоий даврида ғарбий тиллар хусусиятига айланган сифатдошнинг —мии аффикси билан ифодаланган формаси қайд қилинади:

Ҳар ярам жисмимда бир ҳайрāн көз олмыш ҳалымга

Турфа көрким, мунча ҳайрāн көзгэ ҳайрāндур көзгэ.

Ғарбий тилларга хос яна қуидаги морфологик хусусиятлар учрайди:

I шахсада шахс-сон аффиксининг қисқарган шакли:

Сарви әзәдымны бағ ичрә хирәмән истәрәм,

Сабзасин сарсабзу гүл баргини хандән истәрәм

(П,1 239-бет)

шахс ҳозирги-келаси замон формасининг қўлланишида ёки ғарбий тилларга хос хусусият сақланади билмон, истаман

Эй Навайй, ҳеч билманким, унагайму көнгүл
Анча-мунча ажнабий сөзләрни иршад әйләдим

Озарбайжон, усмонли турк тилларига хос бўлган инфинитивнинг
бўлишсиз формаси ҳам учрайди:

Асл улдурки, санамлар сари көз салмәғесен
Эй Навайй, тиләсөнг көрмәмәк аслә ҳфат.
...Дам урмамақ керак (Махбубул кулуб)

Навоий тилида ўғуз элементларидан ташқари қипчоқ тилларига хос
элементлар ҳам учрайди Лекин улар жуда оз микдордадир ҳамда улар Навоий
тилининг умумий тараққиётига у кадар таъсир қилолмайди.

НАВОЙНИНГ АРАБ ВА ФОРС ТИЛЛАРИГА МУНОСАБАТИ

Навоий туркий тил элементларидан ташқари форс ва араб тилларининг
маданий меросидан ҳам кенг фойдаланган. Арабча-форсча элементларнинг
кўпчилиги Навоий тилини табиий анча мураккаблаштирган.

Классик жанр системасида ва поэзиянинг арабча вазн ўлчовларидан
фойдаланиш Навоийга поэтик эркинлик берган. Бундан ташқари ўша давр
талабига кўра поэтик асарлар кўтаринки, дабдабали услугуб билан ёзилиши
керак эди. Бадиий традиция таъсири натижасида поэтик услугуб халқ тилидан
кисман бўлса-да, узилиб қолганлиги таассуротини беради. Шунинг учун
Навоий поэтик тематика соҳасида эски традициядан четга чикқан бўлса-да, тил
ва услугуб масалаларида классик традиция чегарасидан четга чиқа олмади.
Алишер Навоий ўзининг поэтик асарларида, жумладан, «Чор девон», «Хамса»
асарларида ўзбек тилини форс-тожик адабий тили каби ишлашга ва унга
дабдабали тус беришга ҳаракат қилди. Буларнинг ҳаммаси араб ва форс
тилларининг элементларига кенг йўл очиб берди.

Навоий асарларида арабча-форсча лексик элементлар билан бирга
морфологик элементлар қўлланган. Навоий тилида отларнинг аниқлик ва
ноаниқлик формалари мавжуд. Ноаниқлик формаси -и аффикси билан ҳосил
қилинган. Бу аффикс ўзбек тилига тожик тилидан ўтган бўлиб,
эроншуносликда «ёйи ваҳдат» (бирлик ёйи) деб аталади. Масалан, «*Қарам
(саховат) бир жағақашның шиддати (қийинчилик) йукин кутәрмәкдур ва аны
ул суубатдын (қийинчилик) еткармәкдур*» (Махбуб-ул кулуб) Бу ўринда
ноаниқлик маъноси анализик усул билан яъни сўз олдига бир сўзини келтириш
билан ҳосил қилинган. *Ринди ҳарабатийки (айи-ширатдан сөзини
тортмайдиган), май ычмақ билә отар авқати, ҳубабдек (кўпикдек) бада ҳаваси
башыда сурҳидек (шаробдан) баш қойар ери сағар (қадақ) қашыда дайрда
(майхона) ҳар қайсанки базме көрүб, сабукашлик (май ташии) василаси
(воситаси) билә өзин еткуруб («Махбуб-ул қулуб»)*

«Бу тәиғадын агар қары дадактурки (дадак-оқсоч) йасалурга рәгибдур (мойил) ва агар арпае алмас эшәкдүр, нақышын афсару жулға (түқим) тәлибдүр (мухтож) жумлаларидағи базм, арпа сузларига форсча ёйи вахдат күшилиб ноаниқликни билдирган.

Ёйи вахдат тарихан қадимги форс тилида «бир» сўзи маъносида қўлланувчи «айва» сўзидан келиб чиқкан бўлиб, ҳинд-европа тилларидағи ноаниқликни қўмакчиси (артикли) (немисча *lih*, *lihe* инглизча *a*, *an*, французча *up*, *une*) билан ўзакдошдир.

«Айва» сўзи қадимги форс тилида отдан кейин қўлланиб, унга бирлиқ, ноаниқлик маъносини берган. Чунончи, «бир шоҳ» дейилмоқчи бўлса, «хилоётия айва» дейилган.

Мана шу ёйи вахдат эски ўзбек тилига ҳам ўтиб, олий услубда ноаниқлик маъносини англатган. Бу аффикс Навоийнинг «Мехрибоне топмадим» ғазалида айниқса равshan кўринади.

Аниқлик формаси дарий тилидан ўзлаштирилган «ёйи ишорат» деб аталувчи аниқлик аффикси *-i* билан ифодаланган. Бу аффикс ҳозирги ўзбек тилида *nimaiki* сўзидагина сақланиб қолган. «Ёйи ишорат»ноаниқлик аффикси «ёйи вахдат»дан график ифодаси жиҳатидан ҳам, талаффузда қам фарқ қилмайди. Ёйе ишорат ҳам ургусиз чўзиқ *i* каби талаффуз қилинади.

Бу аффикс шаклан ёйи вахдатга ўхшаса ҳам, ўзича мустақил аффикс бўлиб, тарихан ва маъно жиҳатидан ундан тамомила фарқ қиласди. Ёйи ишорат қадимги форс тилида мустақил сўз-кўрсатиш олмоши «айва» сўзидандир. Бу кўрсатиш олмоши аста-секин ихчамлашиб дарий тилининг ўзидаёқ *-i* шаклини олган:

Шайхи рийāий (риёкор) жилванāмāйи мисидур алтын билə рукаши, ташии хушинамага ичи нāхаши. («Маҳбуб-ул қулуб»). *«қанāат чашимандур ким...»* («Маҳбуб-ул қулуб»). Бу ўринда шундай мис (аниқ), шередай чашма (булоқ) деган маъно англатилади.

Муаннас аффикси *-a* (женский род).

Навоий тилида араб тилидан ўзлаштирилган хотин-қизлар жинсини билдирадиган *-a* аффикси кенг қўлланган: *салита* (уютсиз қиз), қабиҳа, майхўра, бадқара ва бошқалар.

Кўплик формаларида. Арабча флексив формалар қўлланган: *ҳāl-aχwāl*, *faq̄ip-fuq̄arā*, *kitāb-kutub*, *muallimun-muallimuна*, *ārif-ārifin*, ва бошқалар.

Икқилик аффикси *-айн* лугатайн, кавнайн (икки дунё) кāтибайн (икки кāтиб) ва ҳ.о.

Булардан ташқари кўп сонли сўз ясовчи арабча ва форсча сўз ясовчи аффикс ва формантлардан фойдаланилган.

Айтиб ўтилгандек, Навоий тилида араб-форс тилларининг сўз ва иборалари кўп учрайди. Шуниси характерлики, бундай элементлар фақатгина дабдабали услуб талабига кўра эмас, балки бундай сўзларнинг кўпчилиги маънони кучайтириш, образни ва поэтик таъсирчанликни ошириш учун ҳам қўлланган. Навоий қўллаган арабча-форсча сўзларнинг маълум қисми адабий тилда кенг ўзлашган ва асрлар оша ҳозирги замон тилида ҳам туб сўзлар қаторига кириб кетгандир.

«МУҲОКАМАТ-УЛ-ЛУҒАТАЙН» АСАРИ

Алишер Навоий «Чор девон», «Хамса», «Маҳбуб-ул қулуб», «Мажолис-ун нафоис», «Мезон-ул авзон» каби асарлари билан ўзбек адабий тилини практик жиҳатдан исботлаган бўлса, «Муҳокамат-ул луғатайн» асарида уни назарий жиҳатдан тушунириб берди. Шу жиҳатдан унинг мазкур асари зўр илмий қимматга эгадир. «Муҳокамат-ул луғатайн» Навоий хаётининг сўнгги йилларида ёзилгандир, яъни ҳижрий 905, мелодий 1499 йилда ёзилган.

Асарда туркий (ўзбек) тил билан сорт (форс-тожик) тилини муҳолса қиласди. Асар муаллифи ҳақидаги кириш сўзидан бошланади. Бунда аввало тилнинг мазмуни, шакли ҳақида гапириб, унинг бирлигини, яъни тил шакл, мазмун жиҳатдан бир бўлгандагина ўз вазифасини ўтай олишлигини айтади. Сўнг инсон тилининг вазифаси ҳақида сўзлаб, бунда араб тилининг аҳамиятига алоҳида эътибор беради. Сўнгра тилнинг келиб чиқиши ҳақида фикр юритади. Бу соҳада Навоий замонасида хукмрон бўлган ислом охолостикасига асосланади. Шунга кўра унинг фикрларида илмий ҳақиқатдан кўра афсона кучлироқ сезилади. Тилларнинг келиб чиқишини Нуҳ пайғамбарнинг умумжаҳон тўғонида ёлғиз қолиши ва тилларнинг манбанини унинг ўғиллари Яфас, Хом, Сом номлари билан боғлади.

Навоийнинг бу қараши қадимги грек фалсафасида ҳам, Ислом фалсафий-тарихий асарларида ҳам кенг тарқалган эди. Навоий эса улардан унумли фойдаланган. Шундан кейин туркларнинг келиб чиқиши, туркий тилнинг хусусиятлари, унинг сорт (тожик) тили билан муносабати, баъзи ўринларда туркий тилнинг орқаллиги ҳақида фикр юритади. Бунинг исботи сифатида туркий тилдаги синоним, омонимларнинг тараққий топганлигини келтиради. Умуман, Навоийнинг мазкур асарида олға сурилган асосий ғоялар куйидагилардан иборатdir:

1. Ўзбек тилини форс-тожик тили билан чоғиштириб, унинг форс тилидан қолиши маслигини кўрсатиб, ўзбек тилида асарлар ёзишга бошқаларни ҳам чақиради.

2. Навоий **икки** тилни чоғиштирас экан, ўзбек тили луғат бойлигининг устунлигини кўрсатди. Асарда 100 та феъл келтирилиб анализ қилинади, шунингдек, ўзбек тилининг бошқа лексик қатламларида, яъни қушчилик, чорвачилик, кийим-кечакка оид кўпгина сўзларнинг ривож топганлигини исботлаб беради. Шунинг учун ҳам туркий тилни у хазина деб атайди. Лекин

бу хазинанинг атрофини, Навоий тили билан айтганда, «илонлар» ва «тиконлар» ўраб олган. Навоий ана шу сўзларни «илон ва тиконлар»дан тозалаб ўз асарида қўллар ҳамда бу ишга бошқаларни ҳам чақиради.

3. Икки тилни қиёслар экан, Навоий ўзбек тилининг сўз ясалиш борасида устун эканлигини намойиш қилди. Бунда -чи ва -вул аффиксларининг сўз ясаш роли, айникса, буюк эканлигини кўрсатади.

4. Грамматик формаларнинг ҳосил қилинишида -и, -т, -л

Аффиксларининг аҳамияти ҳақида ҳам қимматли маълумот беради. Масалан, Биргалик нисбат ҳосил қилувчи аффикс ҳақида шундай дейди: *Аммā күлмитрәк қалимāтни адā қылалы: араб тилиниң сарфий истилāхиниң аబāбида бир бāбдирки, аңа муфāала бāбы от қуйуптурларки лафз бир мазкур болур, аммā икки киши феълига муштамилдирки (ўз ичига оловчи), бир навъ вāқea болгай. Андақки, «муázара»(мунозаралашиш, тортишиши, қарши келиши) ва «мушāарā (шеър айтишиши)», «муқāбал»(қарши келиши) ва «муҳāкама» (гаплашиши) ва кулмей бāбдур ва мунда азим вафāид (фойдали) ҳāсил. Ва фāрсиғўйлар мунча фасāҳат ва балāғат даъвāсы билә бу фāйдадын маҳрум. Аммā түрк булагасы ва фāйдага маарруҳ қилибдурлар ва масдарга бир иши ҳарфи илҳāқ қылмақ билә ул мақсадны тапыбдурлар. Андақки, «чапышмақ» ва «тапышмақ» ва «құчуышмақ» ва «копышмақ» ва бу шое лафздур* (А.Навоий. Танланган асарлар. 14-том. Ъ, 1967й, 116-бет)

3. Ўзбек тилининг тарихий фонетикасига доир қимматли фикрлар мавжуд: вов ҳарфининг тўрт хил (ундош билан беш хил) талаффуз қилиниши, ёйнинг уч хил (*i,u,e*) талаффуз қилиниши ҳақида фикр юритади.

5. Омонимлар ҳақида шундай дейди:

«Ва көк лафзыны ҳам неча маъни билә истеъмāл қылурлар. Бири көк-āсmānны дерлэр. Йана көк аҳангдор. Яна көк тегрəдə көкламдор. Йана көк қадағны дерлэр, йана көк сабза ва олангны дагы дерлэр» ва ҳ.о.

6. Ўзбек тилининг юқоридаги имкониятларини исботлашда Навоий форс-тожик тилини ҳеч вақт камситмайди, балки унга ҳхрат билан қарайди.

«Мұхокаматул-луғатайн»да Навоийнинг диалогик карашлари ўзининг ёрқин ифодасини топган. Навоий тил масалаларига тилшунос сифатида эмас, балки адабиётшунос сифатида ёндошган. Бу асари билан ўзбек адабий тилини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш зарур эканлигани ўртага ташлаб, бу масалани ҳал қилмасдан туриб, адабий тилни яратиш ва уни ривожлантириш масаласи билан шуғулланиш мушкул эканини таъкидлайди. Шу жиҳатдан «Мұхокаматул луғатайн» ўзбек адабий тилининг балоғатга стишида ва етиштиришида унинг кейинги тараққиётида муҳим аҳамиятга молик бўлди.

Савол ва топшириқлар:

1. Алишер Навоий тилининг диалектал ҳусусиятлари нималардан

иборат?

2. XV асрнинг 2-ярмидаги тарихий шароит ҳақида гапириб беринг.
3. Алишер Навоий ўзбек тилининг асосчиси деганда нима назарда тутилади?
4. Алишер Навоий асарларида ўзбек тили меъёрлари қандай белгиланган?
5. Алишер Навоий ўз асарларида қўллаган «туркий», «туркча» атамаларининг қандай маъноларда қўлланган?

Таянч тушунчалар:

Атама – илм-фан, техника, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга оид тушунчаларнинг аниқ атамаси бўлган сўз ёки сўз биримаси атама дейилади. Ҳар бир фан, касб-хунар ўз терминларига эга, шу терминлар жами иборат лексикада.

Лексика – тилдаги сўларнинг жами лексикани ташкил этади. Лексикология тилшуносликнинг лексикани ўрганувчи соҳасидир.

Ўѓуз тили – туркий халқларнинг икки катта гуруҳга, шарқий ва ғарбий хуннга бўлиниши натижасида тиллар ўртасида тафовутлар ҳам сезиларли даражада ўзгарди. Ўѓуз тилли туркий халқлар ғарбий тиллар гуруҳига киради.

7-МАВЗУ

XVI АСРДА БУЮК АЛИШЕР НАВОИЙ ТРАДИЦИЯСИ ВА ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЎРГАНИШДА БОБУР, МУҲАММАД СОЛИХ АСАРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Режа:

1. XVI асрда Алишер Навоий яратиб қолдирган анъананинг давом зттирилиши.
2. Бобур асарлари тили. Бобур асарлари тилида туркий сўзларнинг ишилатилиши.
3. Муҳаммад Солих достонининг тил хусусиятлари
4. XIV-XVI асрлар адабий тилида арабча, форсча сўзлар.

XVI асрга келиб темурийлар авлодлари ўртасида узлуксиз давом этган зиддиятлар, мамлакат ичидаги турли характерга эга бўлган қарама қаршиликлар темурийлар давлатининг иқтисодий-сиёсий ҳаётини, ҳарбий қудратини заифлаштириб юборди. Тарихдан маълумки, XV-XVI асрларда темурийлардан бўлган, Бобурнинг отаси Умар Шайх Мирзо Фарғона улусининг хукмдори бўлган. У ака-укалари - Ҳисор ҳокими Султон Маҳмуд Мирзо, Самарқанд ҳокими Султон Маҳмуд Мирзо, Самарқанд ҳокими Аҳмад Мирзо, Қобул

хокими Улуғбек Мирзолар билан таҳт талашиб, жиддий курашлар олиб борар эди. Буларнинг ҳаммаси ташқи хужум учун ҳамда унинг енгил муваффақияти учун кенг имконият туғдиради. Натижада Шайбонийлар томонидан темурийлар давлати емирилиб, унинг ўрнида Шайбонийлар хукмронлиги бошланди, Шайбонийлар даврида ҳам ташқи жиҳатдан марказлашган давлат тузилса ҳам у узоқ давом этмади. Бу Абулхайрхон ўлимидан яққол сезилган эди.

XVI аср бошларида ёк Ўзбекистон территориясида Хоразм ва Бухоро хонликлари вужудга келди.

Хоразм хонлигининг дастлабки пойтахти Кўҳна Урганч бўлиб, XVII асрнинг 70-йилларида Амударёнинг бир тармоғи қуриб қолгач, пойтахти Хевага кўчирилди. Шундан бери Хева хонлиги деб аталди.

Бухоро хонлигининг пойтахти Самарқанд бўлиб, Аштархонийлар уни Бухорога кўчирадилар. Мамлакат 2 хонликка бўлиниб кетгач, ўртадаги курашлар янада кучайиб кетади. Натижада XVII асрнинг бошларида Кўқон Бухоро хонлигидан ажраб чиқади.

Хонликлар ўртасидаги узлуксиз мамлакатнинг ишлаб чиқариш кучлари, унинг иқтисодий қудратини заифлаштириб юборди. Бу ҳолат мамлакатнинг маданий тараққиётига таъсир қилмасдан қолмади. Бир замонлар маданият ўчиғи бўлиб танилган Хоразм Чингиз аскарлари томонидан, кейинчалик Темур лашкарлари тарафидан харобага айлантирилган эди. Лекин бу даврларда адабий харакатчилик сўнмади, аксинча улуг Навоий традицияси давом қилиб келди.

А.Навоий ижодига бўлган хурмат унинг ўз замонида бошланган эди. Бадиий адабиётда ва адабий тилда унинг традицияси айниқса унинг кичик замондоши З.М.Бобур томондан давом эттирилди.

Бобур ўзининг лирик шоирлиги ва XVI аср прозасининг намунаси бўлган «Бобурнома» асари билан ўзбек адабиёти ва тили тарихида ўчмас из қолдирган сўз санъаткоридир. Бобур тили ва услуби халқчиллиги билан характерланади. У яратган асарлар тор интиллигентлар доирасида эмас, балки кўпчиликка тушунарли бўлган. У содда ёзиш билан бирга бошқаларни ҳам содда ёзишга чақирди. Шу жиҳатдан унинг ўз ўғли Хумоюнга ёзган мактубидаги бир фикри характерлидир. Хумоюн тили отаси тилига қараганда анча оғир, унинг асарларида арабча-форсча сўз ва иборалар кўп ишлатилган. Хумоюннинг шу хатини танқид қилиб, Бобур шундай ёзади : «Мундин нари бетакалтуф ва равшан ва пок алфоз била бити, ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур, ҳам ўкуғучига».

Бобурнинг содда услугуб ва тил билан ёзишнинг талаб қилиши ва бунга ўзининг амал қилиши прогрессив воқеадир. Бадиий услугбининг соддалиги Бобур асарларининг ўқувчига тез англашиларли бўлишига, бадиий тасвир воситаларининг оммабоп бўлишига олиб келди.

Бобур лирик шеърларининг тили ҳалигача тадқиқот обьекти бўлган эмас. Шунга қарамасдан, унинг лирикаси халққа тушунарли тил ва услубда ёзилганлигини кўрамиз. Масалан,

Тушумда чун қуяшдек ҳразыңы көрднм отрудын
Тилармен тā қыйамат ачмағаймен көзни уйқудын.

Сенинг васлындын айру түшгэли барған сары
артар Таҳассур арқадын, меҳнат йанымдын, ҳажр
отрудин.

Бобур лирикасида ҳам арабча-форсча сўзлар қўлланган. Лекин Навоий асарлари дагига нисбатан камроқдир. Масалан, «Не ҳуш бўлғайки» матлали ғазал 63 та сўз қатнашган бўлиб, ундан 5 таси киши номлари, 35 та туркий, 23 та арабча-форсча сўзлардир. Айрим ғазалларида бу нисбат яна ҳам ортиб бориши қўлланган арабча-форсча сўзлар ҳам шу давр шунингдек ҳозирги давр ўкувчилигига тушунарлидир. Қуйидаги ғазалга диққат қилинг:

Келди ул вақтки башымны алыб кетгэймен
Алам ичрэ айағым етгэничэ етгэймен.
Истэрэм өзни азиз элгэ көрүнмәсликтин
Нечэ өзүмни улус көзида хāр этгэймен?
Халқ йўз жавр илә ишләр бугарур кāш элниң
Не йўзин көргемену не сөзин эшитгэймен
Ҳар сары барса бу девाना көнүл, айб этмәс
Ойла девाना эмәским аны беркитгэймен.
Демә Бабурга нетэрсен баш алыб кетмәкни
Тангрининг хости мундақ эсэ мен нетгэймен?

Кўриниб турибдики, бу ғазалдаги барча сўзлар алоҳида изоҳга муҳтож эмас. Шу жиҳатдан «Бобурнома» асари тили ҳам характерлидир.

«Бобурнома»нинг 14 га яқин қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги XVII-XVIII асрларда кўчирилганнидир. Булар ҳозир Ленинград, Калькутта, Ҳайдаробод, Лондон каби шаҳарларда сакланади. Унинг бир нусхаси 1737 йилда кўчирилган бўлиб, шу нусха асосида 1875 йилда Н.Ильминский Қозонда нашр қилди. Ҳайдаробод нусхаси асосида инглиз олими А.Бевериж 1905 йилда Лондонда асарни нашр қилган. «Бобурнома»нинг Қозон ва Лондон нусхалари асосида 1948-49, 1960 ва 1965 йилларда графикасида нашр этилди.

«Бобурнома» XVI аср прозасининг нодир ёдгорлиги бўлиб, факат XVI аср бошлари даги тарихий воқеаларни тўғри акс эттириш жиҳатидангина қимматли бўлиб қолмай, у ўша даврдаги ўзбек тилининг хусусиятини

кўрсатиб берувчи манба ҳамдир. З.М.Бобур бу асар орқали халқ жонли тилининг бойликларини чукур ўрганиб ва эгаллаб олганлигани, адабий тилни халқ жонли тилига яқинлаштириш учун ҳаракат қилганлигини кўрамиз. Бунда у халқ оғзаки ижодига хос мақол ва ибораларни кўплаб қўллади. Масалан, *Душман не демәс, тушига не кирмәс. Деҳ кажсу, дарахишон кужсо?* Ва бошқалар.

Бобур тилининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, ифоданинг ихчамлиги, соддалиги ва равонлигидир. Бунинг учун у сўзларни танлаб ишлатишга оз сўз билан қўпроқ фикрни баён этишга ҳаракат қилди. Ўзбек тилининг сўз бойлигидан ижодий фойдаланиб, ундаги синоним, омоним ва антоним сўзлардан кенг ва ўринли фойдаланди.

Бобур асарида содда гапни қўпроқ қўллади. қўлланган қўшма гаплар ҳам тузилишига қўра содда гапларга ўхшаш бўлиб, осонлик билан таркибий компонентларга ажралади. Масалан,

Тā анда еткунча, менинг билән секиз киши қалын эди ва х.о.

Бобур бадиий маҳорат ва услуб жиҳатдан эмас, балки тил фактларидан фойдаланиш масалаларида ҳам Навоий традицияларидан давом эттириди. Булар қуйидагиларда қўринади:

1.Бобур ҳам арабча-форсча сўзларни ўз асарларида маълум мақсадда-ифода кучини ошириш, поэтик таъсиранликни кучайтириш мақсадида қўллаган.

2.Навоий воситаларига амал қилиб, туркий тил имкониятларидан яна ҳам кенгроқ фойдаланди ва халқ, тилида айрим бор тил фактларини адабий тилга олиб кирди. Улар тубандагилардир;

а) —*лар* аффикси феъл олдидаги сифатларда келтирилди. Бу эса шу сифат маъносини кучайтирилишини таъминлади.

Өзга тофанг андазлар атмаққа көрсәтиб йаҳшылар атдылар.

б) -*тадан* аффикси тақсим сон ҳосил қилинди.

г) белгилаш олмошларидан тугал, бор (борча) сўзлари қўлланди ва х.о.

д) *дагы, ва, ё, -ки* каби боғловчилари кенг қўлланди ва х.о.

3.Навоий каби уйғур тилига хос бўлган -*гу* аффиксидан фойдаланди: *келгум, келгуси* ва х.о. Бунда ҳам у ижодий фойдаланиб, унинг мураккаб формаларини - *гулик, -гусиз, -гудек* каби сўз ясовчи аффикслар ҳосил қилди.

«Бобурнома» лексикаси ҳам жуда бой унда хайвонот олами, табиат ҳодисалари, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид кўплаб лексик элементларни учратиш мумкин.

Бобур асарида кўп учрайдиган сўзлар қуйидагилардир: *йавуқ (яқин), черик (аскар), қабамақ (қамамоқ), илик (қўл), улус (халқ), қазақлық (дарбадарлик), қасаба (шаҳарча)* ва х.о.

Шундай қилиб, Бобур лирикада туркий сузларни кўплаб қўллаб, ўқувчилар диққатини ўзига жалб қилган бўлса, «Бобурнома» асари билан ўзбек бадиий прозаси соҳасида етарли тажрибага эга бўлмаган бир даврда проза тилида катта муваффакиятларни қўлга киритди.

«Шайбонийнома» XVI аср адабиёти ва тилининг нодир ёдгорлигидир. Бу асар автори Муҳаммад Солих эса ўз замонасининг энг маърифатли кишиларидан бўлиши билан бирга талантли шоири ҳам бўлган. У ўз ижодини ғазаллар ёзиш билан бошлади. Лекин унинг ғазаллари бизгача етиб келмаган. Достон 76 бобдан иборат бўлиб, 4456 байтдан ташкил топган. Достоннинг 1-боби муножот, 15 боби лирик чекинишлар ва қолган 60 боби эса тарихий воқеаларга бағищланган. Поэманинг бошқа достонлардан фарқи шундаки, бунда асар асосига афсонавий воқеа ва ҳодисалар эмас, балки шоир ўз кўзи билан кўрган воқеалар олинган.

«Шайбонийнома»нинг қўллётма нусхалари қўп эмас. Ҳозиргacha 1510 йилда Қосим исмли котиб томонидан кўчирилган Вена нусхасидан фойдаланиб келинмоқда. Шу нусха асосида 1885 йилда Вамбери достонни Венада немисча таржимаси билан нашр қилдирди. Вамбери нашри асосида П.М.Мелибронский 1904 йилда Петербургда иккинчи марта чоп қилди. П.М.Мелибронский нашри асосида баъзи аниқликлар билан ҳозирги ўзбек графикасида нашр қилди.

«Шайбонийнома» тилида ўзбек адабий тили бойликларининг барча томонлари кўринади.

Навоий традицияларидан унумли фойдаланган Муҳаммад Солих адабий тилни ҳалқ жонли тилида қўлланаётган грамматик ва лексик элементлар ҳисобига бойитди.

У тилдаги синонимлардан мақсадга мувофиқ фойдаланди. Масалан, *душиман* сўзи — хасм, жсов, адув, ёги; ҳалқ сўзи — улус, эл, раият каби синонимлар билан берилган.

Муҳаммад Солих қўйидаги тил элементларини адабий тилга олиб келди; 1. Жамловчи сон -ала аффикси билан ҳосил қилинган;

Машварат эйләдиләр төртэләси

Фикрини сайладылар төртэләси. (157-бет)

2. Буйруқ феълининг иккинчи шахс бирлипша -зыл — гил аффикслари қўлланди:

3. Буйруқ-истак майли биринчи шахс кўплигига -али, -алин аффикси қўлланди: *кечали, алали, алалын*.

4. Кўмакчилардан қат(ы), үзә, теги каби сўзлар қўлланди:

5. Сингармонизмнинг лаб гармонияси тури 2 бўғиндан кейин ҳам

қўлланади:

Йўғурӯшуб ҳар сарыдан еттиләр
Қорым ағзыда мақам эттиләр. (252)

М.Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарига лексик жиҳатдан ёндошсак, у ўз асарида форсча-арабча сўзларни озроқ ишлатишга, мумкин қадар жонли тилдаги сўзларни кўпроқ ишлатишга ҳаракат қилганини кўрамиз. Достонда истеъмолдан чиқа бошлаган, бадиий адабиётда сийрак учрайдиган қуидаги сўзларни учратамиз, *об ага* (*бобо*), *абага* (*амаки*), *қабқа* (*дарвоза*), *йағ* (*душиман*).

Мазкур достон орқали майший соҳага, ҳарбий техникага ва бошқа соҳаларга сўз ва терминлар ўзбек адабий тилига кириб келди. Масалан, қурол номлари - *сағыт*, *дубулға*, *маңлайлыйқ*, *занубанд*; жангчилар туродиган жой номлари - *пешхана*, *сарапарда*, *баваржихана*, *шамиёна*; от-улов номлари - *қўтос*, *ежисиши*, *убчин*; май идиши номлари - *кўраки*, *машраба*; мато номлари - *жожса*, *алоча*; палос номлари — *деба*, *гали*, *мафраш*, *намади шатранжисп*; уруғ ва қабила номлари - *бурқут*, *манғит*, *найман*, *дўрмон*, *ўтун*, *жалойир*, *қорлик*, *сулдуз*, *нукуз* ва бошқалар.

Умуман, Мұхаммад Солиҳ Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тили тараққиёти учун кураш йўлини давом эттирган шоирлардан биридир.

XIV-XVI АСРЛАР АДАБИЙ ТИЛИДА АРАБЧА, ФОРСЧА СЎЗЛАР

Академик В.Радлов эски ўзбек тили, чигатой тили, усмонли турк тили каби туркий, араб ва форс элементларининг аралашувидан ҳосил бўлган сувний бир тил деган фикрни илгари суради.

Маълумки бундай элементларнинг шу давр адабий тилида мавжуд бўлиши турли тарихий шароитлар билан боғлиқдир. Албатта, бунга сабаб форс-тоҷик адабиёти билан ўзбек адабиётининг яқинлиги булди. Шу туфайли XIV асрнинг 2-ярми ва XV асрдан бошлаб қадимги туркий сўзлар замона талабларига мувофиқ арабча ва форсча сўзлар билан алмаштирилади. Бундан табиий кўпчиликни диний-илоҳий тушунчалар ифодаси бўлган сўзлар ташкил қиласи: *иди-эга*, *худо*, *алла*, *таоло*; *учмакжсаннат*, *бехишит*, *тамуг-дўзах* кабилар.

Қадимги туркий сўзларнимг арабча-форсча сўзлар билан алмаштирилиши диний тушунчалар доирасида эмас, балки ҳаётий сўзлар доирасида ҳам юз берган: *балық-шаҳар*, *асиг-файда*, *ачун-дунё*, *ирин-лаб* ва х.о.

Ўзбек тили ўзининг шаклланиши ва ривожланиши процессида қадим замонлардан бўён Ўзбекистон тарихи билан тақдир боғлаб келган кўпгина тиллар билан муносабатда бўлиб келди. Шу процессда алоқадор тиллардан зарурий сўз ва иборалар ўзбек тилининг лугат составига келиб қўшилди.

Ўрта Осиёning ва Ўзбекистоннинг шўролар тузуми давригача қабул қилинган сўзларнинг асосий қисмини араб, форс-тоҷик тилидан олинган сўзлар ташкил қиласи. Бу

сўз ва иборалар ҳамда улар билан боғлиқ ҳолда кириб келган айрим грамматик формалар замонлар ўтиши билан ўзбек тилининг туб элементлари қаторига ўтиб кеггандир. Араб ва форс тилларининг таъсир доираси айниқса XV асрда кучайди. Маълумки, ўзбеклар ўратасида феодал муносабатларнинг ривожланиб бориши ва у билан боғлиқ бўлган моддий ва маънавий ҳаётнинг ривожланиб бориши арабча ва форсча сўз, ибораларнинг тилга кириб келиши учун кенг йўл очиб берди. Тожик ва ўзбек адабиётининг ўзаро яқинлик муносабати ўзбек тилидаги бадиий адабиётнинг мисли кўринмаган даражада ривож топиши, ўзбек классик адабиётининг туғилиши ва тараққий этиши билан арабча ва форсча сўзлар ўзбек тилида кенг ва чукур илдиз ёйиб келди. Ўзбек адабий тилида бу ҳол XIV асрдан бошлаб ХУ-ХҮ1 асрларда очикроқ кўринди. Худди шу даврга келиб форсий тили деб аталган эски тожик адабий тили ва адабиёти ўзбек саводхонлари орасида кенг тарқалди, шуҳрат қозонди. Бу ҳол ўзбек адабиётига таъсир қиласдан қолмади. Араб тилининг поэтик элементлари ҳам ўзбек тилига тожик тили орқали кириб келди. Ўзбек тилида ёзилган ёдгорликларнинг сюжет ва жанрига қараб уларнинг лугат состави ҳар хил бўлган. Баъзи ёдгорликлар тилида арабча ва тожикча сўзлар 95 фоиз ва ундан ортиқ эди. Лекин улар грамматик структура жиҳатидан шубҳасиз ўзбек тилининг қонуниятларига бўйсинар эди. Шунинг учун ҳам уларни ўзбек тили ёдгорлиги деб юритилади. Бундай ҳодисани поэтик асарлар тилида учратиш мумкин. Масалан Навоийнинг;

Ҳарāрат жонима ул āташин лаъл āхгарындынтур
Аңа таскин ҳам из равзасының кавсариндинтур
Сачыңың тийра шāмыдан йузүң субҳыда йол тапмақ
Бинāгўшуң дағы дурри табафрӯз ахтарындынтур.
Тахурā бāдасы дерлэр эрур жāнбахшу руқафзā
Магарким чачыны ул майға лаълың сағарындынтур.

Юқоридаги уч байтда 33 та сўз формаси қатнашган бўлиб, шундан 9 тасигина туркий (ўзбекча) колганлари эса арабча-форсча сўзлардир.

Атойидан олинган қўйидаги 2 байтда эса сўзларнинг деярли барчаси арабча-форсчадир.

Дилрабā лаълин шарāби āб кавсадин латиф
Қāматинг нақли дағы сарву санубардин латиф
Сарҳаи хуснунг қашыда мунфаил аврāқи гул
Нуқтаи хāлың абири мушки анбардин латиф.

Бунда факат дағи, қош, ҳол сўзларигина ўзбекчадир.

Шу даврда ижод этган ўзбек шоирларининг баъзи асарлари тили ҳам юқоридагидан қолишмайди. Ҳатто ўзбек тилининг ҳимоячиси сифатида ном чиқарган Навоий ҳам араб, форс-тожик сўз - ибораларни маълум сабаб ва шароитларга кўра кўп ишлатгандир.

Шу давр адабий тилида араб, форс-тожик сўз ва ибораларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлатиб юборилганлиги ўзбек тилининг камбағал вав маълум тушунчаларни ифодалай олиш имкониятига эга бўлмаган тил эканлигани билдирамайди.

Ўзбек тили араб ва форс-тожик тилларидек мураккаб тушунчаларни ифода қилиш имкониятига эга бўлган тиллардан бўлган. Лекин бу тил замонасига кўра адабий-бадиий жиҳатдан, илмий терминология жиҳатдан ишланмаган эди. Маълум тушунчаларни ифода қилувчи сўз ва ифодалар ўзбек тилида мавжуд бўлишига қарамасдан хорижий тиллардан сўз ва иборалар, илмий тушунчаларни билдирувчи терминлар қабул қилинган. Бунинг ўзига яраша тарихий сабаблари мавжуд. Маълумки, араб тили асрлар мобайнида факат ислом динининг тили бўлиб қолмасдан, балки мусулмон шарқида фан ҳамда маданият билан ҳам бўлган. Араб тилида асрлар мобайнида ишланган ва илмий жиҳатдан силлиқланган тайёр терминлардан ўзбек шоирлари ва маданият арбоблари фойдаланганлар. Арабча илмий термин, сўз-ибораларни ўзбек тилида ёзилган илмий, фалсафий, тарихий, адабий-бадиий асарлар тилида кенг қўлланилган. Шу сўз ва терминлардан Навоий ҳам кенг фойдаланган. Навоийнинг кўпчилик асарлар номи ҳам арабча берилган. Бунинг ўзига хос сабаби бор. Биринчидан, Навоий томонидан мавжуд традициянинг сақланиши бўлса, 2-си ўзбек тилида яратилган асарларига кўпчилик дикқатини жалб этиш билан боғлиқ.

Ўзбек тилининг мураккаб тушунчаларни ифода қила олиш қудратига эга эканлиги Навоийнинг «Муҳокамат-ул-луғатайн асарида кенг исботлаб берилган.

Ёзув ёдгорликларида форс-тожик ва араб тиллари маданияти меросига ёндашиш ва улардан фойдаланиш принциплари турлича бўлган. Бу принциплар шоир ва ёзувчиларнинг ижтимоий ҳаёт тараққиётидаги тутган ўрни ва йўлларига қараб ҳамда асарларининг жанр ва услубларига қараб ҳар хил шаклга эга бўлган. Шоир ва ёзувчилар асарларида араб ва форс сўзларини ўринсиз ишлатган ўринлари ва ғоят даражада ажнабий тил элементларига меҳр қўйиб юборган ўринлар ҳам учрайди. Бундай ҳол айниқса диний асарлар учун характерлидир. Прогрессив адиблар араб ва форс тиллари меросидан ҳар доим ижодий фойдаланиш учун интилганлар. Шу хилдаги интилишлар ўзбек адабий тилининг бойиб, мукаммаллашиб келиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ўзбек адабий тили ўзининг шаклланиш ва ривожланиш процессида араб ва форс-тожик тилларидан қанчалик кўплаб сўз ва иборалар олиб келган бўлмасин, лекин у шу билан бирга ўзининг туб хусусиятини йўқотиб юбормади, балки ўзининг грамматик структурасини ва асосий лугат фондини саклаш билан бирга асрлар давомида тарихий боғлиқ ҳолда ва изчиллиқда тараққий этиб келди. Прогрессив шоирлар ва ёзувчилар ҳамда умуман маданият арбобларининг улкан тарихий хизматлари туфайли бошқа тиллар адабий меросидан ижодий фойдаланиб, улардан олинган намуналар туфайли узлуксиз

бойиб, ривожланиб келди.

Савол ва топшириқлар:

1. XVI аср адабий ёдгорликларида Алишер Навоий анъанаси қайси адибларнинг ижодида акс эттирилган?
2. Бобур асарлари тилининг характерли хусусиятлари нималардан иборат?
3. Мухаммад Солих достонининг тил хусусиятлари нималардан иборат?

Таянч тушунчалар:

Анъана – аждодлардан мерос бўлиб қолган ҳатти-ҳаракатларни авлодлар томонидан давом эттирилиши. Масалан, қорахонийлар даврида яратилган адабий тил анъанаси XIV асрнинг биринчи ярмигача давом эттирилди. Яъни чигиллар диалектига хос д’лашиш хусусиятини бу XIV асрдан I чи ярми ёзма ёдгорликларида учратишимииз мумкин.

Ибора – икки ёки ундан ортиқ сўздан ташкил топган ва яхлит бир маъно ифодалайдиган тил бирлиги ибора дейилади.

Мунишаот – арабча сўз бўлиб, ёзишма, мактуб деган маънони билдиради.

8 - МАВЗУ

XVII-XIX АСРЛАРДА АДАБИЙ ТИЛ

Режса:

1. XVII-XIX асрлардаги ижтимоий сиёсий аҳвол.
- 2 XVII-XIX асрларда яратилган адабий манбаларда Алишер Навоий аъанасининг давом этирилиши.

3. Бу даврнинг диалектал мураккаблиги.
4. Бу давр адабий тилининг демократлашуви.
5. Ижодкорлар асарларининг тил хусусиятлари.

Ўзаро феодал урушлар, Бухоро ва Хева хонликларининг Эрон давлати билан урушга мамлакатда иқтисодий ва маданий тушкунликни янада кескинлаштирар эди. Шунинг учун ҳам бу даврда ижод этган шоир ва ёзувчиларнинг асарларида меҳнаткаш омманинг жабр кўришлари ўзининг аксини топган эди. Бу давр шуниси билан характерлики, унда бадиий стилда ҳажвия стили кенг кўлланишда бўлди.

Бу даврнинг адабий тили маҳаллий шеваларга таянган ҳолда ривожланди. XVII-XIX асрлардаги ўзбек адабий тилини ўрганишда ўша даврда яратилган тарих асарлари, тазкиралар, шоирларнинг ижодлари асосий

манбаа бўлади.

Иқтисодий ва маданий ҳаётдаги тушкунликка қарамасдан XII-XIX асрларда қатор тарих, география, фалсафа, тил, адабиёт ва бошқа соҳаларга доир асарлар яратилди. Булар орасида Сайд Муҳаммад Тохир бин Абулқосимнинг «Ажойиб-ут-тақобат» номли географик асари, Абулқосим бин Саъдулла ал-Хусайннинг «Натойиж-ул-фикр» тарихий китоби, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турқ», «Шажараи Тарокима», Мухаммад Яроқчининг «Муҳит-ут-тавориҳ», Шермуҳаммад Убайдийнинг «Убайдулланома», Муниснинг «Фирдавс-ул-иқбол», Мухаммад Хокисорнинг «Мунтаҳаб-ал-луғат», М.Меқдиҳоннинг «Санглоқ « асарлари юзага келдики, буларнинг ҳаммаси ўзбек тилидаги адабий ҳаракатчиликнинг давом этиб келганлигини кўрсатади.

XVII-XIX асрлар абдий тилини ўрганишда мазкур даврларда яшаб ижод этган шоирлар ижоди қам етарли манбаа бўлади. Бу давр адабий тилини ривожлантиришда Турди Фароғий, Нишотий, Бобораҳим Машраб, Махмур, Гулханий, Баҳодирхон Мунис, Абулғози Баҳодирхон, Оғаҳий, Ферузлар муносиб ҳисса кўшдилар.

Бу ижодкорлар асарлари тилида Навоий анъанаси билан бирга, ғарбий адабий тил шакллари ҳам учрайди. Бу Фузулий шеърияти тилининг таъсири натижасида пайдо бўлган.

Бу давр демократик шоир ва ёзувчилар ижодида умум ўзбек адабий тили традицияси мустаҳкамланиб, мукаммаллашиб келди. Бунинг ёрқин далилини Турди асарларида кўрамиз.

ТУРДИ АСАРЛАРИНИНГ ТИЛ ВА УСЛУБИ

Шоир Турди XVII асрнинг охирида Бухорода ижод этган демократик тенденциядаги адабиётнинг йирик намояндасидир. Турди ижодида сатира асосий ўринни эгаллайди.

Маълумки, сатира жанрида ижод этиш маълум даражада шоирдан кўтаринки услубдан воз кечиб, ҳалқ жонли тилига хос услубда асар яратишни талаб қиласиди. Шу туфайли ҳам Турди шеърларида ҳалқ тилида қўлланадиган лексика кўплаб акс этган. Масалан, «Субхонқулихон тўғрисида ҳажвия» шеърида оғзаки нутққа хос бўлган *кўр*, *кўппак*, *қумалоқ*, *қирчону* ва бошқа сўзлар қўлланган. Шу шеърдан олинган қуйидаги парчада бунинг исботи кўринади:

Едингиз барчангиз итдек фуқаронинг этини,
Касб илә мāлын алыб, қоймадингиз битини,
Қамчылар дағ салыб буганға, тилиб битини
Йардыңыз захрāсыны (ичидан) алыб өтини
Болмады кам бу раият башыдан ҳеч тайақ.

Бу банддаги шеърда ҳам *едингиз, итдек, этини, молин, битини, буйунга, тилиб, таёқ* каби сўзлар оғзаки нутққа хос сўзлардир.

Халқ жонли тилига хос хусусиятлар фақат лексикада эмас, балки морфологияда ҳам кўринади. Масалан, ўтган замон феълининг II шахс кўплигида (кўймадингизлар) кўпликнинг икки марта қўшилиши, шаҳар шеваларидаидек мен олмошига —га аффикси кўшилгач, менга тарзида талаффуз қилиниши, *изладим* феълининг шеваларда айтилганидек, *истадим* варианти ҳам кўлланган.

Не айақ, не башыға етдим, сарāпā истәдим,
Қайадым икки йолның ортасыда ҳамрāҳ истәдим.

Турди шеърларида халқ жонли тили хусусиятлари билан бирга, ғарбий тилларнинг таъсирини ҳам кўрамиз. Албатта, бунда улуғ озарбайжон шоири Фузулийнинг асарларидан илҳомланган бўлса керак. Шу таъсир натижасида айрим сўзларда, кўпинча сўзнинг бошнда келувчи *t* товуши *đ* га ўтади.

Фитна шўр ҳама илә маскун дутди
Хублар маснадини сифла билан дун дутди.

Ўғуз тилларида кўлланадиган чўх (кўп) сўзидан фойдаланган:
Туфрāғда жāн битсә, равāдур, не ажаб гүл
Мух сарви сихл этди ниҳāн көзләри шаҳлā.

Ўғуз тилларига хос жўналиш келишиги (-a/ə аффикси) формасида (Етмадим ҳеч ера бу қофия паймолигдин), ўтган замон аниқ феълининг биринчи шахс бирлигининг-диман (Ёт мандин ким булур яхши замонлар кўрдиман) аффикси билан ҳосил қилинишида, ҳозирги-келаси замон феълининг *-ман*, (Била олмон бу дудаул рахши Рустам ё паризод) аффикси билан, сифатдошнинг *-ан* (Барча бўйнига салан бу риштани қат этмади) аффикси билан ҳосил қилинишида, ҳаракат номига жўналиш келишиги аффикси кўшилганда, унда фонетик ўзгариш юз беришида (Зарни жам айламага хирсу ҳаво беш тутуб; юзини кўрмага ҳасратда бўлдум эшитиб номи) кўринади.

Шундай қилиб, Турди бир томондан улуғ Навоий традицияларини давом эттирган бўлса, иккинчи томондан Озарбайжон шоири Фузулий ижодидан таъсирланди.

Шу туфайли адабий тилда Алишер Навоий анъаналарини сақлаган бўлса, иккинчи томондан ўғуз тили элементларидан фойдаланди.

АБУЛҒОЗИ БАҲОДИРХОН АСАРЛАРИНИНГ ТИЛ ВА УСЛУБИ

XVII-XIX асрларда яратилган асарларда икки хил тенденция мавжуд эди. Биринчи тенденция шундан иборатки, унда Алишер Навоий ижодига эргашиш туфайли бадиий асарларда кўтаринки услугб сақланган эди. Тўғри,

бундай услубда оғзаки нутқ ёки жонли сўзлашув тили элеменлари ҳам кенг кўлланган. Иккинчи тенденцияда эса тарихий, таълимий асарлар тилида диалектларнинг адабий тилга бўлган таъсири янада кучайган. Шу жиҳатдан Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарларининг тили характерлидир.

«Шажараи тарокима» асари туркман халқи тарихига бағишиланган. Унда афсоналар ҳам кўп ўринни эгаллаган.

«Шажараи турк» асарида ёритилган маълумот учта тематикага бўлинади:

1. Диний характердаги Одам ато ҳақидаги афсоналар.
2. Ўғуз-туркманларнинг Ўғуз ҳақидаги маълумотлари.

3. Реал асосга эга бўлган, лекин афсонавий тарзда етиб келган воқеалар.

Абулғози Баҳодирхон асарлари тилида адабий тилнинг соддалаштирилгани кўринади. Бунинг ўзига яраша сабаби бор. Тарих асарларини ёзган, айниқса, ҳукмдор оиласдан чикқан, муаллифлар феодализмни мангу тузум деб, халқли ҳукмдорларга итоат эттириш учун асарни халқ тушунадиган тилда ёзишга ҳаракат қиласар эдилар. Шунинг учун ҳам Абулғози ўзининг тарих асарлари бошқа тарихлардан фарқли эканини таъкидлаб, қуидагиларни ёзади: «Барча билингки, биздин бурун туркий тарих айтқанлар арабий лугатларны қошиб туурлар ва туркийни ҳам сажъ қылышб туурлар. Узларининг хунарлари ва устазларыны халққа маълум қылмақ учун. Биз мунларнинг ҳеч кайсысны қылмадук, анинг учунким, бу китобны ўқуғучы ва тынглағучи, албатта, турк болғусы туур: бас, туркларга туркона айтмак керак, то уларнинг барчасы фаҳм қылғайлар». «Шажараи тарокима»дан олинган бу фикрни «Шажараи турк» дан олинган қуидаги парча яна ҳам ойдинлаштиради: «Ҳамма улуғлар, ҳам оддий кишилар тушунсан теб, мен бу тарихни туркий тили била айтдим. Туркийни ҳам андоқ айтубменким, беш яшар ўғлон ҳам тушунур. Тушунуш осон бўлсан теб, мен чигатой туркисиндин, форсича ва арабчадин бир дона ҳам сўз қўшмадим ».

Ҳақиқатан ҳам, Абулғози асарларининг тилини кузатар эканмиз, унда санъаткорларча бадиий қайта ишланган халқ сўзлашув тилининг намунасини кўрамиз. Асарда арабча сўзларга нисбатан туркий сўзлар кўп ўринни эгаллаган. Унда улкән, битмәк, улус, йалавач (*пайҳамбар*), тилмәч, ушақ (*майдада*) чарламақ, көрклук, кент, болук (*бўлим*) каби туркий сўзлар кўлланган.

Асарлар фонетикасида қуидагилар кўзга ташланади:

Сўз бошидаги *d* -*t* га ўтади: *дегән-тегән*, *деб-теб*, *дедик-тедук*.

Баъзи ўринларда сўз бошида й-ж га ўтади : *йов-жав*, *йўл-жўл*

(Хоразмда жамловчи ўғуз шевалари мавжуд бўлганлиги).

-қ, -к ундоши билан тугаган 2 бўғинли сўзларга эгалик аффикси кўшилганда г улардаги қ товуши г га ўтмайди:

Айақы агрыб йатур. Эшики йапық.

Асарлар морфологиясида эса тубандаги хусусиятлар кўзга ташланади: -чи сўз ясовчига нисбатан -жи варианти кўп қўлланган: *элчи, теваҗи*.

Соннинг тартиб сон тури - ланчы аффикси билан ҳосил қилинган: *бешләнчи, етиләнчи, түкүзланчы*.

Келишик формаларининг барчаси қўлланишда бўлган.

Характерли хусусият шундаки, тушум келишигининг -н/ин//ын аффикси билан ҳосил қилинган формаси ҳам қайд қилинади: *кочларын (хотинларин) ва келинләрин чақириб..*, Маълумки, бундай қўлланиш асосан поэзия жанрига ҳосдир.

III шахс кишилик олмош ан, улар алар тарзида қўлланган.

Буйруқ-истак майлиниң 1 шахс кўплиги *-алың//али*

Аффикси билан ҳосил қилинган. *Эмди шах; Маликни айталинг. Уртни бузали тесалар.*

Шундай қилиб, Абулғози асарларида адабий тил сўзлашув тилини яқинлаштиришга ҳаракат қилди ва унинг асари адабий тилда халқ тили элементларининг мустаҳкамланиши учун муносиб қисса бўлиб қўшилди.

МУНИС АСАРЛАРИНИНГ ТИЛ ВА УСЛУБИ

XVII-XIX асрлар адабий тилининг тараққиётида, унинг жонли сўзлашув тили хлсобига бойиб боришида Бобораҳим Машраб (1657-1711), Вафоий (ҳаёти ва фаолияти ҳақида тўла маълумот йўқ), Муҳаммадризо Огаҳий, Паҳлавонқули Равнақ, Муҳаммадниёз Нишотий, Мужрим-Обид, Шермуҳаммад каби шоир ва ёзувчиларнинг роли каттадир. Шундан биз Мунис, Гулханий ва Махмур асарларининг тил хусусиятлари билан танишамиз.

Муниснинг лирик шеърлари девон сифатида тўпланган бўлиб у «Мунис-ул-ушшоқ» деб аталади. Шунингдек, у «Фирдавс-ул-иқбол» тарихий асарининг ҳамда педагогика ва тилшуносликка оид «Саводи таълим» рисоласининг муаллифидир. Мунис Мирхондинг «Равзат-ус-сафо» асарини ўзбек тилига таржима ҳам қилган.

Мунис адабиётида ва адабий тил нормаларини сақлашда Навоий традицияларига амал қиласди. Шунинг учун ҳам у Навоийни ўзига пир, устод деб билади:

Сөз ичрэ Навайики, жаҳангирдуур

Мунисға мааний йолыда пир дуур.

Ҳар бир прогрессив ёзувчи ва шоирларда бўлганидек, Мунис ўз ижодиётида Навоий традицияларини давом эттирас экан, адабий тилни халқ сўзлашув нутқи ҳисобига бойитиб борди.

Мунис Хоразмий асарларида халқ сўзлашув тилида мавжуд бўлган лексик бойликлардан усталик билан фойдаланди. Унинг тилида умоч, атала, танг, ланг, павгон, тақир-туқур, шакур-шуқур, қабағ, тапуқ, қопу, эвур, эврулай эвурди, йугоруса, юрумоқ, батар каби сўзлар қўлланган. Шоир шеъриятида кўтаринки руҳни сақлаш мақсадида маъни кишиварин (*маъно вилояти), (ахли дониш, гули-гулишан, оташи ишиқинг, ганжи ҳусн, гули латиф, меҳроби тарҳ, (қайрияма гоши учун қурилган бино), мотоми ошуфта (ошиқ мотами) каби изофали бирикмалардан ҳам фойдаланди.

Мунис асарларидаги грамматик формалар асосан ўша давр нормаларига мувофиқ келади. Айрим аффикс варианtlаридагана фарқлар сезилади. Масалан, қаратқич келишиги —нунг тарзида учрайди:

Муниндек өзүнси хазин қылма көп

Күнгул мәтамидин ғамын қылма көп.

Умуман, келишик аффиксларининг барча сингармонистик варианtlари учрайди.

Мунис шеърларида боғловчилардан лек, ва лекин, вар каби боғловчилари қўлланган.

Лек сендин көрүб басе ихлāс

Сени бу хизмат ичрэ қылдуқ хāс.

Валекин чархи дунпарвар қыллыб лаҳза йўз бедад

Вужудимны этибдўр хāк йанглығ мумкини накбат.

Вар йаҳшы туғулмаса қаламлар

Шак йоқки йаман тушулар рақамлар.

Мунис асарларида ўғуз тили элементлари ҳам қўплаб қўлланган.

1.Буюк Навоий традициясига эргашиш туфайли;

2.Шермуҳаммад Муниснинг ўзи ўғуз шеваси вакили бўлиши туфайли.

3.Улуғ Озарбайжон шоири Фузулийнинг ижодидан илҳомланиш туфайли унинг асарларига кириб келгандир.

Унинг шеърларида сифатдошнинг -мии аффикси билан ифодаланган тури қайд қилинади:

Ҳамеша башым урармен йолынг сары санамā

Магарки ишқ аро болмиш мен элга қибланамā.

Шуни айтиш керакки, -мии аффиксининг олган сўз унинг асарларида

ўтган замон феъли маъносида ҳам қўлланган:

Роза бисёр мени таң этмиш (этди)

Баданим суст, айағым лаң этмиш.

Бўл сўзининг ўғуз тилларига хос ўл варианти ҳам қўлланган:

Ҳар сөзки көнгўлдин олды мавжуд

Хат болмаса, болғай эрди нāбуд.

Ёки:

Шайхлар кандидин олдым тангдил

Лутф илә бол дилкушо, эй муғбача.

Навоий ва Бобур асарларида учраганидек, ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсизи -мон аффикси билан ифодаланган:

Бā вужуди маҳрумият тапмышам маҳрумлик

Ҳар нечэ қылсам жаамул билман аның илләтин.

Мунис асарларидаги арабча-форсча сўзларнинг қўлланишида Навоий ва Бобур традициясига амал қилганини кўрамиз. Мунис томонидан қўлланган арабча, форсча-тожикча сўзлар Навоий ва Бобур асарларида қайд қилинган сўзлардир. Лекин улардан Мунис ўз ўрнида ва мақсадга мувофиқ фойдаланган Туркий сўзлардан фойдаланиш яъни ундан қофия, радиф сифатида фойдаланишда Лутфий ижодининг таъсири кўринади. Масалан,

Тез этар жāнāн ғамы ишқым отыны қозгалаб

Қайдуур ул отға бир-бир устухāнимни қалаб.

Ёки:

Жāнымға урдунг ӣаташи ишқынг туташтуруб,

Йақтынг сонгакларимни ул отға қалаштуруб.

Ёки:

Ултуурлар мени ҳар дам көзу қашы талашыб

Тиргузурлар икки жāн баҳш дудāғы йарашибы.

Келтирилган байтлардаги қофияларда туркий сўзлар иштирок этган. Мунис ҳатто ундов ва тақлидий сўзлардан ҳам қофия сифатида фойдаланган.

Фирāқың шиддатидин көзләримдин қан ақар тим-тим,

Көриб аны рақиби кинавар ҳар дам күләр қах-қах.

Чекар завқи сихи қаддинг билә қумры фифāн ку-ку

Тузар шавқи гули рўйың билә булбул навā чақ-чақ.

Кўринадики, ўзбек адабий тили имкониятлари Мунис ижодида кенг кулоч ёйди.

ГУЛХАНИЙ АСАРЛАРИНИНГ ТИЛ ВА УСЛУБИ

Ўзбек адабий тили тараққиётининг XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги ҳолатини Гулханий асарлари орқали ўрганамиз. Гулханий шоир сифатида бир неча ғазаллар ва XVIII аср охирининг прозаси намунаси бўлган «Зарбулмасал» асарининг муаллифидир. Унинг ғазалларида тематикаси ва тилида аввалги шоир ва ёзувчилар традицияси сақланган ҳолда, унда ўзуз элементлари нисбатан кенгрок ўрин эгаллаган. Масалан,

I шахс ҳозирги-келаси замон феълида ўтузча хусусият сезилади.

Белу ағзыдын нишāн гар биз сари мў десәләр,

Эйлэрәм инкāр иқrāр этмәдим дāрын көрүн.

Сифатдош бўлишсиздан сўнг -з аффикси билан ҳосил қилинган:

Көнгүл өзудәдур дунйаға арзи эҳтиёж этмәз

Тариқат салики, бу йолда майли издивāж этмаз.

Шарт майли -за аффикси билан ҳосил қилинган.

Айрим сўзлардан фонетик жиҳатдан озарбайжон тилига хос хусусият кўринади:

Қаю bemāra лаълидин шифā вермиш масих ācā

Надин ул шўх англаб, Гулханий, дардинг илāж этмәз.

«Зарбулмасал» асари ўша давр прозасининг намунаси бўлиши билан бирга, фольклор материалларидан фойдаланиб ёзилганлиги учун ҳам, ҳалқ тилининг адабий тилга яқинлаштиришга хизмат қилган асарлардандир.

Гулханий «Зарбулмасал» асарида ҳалқ оғзаки ижодига бўлган сўзлар билан бирга унинг услуби ва бадиий воситаларини ҳам сақлаб қолди. Булар қуидаги ҳолатларда кўринади:

1. Зарбулмасал»нинг айрим ҳикоялари ҳалқ оғзаки ижодига бўлган сўзлар билан бошланади: «Бор эрди Фарғонада бир сарбāн» (Туя билан бўталок), «Илгарги айёмда икки кабутар бор эрди» (Бозонда ва Навозанда).

2. Оммавий жанр бўлган мақоллардан ўринли фойдаланган.

Асада икки тилдан (ўзбек, тожик) мақоллар келтирилиб боради ва бу мақоллар асар мазмунига усталик билан сингдириб борилади.

Асад тилида жонли тилга хос бўлган қуидаги хусусиятларни қўрамиз:

1. Қараткич ва тушум бир хил кўрсаткич билан ифодаланган ўринлар мавжуд:

Ҳосили умри эди ул байны

Аты гунашбону ошал байни.

2. -қ билан тугаган сўзларга III шахс эгалик аффикси қўшилганда, негизидаги шу ундошлар жарангламайди: *Фарāсат айақы ақсақ қызынъ ашиқыга берди*.

3. Адабий тилда қўлланиб келинган *ечмақ*, *чечмақ*, тарзида қўлланган: «*Яна бир масал борки: Эр башига ши тушса, өтук чечмәй сув кечәр*».

4. Жонли тилга хос бўлган —тургон аффикси қўлланган: *ҳамият ҳимматини даржӯши келтуруб, ярим хазина динāр, йуз тева, уч йуз қарамал, уч йуз йылқы, беш йуз қой ва қызынъи баш-көзи йасала турган қалынны жамлаб...*

5. Жонли тилда бўлган *итәрчи* (*ит бокувчи*: «*Ит қигонни иторчи қилмас*»), *йавуқ* (*узоқ*), *сунмақ* (*таклиф қилмоқ*): «*Соқийи тушибароқлар пиёла суна бошлидилар*», «*Бурноги (аввалги)лар масалидурки*».

Шунингдек «Зарбулмасал»да халқ ўртасида кенг қўлланадиган *тева, така, айран, сапал, қатқақ, бурундуқ, тайлақ, қўнақ, ақсақ, йантак, боқақ, кулба, курк тавуқ, тутав, сачбағ, тушав, бўйдақ, каби сўзлар ишлатилган*.

6. Оғзаки нутқда кўп қўлланиладиган фразеологик бирикмалардан фойдаланган: *ағзыны бир бурчидин чекар.. Жан сатыб өзин уйин этарди тан. Ағыз аига етгәндә бурни қанаган, хāс тарбузны қолтугуңга алма ва бошқалар*.

«Зарбулмасал»да қўлланган бошқа тил элементлари аввалги сўз усталари асарларида ишлатилиб келган грамматик ва лексик элементларга мувофиқ келади.

Асарда форс-тоҷик ва араб сўzlари ҳам ана шу давр традициясига кўра қўллангандир. Гулханий асарларида стил талабларига мувофиқ синоним сўзлардан унумли фойдаланган: *ғам-ғусса-андуҳ, აсмāн-көк-фалак, ҳалқ-улус-эл, исм-ат, йолдаш-ҳамрāҳ, нāма-хат, ай-қамар, ăфтāб-қуяши-шамс-хуришид, чайан-акраб, тараф-жониб, йуз-āраз-жамāл, дарё-наҳр* ва бошқалар.

Демак, Гулханий жонли тилнинг лексик ва грамматик имкониятларидан кенг фойдаланди. Сарой аристократ ёзувчилари эса жонли тилдаги қатор оддий сўз ва ибораларни қўллашдан бош тортиб сарой адабиётининг мураккаб, оғир тил ва давом эттирган бир вақтда Гулханийнинг жонли тил элементларини кенг қўллаши дунёвий адабиётнинг ҳамда шу билан ўзбек адабий тилининг бойишида улкан аҳамиятга эга бўлди.

МАХМУРНИНГ САТИРИК АСАРЛАРИ ТИЛИ ВА СТИЛИ

Махмур ўзининг хажвий асарлари билан инқилобгача бўлган ўзбек адабий тилидаги сатирик оқимни ривожлантириди. Махмурнинг ҳажвиётига мурожаат қилиш бежиз эмас. Чунки халқнинг ачинарли хаёт кечиришини, қишлоқ ва шаҳарларнинг харобага айланиб боришини кўрган шоирнинг газаби ошган эди. Ана шу ғазаблари «Муножон ба даргоҳи қозијол ҳржот»

(худо даргохида ёлвориш), «Ҳапалак», «Таърифи валояти қурама» каби сатирик асарларида ўз аксини топди.

Аввал айтганимиздек, Сатира жанрида ижод этиш санъаткордан бадиий тил воситаларидан усталик билан фойдаланиб сатира остига олинаётган образ тилини индивидуаллаштиришда жонли тил элементларидан унумли фойдаланишни тақозо қиласы.

Маълумки, классик шеъриятимиз учун кўтаринки услугуб характерли. Сатирада эса шеърдаги кўтаринқиликни сақлаш билан биргаликда, барча учун тушунарли бўлган услугуни яратиш талаб қилинади. Худди шу талаб Махмур сатирасида амалга оширилган. Индивидуал тил ва образ яратиш учун Махмур айrim шеваларга хос бўлган сўзлардан фойдаланади: *қыса-қылса, бома-болма, қыган-қылган, кегай-келгай, босам-болсам, йанылмадым-йанмадым, айылмадым-айрлмадым*. Ундан ташқари кенг халқ оммасида қўлланиб, омма китобий услугуга киритилмаган сўз ва ибораларни қўплаб ишлатади. Масалан, *каталак, камалак, катак, капа, алачуқ, ертўла, ажсириқ, ўгуру, сумалак, биёбান, алматурткўз, кўппак, буруши (бурод), ялак, тубак* ва бошқалар. Мисоллар:

Халқыны көрсөн агар өләси-йу қақу ҳарāб,

Ачлығыдын эгилиб қаматы мисли камалак.

Ажырығ тамырыны оғурыда майда туюб

Қайнатыб күндэ ичәр, атыны дерләр сумалак.

Махмур сатирасида адабий тил нормаларидан четга чиқиши ҳоллари ҳам сезилади. Масалан, «Муножот» сатирасида шундай мисралар бор:

Амри-наҳыйинг рāхи бāтил узрэ эрмиш йадымыз

Кеча у кундуз сифатингдур бизи арзакимиз.

«Авсофи лоуболи ўратепаги» сатирасида:

Хисаби журмими билсэг Шумарি чоҳ қумдын

Гунा�ҳдин сорсанг санги ҳарадин афзун.

Шунингдек, шоир услубида баъзан на ўзбекча, на тоҷикча англаниши қийин конструкциялар, луғатсиз тушунилиши қийин бўлган сўзлар учрайди. Улар кўпчиликни ташкил этмайди.

Шундай қилиб, XIX асрнинг 1-ярмида Кўқон хонлигига яшаб ижод этган, прогрессив ўзбек адабиётининг вакилларидан бири бўлган Махмур ўзининг мероси, хусусан сатирик асарлари билан ўзбек адабиётининг, ўзбек адабий тилининг тараққиётига муносиб ҳисса қўши.

НИШОТИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИДА НАВОИЙ АНЪАНАСИННИНГ ДАВОМ ЭТТИРИЛИШИ

Мұхаммадниәз Нишотий XVIII асрда етишган истеъдодли лирик ва эпик шоирдир. У адабиётдагина әмас, балқи адабий тил соҳасида ҳам Алишер Навоий анаънасини давом эттиради.

Нишотийнинг ижтимоий - сиёсий фикр ва мулоҳазалари «Ҳусну Дил» достонида ўз ифодасини топди. Бу асар шоир тилини ўрганишда мухим манба хисобланади.

Нишотий ўз достонини ҳалқ оғзаки ижодидан усталик билан фойдаланган ҳолда ёзди. Ҳалқ оғзаки ижодидаги қолиплаш усулидан фойдаланиб, унинг ичига таълимий тарздаги бир қанча масалаларни киритди. Улар Нишотий тилининг содда ҳалқ тилига яқинлашишига олиб келди.

«Қусну Дил» достонининг тили мумтоз эпик шеърият услуби билан чамбарчас боғлиқдир. Бундан ташқари, достоннинг айрим боблари қофияланган наср услубида ёзилган. Масалан: «ҳусни дилнавәз, вафәбанум сәхіб әъзәз ва нәзи таннәз, гамзаи, гаммәз гесуи фусунсәз ва маҳлиқәи айнапардәз ва шаҳтакаяуми сөхрпарвәра ва меҳрибәнуи басөзу гудаз, қаматсардәри баландпарвәз, сарви сарафрәз, яъни фауди сәхибининг... хизматга таййар әдилар».

Нишотий ҳалқ оғзаки ижоди услубига әргашди, достон тилини ҳам оммабоп қилишига интилди. Шунинг учун ҳалқ мақоллари, ҳикматли сўзлари ва ибораларини асар мисралари мазмунига усталик билан сингдирди.

Нишотий ўз асарларида ҳалқ мақолларидан фойдаланаар экан, улардан илҳомланиб, ўзи ҳам ҳалқ мақоллари даражасида иборалар ижод қиласи:

Тойу аза хуш турур ахбаб илә,
Шадийу ғам ҳам йана атраб или.

Нишотий ўз асарининг мумкин қадар содда, маъноли, равон ва образли бўлиши учун ҳалқ тили унсурларидан усталик билан фойдаланиб, оригинал ўхшатиш, истиора, киноя, муболага, сифатлаш, мажоз ва қарама - қарши қўйиш усулларини қўллади. Масалан:

Болды айân турфа китали кабир,
Корқусысыдин ташлады ҳамлāны Шер.

Шоир бу мисрада ишқ лашкари билан ақл навкари ўртасидаги жанг тасвирини берар экан, урушнинг шиддатидан Шер ҳам қўрқиб, ўз қорнидаги ҳомиласини ташлаб қўйди, деб муболага қиласи. Шоир достонида омоним сўзлардан ҳам ўринли фойдаланади. Бир сўз билан бир неча маънени ифодалашга ҳаракат қиласи:

Йуз узә чуруқ йағач эрди бурун,
Хар йера барса, барбан ул бурун.

Бу парчада биринчи мисрадаги «бурун» сўзи одам аъзоларидан бири маъносида, иккинчи мисрада аввал, илгари маъносидадир.

XVII - XVIII асрларнинг бошқа шоир-ёзувчиларида бўлгани каби Нишотийнинг «Хусну Дил» достонида ҳам маҳаллий шеваларга хос хусусиятлар учрайди. Достон тилида Бухоро ва Хоразм шеваларига хос сўз ва иборалар ҳамда грамматик унсурлар топилади. Масалан, *марги нав муборак, ҳиммати сипаҳдар, ҳусни дилнавоз, Нази Танназ* кабилар.

Нишотий асарлари тилида морфологик жиҳатдан қўйидаги хусусиятларни учратиш мумкин.

«Хусну Дил» достонида турланиш категорияси ҳозирги ўзбек тилига ўхшайди. Аммо қаратқич келишигининг қўшимчаси *-ниң, -н* шаклида ишлатилади.

Аршынг астыда эрур ганжи раз ...

Қаматинг ағушига қылды нигāҳ...

Тушум келишиги қўшимчаси *-ны/-ни, -ы/-и* шаклида, чиқиш келишиги қўшимчаси *—дын/-дин* шаклида келади:

Қорқусыдын ташлады ҳамланы Шер,

Келтурунг ақли деди кишварситан.

Навоий ва Фузулий асарларида бўлгани каби Нишотий асарида жўналиш келишиги қўшимчаси *—га/-а* тарзида ишлатилади:

Ҳар бирига нам эди бир эҳтирам,

Ҳар йера барса, барыбан ул бурун.

Олмошлар Нишотий асарлари тилида ҳозирги ўзбек тилидаги олмошларга ўхшайди. Учинчи шахс кишилик олмошлари ул, *ан* тарзида, шунингдек, *қайу сўроқ* олмоши, *нимарса, кимарса* сўроқ-гумон олмошлари ишлатилади:

Ҳар не йоқ, андын йаман, андыш йаман –

Парвариш айлар аны айвāн ара,

Вах қайу айванки дилу жāн ара.

Нишотий тилида равиш *-лик* аффикси билан ҳосил қилинади. Равишдош эса *—ибан* аффикси орқали ифодаланади:

Талпыныбан ойлаки сувсыз балық,

Жāн йоқ эди анга бугун таңлалық.

Ёрдамчи сўзлардан билан, бирла, ила дағы каби қўмакчилар; *Ким, -ки, гар, агар, не, лек* каби боғловчилар ишлатилади. Боғловчилардан на Нишотий достони тилида кўп қўлланади:

Анда на завқу, на ҳузуру, на нур...

Анда на илму, на амал, на йақин...

«Хусну Дил» достони лексикасида улус, *кабир*, *қапу* (эшик), *гулгула*, *валвала*, *дази*, *карам* каби сўзлар учрайди.

Мазкур асар XVIII аср ўзбек достончилигидагина эмас, балки ўша давр ўзбек адабий тили тарихида ҳам ўрин эгаллаган ажойиб шеърий қисса ҳисобланади.

XVII - XVIII асрлардаги илғор адабиётнинг ўсиб, камол топишида халқ оғзаки ижодининг роли катта бўлди. Адабий тилда эса халқ тили унсурлари, шева хусусиятлари ўз ифодасини топди. Халқнинг бой оғзаки адабий меросидан, тил бойлигидан таъсирланиш натижасида ўша давр шоирлари тилида фразеологик иборалар, *турғун* бирикмалар кўплаб ишлатила бошланди. Бу билан улар ўз асарларининг халқчилигини, реалистик экалигини исботлаганлар.

Савол ва топшириқлар:

1. XVII-XIX асрлардаги ижтимоий сиёсий аҳвол ҳақида тарих фанидан нималарни биласиз?
2. XVII-XIX асрларда яратилган қайси адабий манбаларда Алишер Навоий анъанасининг давом эттирилган?
3. Бу даврнинг диалектал мураккаблиги нимадан иборат?
4. Бу давр адабий тилининг демократлашуви деганда нимани тушунасиз?
5. XVII-XIX асрларда ижод қилган шоир ва ёзувчиларнинг қандай асарларини биласиз?

9-МАВЗУ

ЯНГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИБ БОРИШИ ШАРОИТЛАРИДА ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ТАКОМИЛЛАШИШ ХАРАКТЕРИ

Режса:

1. Ўзбек халқи адабий тилининг сўнгги даври:
 - a) XIX асрнинг 60-тилларидан 1905 йилларгача бўлган адабиёти;
 - б) 1905 йилдан инқилобгача бўлган давр;
2. Бу давр ўзбек халқ адабий тилининг бойии манбалари.
3. Ўзбек адабий тилига газета ва публицистик услубларнинг кириб келиши.
4. Умуммиллий тилни яратиш соҳасидаги уринишлар: пантуркизм,

панисломизм.

5. Бу давр ижодкорлари асарларининг тил хусусиятлари, услублари.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидағи ўзбек адабий тилига тарихий характеристика.

Бу даврдаги адабий тил Ўрта Осиёning чор Россияси томонидан босиб олиниши билан юз берган тарихий шароитда тараққий этди. Чор Россияси босиб олган ўлкалардаги хом-ашё манбаларидан тўлиқ фойдаланиш ва шу бойликларни ўз фойдасига ҳал қилиш учун қатор тадбирларни кўриш керак эди. Шу тадбирлар мамлакат ҳаётида иқтисодий ва маданий хусусиятдаги ўзгаришларни киритиш билан боғлик эди. Шу иқтисодий проблемани ҳал қилиш учун мамлакатда катта ва кичик хажмдаги ишчи корхоналар (пахтачилик билан боғлик, бўлган фабрика ва заводлар), Ўрта Осиёни Россия билан боғлайдиган Темир йўл, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун сунъий ирригация иншоатларини қуриш каби тадбирлар амалга оширилиши лозим эди. Буларнинг ҳаммаси Чоризмнинг колониал сиёсатини ташкил қиласи эди. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатда аста-секин турли кўринишдаги ишчи корхоналари пайдо бўлди. Темир йўл қурилди. Эски шаҳарлар ёнида янги типдаги шаҳарлар қад кўтарди. Шаҳар ва қишлоқлар ҳаёти ўзгара бошлади. Буларнинг ҳаммаси ўзбек ҳалқининг ҳаётида объектив равишда прогрессив аҳамиятга ҳам молик бўлди. Шу асосда ўзбек орасига янги маданий элементлари кириб келди. Ҳалқимиз рус ва улар орқали Европа маданияти билан танишиш имкониятига эга бўлди. Булар эса ўз навбатида миллий ишчилар синфининг вужудга келишига замин яратди. Мамлакатнинг тарихи, этнографияси илмий асосда ўрганила бошлади. Босиб олган ўлкалардаги ҳалқларни қуллиқда сақлаш, реакцион урф-одатларга хайриҳохлик кўрсатиш, балки уларни тарбиялаш, ҳар қандай озодлик ҳаракатини бўғиши, ҳалқ орасида шовинистик туйғуларини туғдириш ва тарбиялаш кабилар Чоризм сиёсатининг ғоявий асосларини ташкил қиласи эди. Чоризм сиёсатининг иқтисодий асослари билан ғоявий асослари ўртасидаги зиддият шу даврдаги бутун зиддиятларни келтириб чиқарап эди. Мол-мулқдан ажралган, меҳнат кучини сотган миллий пролетариат, улар кучидан фойдаланган ва бойиган миллий буржуазия, қишлоқда ер сувдан ажралган батраклар ва улар ҳисобига бойиб борган миллий қулоқлардан иборат янга социал гуруҳлар вужудга келди. Ҳаётий курашда бутун социал табақалар иштирок этдилар. Бу кураш ва озодлик интилишлари айникса 1905 йилги революциясининг таъсири остида янада жадаллашди. Бу даврда тош босмаларнинг вужудга келиши билан ўзбек тилидаги вақтли матбуот пайдо бўлди. 1870 йилнинг 28 апрелдан ўзбек тилида 1-марта «Туркистон вилоятининг газети» деган газета нашр қилина бошлади. У Туркистон генерал-губернаторининг органи бўлиб, унинг сиёсатини тарқатар эди.

Россия билан Ўрта Осиё революцион ҳаракатнинг ўсиши натижасида янгача сиёсий-лексика ва терминология ҳамда рус тили таъсирида янгача

граммтик конструкциялар пайдо бўлди. Бу ҳол Ҳамза ва С.Айнийнинг дастлабки асарларида, М.Беҳбудий асарларида ҳам мавжуддир.

Адабиёт ва вақтли матбуотдаги даврнинг турли таъсир кучини ҳисобга олиб юқорида кўрсатилган асарлардаги адабий тилни икки даврга бўлиши мумкин:

1.XIX асрнинг 60 йилларидан 1905 йилги революциясигача бўлган даврдаги ўзбек адабий тили:

2.1905 дан Октябрь социалистик революциясигача бўлган даврдаги ўзбек адабий тили.

ЎРТА ОСИЁНИНГ ЧОР РОССИЯСИ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНГАНИДАН 1905 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДАГИ ЎЗБЕК

АДАБИЙ ТИЛИ

Ўрта Осиёning Россияга қўшиб олиниши чекка ўлкаларда яшаган миллатлар ва элатлар шу жумладан ўзбек халқининг ҳам рус маданияти ва адабиётидан баҳраманд бўлишида ижобий роль ўйнади. Бу даврда иккита адабиёт-реакцион ва прогрессив-демократик адабиёти ўсади ва тараққий этди. Даврнинг адабий тилига диққат қилсак,, ундаги ўзгариш ва бурилиш аввало лексикада қўринади. XIX асрнинг II ярмида сўз санъаткорлари янги тушунчаларни ифодалаш учун рус тилига, маҳаллий шеваларга ва ўзбек адабий тилининг ички имкониятларига мурожаат қилдилар.

Сўз танлаш ва ижод қилишда ўша даврда уч манбага асосланиб иш тутдилар.. Улар қўйидагилардир:

1.Ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари асосида яратилган сўзлар ҳисобига адабий тил бойиди. Маълумки, жамиятда пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бундай сўзларнинг бир қисмини семантик неологизмлар ташкил этади. Рус маданияти ва фани билан боғлиқ кириб келган тушунчалар қўйидагича ифода қилинган:

а) Русча тушунчаларнинг маъносини бериш учун ўзбек тилида аввалдан бўлган сўзлар мослаштирилган. Масалан, Жаҳоннома география маъносида, манзил (*Т.З.Г*)-станция маъносида, босмахона-тиография, табиб-врач, нииён (*Т.В.Г*)-орден.

б) Рус тилидаги терминларни колька қилиш орқали янги тушунчалар ифода қилинган: похвальная громата-таърифнома, амбулаторная - табибхона, управитель — бошқарувчи, железная дорога — темир йўл, белый царь — оқ пошио, повестка - чақирув қоғози, керосин - ер ёғи, штраф - жарима пули, ручка - пўлод қалам, поезд - оташ арава, пороход - оташ кема.

2.Халқ жонли тилидан фойдаланиб, адабий тилни бойитдилар, Бу давр сўз санъаткорлари XIX асрнинг 1-ярмида яшаб ижод этган Махмур, Гулханий традицияларини давом эттириб, «авомча» ҳисобланган халқ тилидан фойдаланиб адабий тилнинг бойишига хизмат қилдилар.

Профессор Каримов таъкидлаганидек, адабиётнинг жонли тилга интилиши ва унинг хазинасидан самарали фойдаланиши бу адабиётнинг ҳаётга яқинлашаётганидан, реализмга қараб интилганидан далолат беради. Ҳақиқатан ҳам, демократик адабиётда реализмнинг ғалаба қилаётганлиги адабий тил тараққиётида ҳам, унинг лексик составида ҳам кўриниб туради. Шундай экан, демократик адабиёт вакилларининг асарларида жонли сўзлашув тилига хос бўлган сўзларни кўплаб топиш мумкин. Масалан, *бўзчи, косов, безгак, пахса, лой, арава* ва бошқалар.

3.Адабий тил рус тилининг ҳисобига бойиди. «Туркистон вилояти газети» да маҳаллий зиёлилар айрим асар ва мақолаларни рус тилидан таржима қилиб нашр қила бошладилар. Бунда кўпгина русча сўзлар ўз ҳолича қабул қилинди. Бундан ташқари маданий ва сиёсий ҳаётдаги бошқа ўзгаришлар рус тилидаги сўзларнинг ўзбек тилига ўзлашишига олиб келди.

Шу даврдаги прогрессив-демократ шоир ва ёзувчилар асарларида «Туркистон вилояти газети» саҳифаларида қуйидаги соҳаларга оид русча ва рус тили орқали кирган сўзлар кўлланган:

1. Ижтимоий-сиёсий, ҳарбий-полиция режими билан боғлиқ бўлган сўзлар: *уезд, волость, дума, пристав, консул, солдат, торъма, штраф, генерал, губернатор*.

2. Транспортга оид сўзлар: *поезд, вагон, коляска, вокзал, станция*.

3. Почта ва телеграф билан боғлиқ бўлган сўзлар: *почта, телеграф, адрес, марка, конверт*.

4. Саноат ва молия ишлари билан боғлиқ сўзлар: *завод, фабрика, купеџ, магазин, банк, венсель*.

5. Фан ва маданият билан боғлиқ сўзлар: *гимназия, театр, музыка, музей, газета*.

6. Медицинага оид сўзлар: *гоститаль, доктор, лазарет, фельдшер*.

7. Суд ишларига оид сўзлар: *судья, закун*.

8. Хужжат ва мукофотларга оид сўзлар: *билет, паспорт, орден, медаль*.

9. Уй-хўжалик предметлари номлари: *самовар, стол, стул, патнис, талинка, лампа, фонуз, печь, калиш, дран, ситец*.

10. Ўлчов бирликлари номлари: *пуд, сажен, вершон, минут*.

11. Озиқ-овқатга доир сўзлар: *пиво, квас, лимонад, кофе, конфет, картошка, сухари*.

12.Этник ва топономик номлар: *Москва, Россия, инглиз, француз, рус*.

Бу даврдаги рус тилидан ўзбек тилига сўз қабул қилиниши асосий сабаби шундан иборатки, маданий турмушда бир қанча янгиликлар пайдо бўлди. Бундай тушунчаларни ифодалаш учун ўзбек тилида сўз йўқ эди. Шунинг

учун рус тилидан тўғридан-тўғри сўз қабул қилганлар.

XIX асрнинг II-ярмида рус тилидан ўзлашгаи сўзларнинг бир қисми аслида туркий сўзлардир: Улар янгича маъно ва баъзи фонетик ўзгаришлар билан қабул қилинган. Буларга *товар*, *истиҳāн*, *карандаши* (*қалам*) *бояр*, *бек*, *башмак*, *колпак*, *каблук*, *чулан*, *черак*, *деньги*, *караул*, *ярлық*, *кабак* ва х.о. Ўзлашган сўзлар ичида этимологик жиҳатдан арабча ва Европанинг бошқа мамлакатлари тилларига оид сўзлар ҳам бор.

Юқоридаги каби сўзларнинг аксарият қисми жонли сўзлашув нутқи орқали ва вақтли матбуот орқали ўзбек тилига кириб келган.

Турли тилдаги таржималар фақат рус тилидан эмас, балки форс-тожик тилидан ҳам бўлди. Айниқса бу даврда Бедил ижоди билан қизикиш ва унга эргашиш кучайган эди. Шу туфайли демократик шоирлар зуллисонайнликни давом эттиради. Натижада классик адабиётда форс-тожикча, арабча лексик ва грамматик элементлардан фойдаланиш традицияси ҳам давом эттирилди.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРАҚҚИЁТИДА МУҚИМИЙ ИЖОДИННИНГ РОЛИ

XIX асрнинг 2-ярми ва XX аср бошида яшаб ижод этган Ўзбек демократик шоирлари Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтарларнинг асарлари ўзининг ғоявий мазмундорлигидан ташқари, тилининг соддалиги ва равонлиги билан ҳам феодал-сарой адабиётига мансуб бўлган реакцион шоирлардан ажралиб туради. Демократик шоирлар ўз асарларининг оммага тушунарли бўлишига ва унга тезроқ бориб етишига катта аҳамият бердилар. Адабий тилни жонли тилга яқинлаштиришга, жонли тил элементларидан фойдаланиб, адабий тилни бойитишга интилдилар.

Ўзбек адабий тили кўп асрлик традицияга эга бўлиб, у А.Навоий томонидан шакллантирилган ва ривожлантирилган эди. Бироқ замонлар ўтиши билан Навоий тилидаги айrim формалар ўзгариб эскира бошлади. Муқимий асарлари тили Навоий тилининг эски ўзбек адабий тилининг давоми ҳисобланса-да, ундан кўп жиҳатлари билан фарқ қиласди. Бу фарқ асос-эътибори билан тилдаги халқчилликда кўринади.

Муқимий меҳнаткаш омма ҳаётидан фақат тема, сюжетнигина олмади, балки шу билан бирга битмас-туганмас манба бўлган халқ тилидан ҳам унумли фойдаланди. Бу жиҳатдан унинг сатирик асарлари тили характерлидир.

Муқимий асарлари тилидаги халқчиллик халқнинг жонли тилига хос бўлган кичрайтиш, эркалаш каби маъноларни ифода қилувчи сўз формаларини кўллашда кўринади.

Зулфу қәкилчәләри йўзгинәсигә тушган

Анга охшарки, тутар айгынаны ҳāлагина.

Сүз туркумларидан от, сифат ва равишга -гина, - ча, аффиксларини қўшиш орқали юқоридаги маъноларни ифода қилишга эришган.

Муқимий жуда ҳам ранг-баранг бўлган жонли сўзлашув тили воситаларидан усталик билан фойдаланди ва адабий тилни янги сўзлар, фразеологик бирикмалар билан бойитди. Бундай сўз ва иборалардан қуидагиларни кўриш мумкин: «Ётқызыб тилсәң банāгāҳ қарныдан ықмас алиф», «қойды сایыл каби нечэ хил нāн», «қайсы күн ҳажсдан келди болды расвāбаччагар», «Коча дарбāза той куни занжир», «занчалиги», рудāпа, дагулы «солазы чыққан», «луччак», «ҳангу манг», «носу банг».

Шоир сатираси лирикасида халқ сўзлашув тилига оид қатор сўзларни учратиш мумкинки, уларнинг эквиваленти шу давргача адабий тилда бўлган эмас. Масалан, халқ сўзлашув тилида «сдача» маъносида «колғич» сўзи ишлатилган. Шу сўз Муқимийда қўлланган:

Āшықыдын чойхўрини бехабар қалғыч олур,
Эмди болмыш ит, агар чандики илгәри кийик.

Пақир сўзи (чақа пул маъносида).

Сатар олсаң, өзим баҳā қойсам,
Бир мири ату бир пақыр араванг.

Таг, жой сўзи.

Мағрур хасису бешу кам,
Ҳар ганда гоз ичкай қасам,
Таг жāй алур махāвдин ҳам,
Ҳажи өзи мурдāр экан.

Муқимий сатиralарида баъзи сўзлар қўчма маънода қўлланиб, адабий тилдаги маъно хусусиятларига нисбатан алоҳида образлиликка ва экспрессив бўёқка эга эканлиги билан ажралиб туради. Мисоллар:

Тойга өзи тухумдин хāтин демәди,
Аччығыдын атасы аш емәди.
Якка нафсимга гадāлығ әйләсәм, андағ эмәс,
Жўжаси көп қып-қызыл дегэн: қаны дон?» кўсамен
Ичкәриси бирлә ҳам эмди таваккал гап есәнг
Эрләри орныга шалд xāтуныдын тегсә гап.

Юқоридаги байтлардаги тухум сўзи қариндош-урұғ, жўжа- бола-чака, ичкари-хотин-қиз, аёл маъносида қўллангандир.

Муқимий асарларида жонли тилга хос лексик элементларигина эмас, балки фонетик хусусиятлари ҳам акс этган: Мисоллар

Ногоҳ кайфи учкай келса агар тарохлаб

Ичкан гижаҳи бўлса қўкнор, ароба курсун.

Илоҳи сахла шарридин, Муқимийга жияндур бу

Баҳаққи чориёру хурмати пайғамбарон, безгач.

Бу фонетик ҳодиса Фарғона водийси шевалари учун характерлидир.

Муқимий ижодида сўзлашув тилида бўлган *енг учида, өпкәнни бас, көзгэ бизи илмәгэй, аши мисали табақда көз йашы, чанги чықды* каби фразеологик бирикмалардан унумли фойдаланган.

Муқимий асарларида -зор аффикси жонли тилдагидек шахс отларига ҳам қўшилиб келган:

Етдим ул оқшом ғам ютуб,

Дашти қаракчызар экэн.

Муқимий асарлари тили эски ўзбек тилининг давомидир. Муқимий асарлари тилида классик шоирларда учровчи лексик элементлар, грамматик формаларни учратиш мумкин. Навоий ва бошқа классиклар лексикасида қатнашган сўзлар Муқимий лирикасидан ҳам ўрин олган.

Унинг асарлари грамматик курилишида эса Навоий тилида қайд қилинган барча формалар учрайди.

МУҚИМИЙ ТИЛИГА РУС ТИЛИНИНГ ТАЪСИРИ

Муқимиининг сатирик асарларида 32 та от туркумига, 2 та сифат, биттадан равиш, юклама ва феъл туркумига оид қўлланган.

Бунда от туркумига оид сўзнинг кўпроқ бўлиши бир тилдаги иккинчи тилга предмет билан бирга кириб келган сўзларнинг ўзлашишини қўрсатади.

Муқимий асарлари тилига рус сўzlари асосан оғзаки нутқ орқали кириб келган. Чунки рус тили ва рус тили орқали кирган сўзлар шу даврда қандай талаффуз қилинган бўлса, шундайлигича олинган. Масалан, *ўрус, кантур, завут, купес, чут(счёт), уез, полиска (полиция), пуржина, класка, пристун, калуши, мешин, тиён (пьяний) дохтур, vogun, бўлис, иштирон, закун, закалат (заклад), дабирнас*.

Рус тилидан қабул қилинган баъзи сўзлар маъноси кенгайтирилган. Масалан, *вагун* сўзи поезд маъносига қўлланган:

Суръат илак хайр улусдин етиб

Борлиғи ҳам хайрият улди воғун.

Самовар сўзи чойхона маъносига қўлланган:

Такялаб чарлар, самовару оқар сув хуш ҳаво.

Мунча ҳам сероб экан, обод олдинг охуним.

Муқимий рус тилидан кирган айрим сўзларда ўзбекча сўз ясовчи аффикслар қўшиб янги сўзлар ҳосил қилган:

Мошиначига беруб, тиктирганда барвақт

Совуқ ҳаво, Муқимий ожиз, ямон, афандим.

Шундай сўзларга тилиграфчи, пуржинали каби сўзларни ҳам келтириш мумкин.

Русча сўзлардан шахс нутқини индивидуаллаштириш мақсадида ҳам фойдаланган. Бундай мақсадда *сейчас, дуррак, пажалиста, пошол, пиёниста* каби сўзларни қўллаган.

Топиб мардиктрини-сейчас юринг

Пожалиста- дер эди-эмди туриңг.

Муқимий томонидан қўлланган русча сўзларнинг айримлари ҳозирги тилимизда адабий тил нормасига айланган бўлса, айримлари кабул қилинган эмас.

ФУРҚАТНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИ

Фурқат Ўрта Осиёning Россияга қўшилиши натижасида туғилган янги тарихий ижтимоий онгнинг прогрессив характерини адабиётда тарғиб қилган ижодкорлардан ва ўзбек адабий тили тараққиётига муносиб ҳисса қўшган маърифатпарварлардан биридир.

Фурқатнинг ўзбек адабий тили тараққиётидаги аҳамияти шундаки, у демократик шоир сифатида бадиий адабий тил услугни сўзлашув нутқига яқинлаштиришга ҳаракат қилди.

Фурқат асарлари орқали адабий тилга неологизмларни олиб кирди. У адабий тилни янги лексиканинг семантик тушунчалари ва иборалар билан бойитишга интилади. Бадиий адабиёт тилида фан ва техниканинг тараққиёти, шунингдек ижтимоий-муносабатларнинг ўзгариши билан узвий боғлиқ бўлган янги тушунчаларни ифода қилувчи сўзларни қўллайди. Унинг поэзияси тилида лексик неологазмлар: *газета, доктор, завуд, закон, лампа, машина, саллот, телегром, пар (жуфт), перевод* каби сўзларни қўллайди.

Умумхалқ тили материали заминида вужудга келган семантик неологазмлар каби, Фурқат тилида анча маҳсулдордир. Шоир ўз давридаги янги тушунчаларни тўлиқ ифодалаш мақсадида умумхалқ тилида олдиндан истеъмол қилиниб келган сўзларни танлайди ва шу сўзлар асосида оригинал семантик неологазмларни яратди. Бундай семантик неологазмлар шоир тилида конкрет бир тушунчани англатиб, ўзининг дастлабки номинал маъносини анча ўзгартиради. Масалан, *авом* сўзи барча луғатларда изоҳланишига, оддий халқ

маъносини билдиради. Фурқат тилида эса бу сўз янги семантик хусусиятга эга бўлиб, жоҳил маъносини англатади.

Фурқат поэзиясида «оддий халқ» тушунчасидан ташқари илм-фан аҳлидаги юз ўгирувчи аристократия табақаси атрофидаги бир гуруҳ ярамас унсурлар ҳам ифодаланади.

Эсизким, бизнинг ўтмуш хону беглар
Кечиб ширатда зойи субҳи шоми:
Кетурмай ёниға бир ахли дониш,
Ўзига хос этиб неча авоми. (Гимназия).

Шу каби барқ, дору сўзларини ва «ишорат айламоқ» бирикмасида ҳам шундай ҳол кўринади. Барқ сўзининг луғавий маъноси чақмоқ бўлиб, муаллиф уни электр токи маъносида қўллайди. Дору сўзини эса электр токини юзага келтирувчи ёнилғи ёки шунга ўхшаш зарурий восита маъносида қўллайди. Маълумки, дору сўзи киши организмини соғлом қилувчи химик моддани билдиради. Фонус сўзи аслида арабча бўлиб, қўл фонарини англатган. Фурқат эса уни электр лампочкаси маъносида қўллаган:

Чунончи икки фонус ахли ҳикмат,
Ясабтурлар қилиб изҳор санъат.
Ёнар бефилта, бегугурт, бе ёғ
Анга бир сим ишорат айлагай чоғ.

(Тошкент шаҳридаги виставка хусусида).

Шу давр сўзлашув тилида эса фонус сўзи умуман чироқ маъносида қўлланган.

Булардан ташқари, Фурқат поэзиясида индивидуал-стилистик яъни автор томонидан яратилган, адабий тилда ҳам, сўзлашув тилида ҳам учрамайдиган ёхуд сийрак учрайдиган неологизмлар бор.

Масалан: *мақом* (одат), *мардумдорлик* (одамгарчилик), *чортан* (туртовлан), *жсангу ҳангома*, (мунозара), *арақ чекмоқ* (терламоқ), *сиҳатликка етишимоқ* (соғаймоқ) ва бошқалар.

Фурқатнинг ўзбек адабий тили, хусусан, бадиий адабиёт тили тарақкиётида тутган ўрни яна унинг рус халқи маданияти, айниқса, рус тилига бўлган муносабати билан ҳам белгиланади. Фурқат рус тилининг чуқур ҳаётий моҳиятини тўла тушунгач, ўз халқини ҳам бу тилни ўрганишга даъват қилди. Шу жиҳатдан, «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1892 йил 13-сонидаги унинг қўйидаги сўзлари характерлидир: «*Россия халқи хат ва лисон ўрганмоқа бизни таклиф қилса, муроди ёмон эмасдур. Балки мамлакат обод бўлиб, фуқаро ва раиялар осойишта бўлмоқларини хоҳлайдилар. Аз баски Россия*

халқи ҳамма вақт биз мусулмон халқининг давлатманد ва хурсанд бўлмогимизга қўшии қилудур».

Фурқат маърифатпарвар шоир сифатида рус тилини кундалик ҳаётдаги энг зарурий воситалардан бири ҳисоблаб, уни тарғиб қила бошлади. Ана шу муносабат билан ўзининг қатор шеърларида, айниқса 90-йилларда ёзган лиро-эпик шеърлари ва мактубларида ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаётнинг турли соҳаларига тегишли бўлган ва лексик-семантик жиҳатдан ўша даврда янги ҳисобланган рус интернационал сўзларни қўплаб ишлатади. Масалан, *адъютант*, зол, *мошина*, *медаль*, *музикон*, *фойтун*, *фабрикат*, *театр*, *ярманка*, *номер* ва ҳ.о.

Фурқат поэзиясида баъзи бир рус-интернационал сўзларнинг асл луғавий маъноси ўзгарган ҳолда ҳам учрайди.

Масалан, *музикантнинг* фонетик ўзгарган варианти *музикон* музика асбоблари маъносида қўлланган: «Чалинди анда ҳар хил музиконлар» (Акт мажлиси хусусида).

Айрим сўзлар, масалан, *мошина* сўзи сўзлашув тилидагидек, қўп маъноларда қўлланган. Мошина-ипок ишлаб чиқарадиган қуролни билдиради. Ипак мошинаси била тегирмон,

Кўп, анда айлади оламни ҳайрон.

Паровоз маъносида:

Яна мошинам оташ ароба

Турур ҳикмат тилсимоти масобя.

Пиларама маъносида:

Яна нажжур ишин осон қилурға,

Бўлиб мошиналар тахта тилурға. (Виставка хусусида).

Рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан қабул қилинган сўзларнинг максимал қисми олдин сўзлашув тилида кенг истеъмол қилинган, сўнг адабий тилда худди сўзлашув тилидаги каби фонетик, морфологик ва бошқа белгилари билан ишлатилган. Шунга ўхшашиб хусусиятлар Фурқат поэзияси тилида ҳам кўринади. Масалан, антракт ўрнига контракт, завод ўрнига завут, Франция ўрнига Франгистон ёки «мулки Франсус».

Фурқат рус сўзлари иштирокида янги сўз ва сўз бирикмалари ҳам хосил қилган: Бу қуйидагиларда кўринади:

1.Рус-интл сўзларга ўзбекча сўз ясовчи қўшимча қўшиш билан ясалган янги сўзлар: *номерлик*, *зовитчи*: қилдилар маҳсус *номерлик мақом* (Тошкент шаҳрида бўлган нота базми хусусида).

2.Русча ва ўзбекча сўзларнинг бирикувидан ясалган мураккаб феъллар:

перивои қилгон.

3.Русча-интернациоанлл сўзлар воситасида ҳосил бўлган аниқловчили бирикмалар:

Бўлиб вақти акт мажлиси соз,
Қилурға Русия расмини оғоз. (Акт мажлиси хус).
Ўн икки оғзи мошиналик тўп,
Ажойиб тўп яна андин булак қўп. (Виставка хус).

Фурқат лирикасида улуғ Навоий тарадицияларини давом эттирган бўлса, ижтимоий-сиёсий лирикасида, маърифатпарварликни ифода қилган асарларида ўзбек адабий тилини янги сўз ва маънолар билан бойитишда катта хизмат қилди.

ЗАВҚИЙ АСАРЛАРИНИНГ ТИЛ ВА УСЛУБИ

Убайдулла Солих ўғли Завқий ўзбек демократик адабиётининг машхур намояндадаридан биридир.

Завқий ўз услубида соддалик, равонликка эришиш мақсадида халқ оғзаки ижодидан самарали фойдаланди. У халқ оғзаки ижодига ҳос ибора ва мақолларни шеърий мисраларга сингдира билди:

Фарқ айламай яхши-ёмон,
Ким арпа-буғдой, ким самон.
Туҳмат ҳақоратлар ҳамон,
Не муддаосиз афандилар.

Завқий услубининг соддалиги унинг шеърлари халқ қўшиклари услубида ёзилганлигидадир. Масалан,

Кулфат тушиб бошиға,
Оғу тушиб ошиға.
Келмай киши қошиға,
Ақрону меҳрибонлар.

Бундай услубдан фойдаланганлиги туфайли Завқий асарларида жонли халқ тили элеменлари қўпдир.

Завқий ўз асарларида халқ тилига ҳос сўзлардангина фойдаланиб қолмай, унга ҳос бўлган сўз бирикмаларни ҳам қўллади:

Бу падар лаънат ҳаром ўлгур отим,
Ҳар қачонким, мен минар бўлсан касал.

Келтирилган мисоллардаги *падар лаънат, ҳаром ўлгур* бирикмалари

халқ сўзлашув тилига хосдир. Завқий тилининг Муқимий ва Фурқат тилидан фарқли томони шундаки, унда тил халқчиллиги, жонли халқ тили элементларини нисбатан қўп қўллаганлигидадир. Бундан ташқари Муқимий ва Фурқат асарларида бўлганидек, Завқий асарларида хам русча-интернационал сўзларни учратамиз.

Завқий асарларида *вексель, пойиз, вагун, каласка, журнал, тилгром, банка, бўлис, сиёз (сеъзд), приступ, большевик* каби рус ва рус тили орқали кирган сўзлар қайд қилинади.

Завқий рус тилидан юқоридаги каби фақат отларни эмас, балки сифат ва сўз бирикмаларни ҳам стилистик талаб асосида қўллади:

Кўр бўлмаса пул оқиб келурму,
Бу бадшакл, слепой дуракка,
Урусча мақтаса Завқий, хорошо
Жувон, пир, марду зон монанди шидур.

Умуман, Завқий ҳам ўз поэзияси билан ўзбек адабий тилини халқ тилига яқинлаштириди.

АВАЗ ЎТАР ЎҒЛИ АСАРЛАРИНИНГ ТИЛ ВА УСЛУБИ

Ўзбек демократик адабиётининг кўзга кўринган адиларидан ҳисобланган Аваз Ўтар ўғли асарлари билан ўзбек адабий тили равнақига муносиб ҳисса қўшди.

Барча демократик шоир ва ёзувчилар каби Аваз Ўтар ўғли ҳам буюк Алишер Навоий томонидан асосланган адабий тилни ривожлантиришга, давр талабига мос формалар ахтариб топиб, унинг тараққий этишида баракали хизмат қилди.

Аваз Ўтар давр талабига жавоб берадиган тил воситаларини халқ сўзлашув тилидан ўзбек адабий тилига олиб киришга ҳаракат қилди. Масалан, унинг шеърларида *зиндон, чора, ижара, шам, кулба* каби халқ тилида қўлланадиган сўзлар қўлланган. Бунинг ёрқин далили қуйидаги сатирик тўртликда кўринади:

Сипоҳи поро истар,
Мулла ижора истар
Бечора чора истар,
Бир чора замон борму?

Халқ сўзлашув тили хусусиятлари айrim морфологик белгиларда ҳам кўринади, Аваз Ўтар шеърларида ёзма асарлар тилига хос бўлган *ва* боғловчиси деярли қўлланмаган. Унинг асарларида ҳаракат номининг *-в//ув//ув* аффикси билан ҳосил қилинган формаси қайд қилинади. Шу жихатдан унинг

«Тил» деган ғазали характерлидир:

Хар тилни билув эмди бани одама жонdur
Тил воситай робитан оламиёнdur.
Ғайри тилини саъй қилинг билгали, ёшлар,
Ким илму ҳунарлар ривожи андин аёndur.
Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,
Билмакка ани ғайрат этинг, фойдали конdur.
Илму фан уйига юборинглар болангизни
Онда ўкуғонлар сори якton жаҳонdur.
Зор ўлмасун онлар доги тил билмай Аваздек,
Тил билмаганидин ани бағри тўла қонdir.

Халқ сўзлашув тилига хос яна қуидагилар Аваз Ўтар асарларида қайд қилинади.

1. Маълумки, мен олмоши эски ўзбек адабий тилида *е* товуши сақланади. Аваз Ўтар шеърларида эса оғзаки тилга (шевага) хос бўлган *a* товушига айланади:

Ох ким қилди фалак, айру диёrimдин мани
То йироқ солмоққа бир гулрух нигоримдин мани.
Ёки:

Молимни йўлида айлабон сарф,
Мандин ҳазар этгуси гадолар.

2. Хоразм шевасига хос уйғониб ўрнига ўёниб формаси қўлланган:

Бу янглиғ олам аҳлидин кейин қолмай юруш айла,
Аваз, бўлгай ўёниб комгору комрон миллат.

Аваз Ўтар асарлари тилида Навоий традицияси қуидагиларда қўринади.

1. Навоий ўз асарлари билан ўзбек адабий тилида йирик асарлар яратиб, ўзбек тилини халқ тилига яқинлаштирган бўлса, Аваз Ўтар ўғли ҳам шу традицияни давом эттиради. Бунинг далилини юқоридаги фактларда кўрдик.

2. Навоий асарларида қўлланган кўпгина сўз ва сўз формаларидан фойдаланади:

а) Ш-шахс кишилик олмошининг кўплиги алар формасида ҳам қўлланади:

Умидим-яшасин мактаб боласи,

Алар ҳар бири шери жаёним.

(«Фидойи халқим»).

б) -дази боғловчиси қўлланган:

Кўнгулларнинг сурори, доғи қўзлар нуридир фарзанд,

Аларнинг умрини, албатта обод этгуси мактаб.

в) -гу//ку//гу//ку аффиксидан фойдаланган:

Бўлгуси, эй дил, мұяссар васли жонон, ғам ема,

Ким онинг келмаклигига бордур имкон, ғам ема.

г) равишдошнинг -бон//ибон//убон аффикси билан ҳосил қилинган формаси қайд қилинади:

Очиб ҳар бир сарида мактабинг унвонин айлаб чўх,

Тараққий айламасму ўқубон беҳадду сон миллат.

д) келаси замон сифатдошининг қўлланишида ҳам Навоий тилига хос форма қайд қилинади:

Не манга ёрону ҳамдам, не манга бир меҳрибон

Шум иқболим агарди (эйурди), йўку боримдан мени.

е) жўналиш келишигининг -а//ә аффиксли формаси актив қўлланган:

Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек.

ж) сўроқ олмоши қаго Аваз Ўтар шеърларида қўлланган:

Қаро миллатга биздек гар носими инқироз этса

Анга албатта мустахкамлик ижод этгуси мактеб.

3. Навоий тилида учраганидек, Ўғуз группа (Хоразм шевасининг ўғуз группа шева бўлганлиги учун ҳам) тилларининг таъсири учрайди.

Масжидни ўзига дом этибдур,

Билмам, буни ким имом этибдур.

Аваз Ўтар шеърларида «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима»асарларининг айрим таъсири ҳам қайд қилинади. Масалан, III -шахс кишилилк олмошининг кўплик формаси онлар тарзида ҳам қўлланган:

Билмайин онларда ҳеч миллат, ватанни сақламоқ

Бўлди қурбон бу сабабдин доимо ағёр халқ.

Аваз Ўтар ўғли асарлари лексикасини асосан туркий ва арабча-форсча сўзлар ташкил этади. Рус ва рус тили орқали кирган сўзлардан у деярли фойдаланмади.

Умуман, ўзбек адабий тили XIX асрнинг II-ярмида ўзининг юқори босқичига кўтарилишида Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар ўғли каби демократик-маърифатпарварларнинг асарлари роль ўйнади.

ГАЗЕТА-ПУБЛИЦИСТИК СТИЛИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШИШИ

Туркистоннинг Россияга қўшилиши турли хил иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланишига сабаб бўлди. Россиянинг чекка ўлкаларида адабий ва маданий ҳаракатчилик исломни реформа қилиш, уни буржуазия талабларига кўра модернизациялаштириш йўли билан олиб борилди. Натижада миллий буржуазиянинг идеологияси вужудга келди.

Демократик йўналишда бўлган маърифатпарвар ўзбек зиёлилари Ўрта аср деспотизмига, асрлар бўйи давом этиб келган қуллик ва жаҳолатга қарши курашдилар.

Адабий ҳаракатчилик пантурристик, панисламистик назариялар асосида ривожланди. Турли таъсирлар натижасида Россиянинг чекка ўлкаларида «умумий турк тили» тўғрисидаги назариялар тарқалди. Демократик-маърифатпарварлар эса ўзбек адабий тилини она тили заминида ривожлантириш учун курашдилар. Бу назария ва курашлар XIX асрнинг II ярмидан бошлаб пайдо бўлган нашриёт ва вақтли матбуотда ўз ифодасини топди. Аввал айтганимиздек 1871 йилдан мустақил равишда «Туркистон вилояти газети» кейинчалик 1906 йилдан «Тараққий» газетаси чиқа бошлади. Шу даврдан бошлаб ўзбек адабий тилида газета-публицистик стил пайдо бўлди.

Маълумки, Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишидан сўнг рус тилидан қилинадиган таржима асарлари сони кўпайди. Бунга асосий сабаб рус тилининг маданий ҳаётдаги роли ва аҳамияти ошганлигидир. Шунингдек, рус-тузем мактабларининг ерли халқ болалари битириб чиқа бошладилар. Уларнинг кучи билан русчадан ўзбекча ва ўзбекчадан русчага асарлар таржима қилиш ишлари бошланди.

Рус тилидан дипломатик хужжатлар, расмий ёзишмалар, информацион мақолалар, қишлоқ хўжалигига оид, илмий, тиббий техник, сиёсий-тарихий ва шу хилдаги асарлар таржима қилинди. Улар «Туркистон вилояти газети»да босилиб турди.

Шундай қилиб, «Туркистон вилояти газети» XIX асрнинг II- ярми ва XX аср бошларида ўзбек маданияти, хусусан, адабий тили тарихида маълум ижобий роль ўйнади. Фурқат, Сатторхон, Исҳоқхон каби илгор интеллигенция вакиллари газета орқали адабий ва публицистик фаолиятларини намойиш қилдилар.

Фурқат дастлаб газетани «Эълоннома» деб тушунади, лекин кейинчалик унинг сиёсий ижтимоий аҳамиятини тушуниб, унда актив иштирок этди Сатторхон 1883-1890 йиллар давомида редакцияда муҳаррир ёрдамчи ва

таржимон бўлиб ишлайди.

Улар ўзларининг публицистик мақолаларида ва хатларида фанмаданиятни тарқатувчи сифатида майдонга чиқдилар.

Фурқат, Сатторхон, Исҳоқхон публицистикасининг тили алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар ўзбек адабий тилнинг газета-публицистик тили ва стили ривожида катта аҳамиятга эга бўлди. Улар ўзбек адабиёти классикларининг энг яхши традицияларини давом эттириб, ўзбек адабий тили ривожланишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Улар ўзбек тилини архаик элементлардан тозаладилар, уни янги иборалар ва русча-интернацонал сўзлар билан бойитдилар.

Русча-интернацонал сўз ва ибораларни публицистик мақолаларида ҳам сўзлашув тилидаги формасида ишлатдилар *тилиграф*, *завуд*, *мошин*, *раел*, *фотограф* (*Фурқат*), *гиниран*, *губирнатур*, *уездной*, *ушбул*, *офитсер*, *камисия* (Сатторхон)

Исҳоқхоннинг қуидаги фикрида рус тили таъсирида ўзбек тилига ўзлаштирилган лексик элементларни яққол кўрамиз «*Асримиз маданияти бор эрди, чунончи оташ ароба, ҳатто учадургон априлон, гирамӯфўн, фатограф, типограф, литограф, анвон машиналар автомӯбил, валисафед, тилсиз тилигромлар, неча-неча ашие жадида, анвойи адидалар-ҳаммаси мавжуд эди*» (ТВГ)

Айрим сўз ва терминлар тражимаси билан берилди пачотный, исмотритель, яъни иззатлик нозирлик, Ҳўқанд шахридаги мадрасада *пачотный исмотрител, яъни иззатлик нозирлик мансабида турдим* (ТВГ, 1890, 3 сон)

Айрим русча интернацонал сўзлар ва бирикмалар давр талабига биноан арабча, форсча сўзлар билан таржима қилиб берилган Масалан, *тупчи*, *тура* (господин артиллерист), *вазири илмия* (маориф министри), *илмия масмӯати* (педсовет мажслиси), *муришиди* (йўлбоиҷиси), жаҳоннома, жарроҳ (хирург), *тарроҳ* (архитектор), ҳаким (врач), *мударрис* (профессор)

Газета публицистик стилида қўлланган русча-интернацонал сўзлар доирасида қуидаги қатламлар мавжуд эди

1 Сиёсий-дипломатик тушунчаларни англатувчи сўз ва терминлар: *судя, комиссия, консул, дума, сийезд, монифест, забостуфка, морсилеза, онорхия* ва ҳ о

2 Ҳарбий тушунчаларни биддирувчи суз ва терминлар *пулковник, копитон, гиниран, литинонт, оғитсер* ва ҳоказо.

3 Почта-телеграф билан боғлиқ сўзлар: *тишиграф пўштахона, морка, тилфўн*

4 Матбуотга доир сўзлар: *редоксия, газетхона, ҳарф босадургон мошина*

5 Маданий-маориф ишлари билан боғлиқ бўлган сўзлар: *гимнозийя, музи, лобораторийя, тирмуметр, компос*.

6 Администрация билан боғлиқ сўзлар: *инспиктур, директур, министур, онжирной (инженер), грожданен ва ҳо*

Газета тилида ўзбек тилвда мавжуд бўлган ясовчи аффикслар (уларнинг айримлари форс-тожик элементлари)идир), яъни *-лиц, -лик, ма, -чи, -хона*, каби аффикс ва иффиксондлар ердамида янги сўзлар ясалди Уларнинг энг маҳсулдори *-чи* аффикси ҳисобланган Бу аффикс иштирокида гўза экувчи, октябрчи, сайловчи сўзлари, *-лич* аффикси иштирокида бузғунлик, *-ма* аффикси иштирокида отишма, *хона* аффикси ердамида пўштахона каби сўзлар ясалган

Шунингдек сўз ясовчилардан ўринсиз фойдаланган ҳоллар ҳам сезилади, *-чи* аффикси билан ясалган сўзларда шундай ҳодиса юз берган *Хурриятчилар ва ҳукуматчилар орасида воқеъ ўлмиши, газитачи, (журналист)* каби

Мухими шундаки, газета-публиистик стилида бадиий стилнинг таъсири кучлидир, чунки бидиий стил ўзининг кўп асрлик традициясига эга эди Айни замонда газета публицистик стилининг шаклланиши натижасида бу стилга хос айrim хусусиятлар бадиий адабиетга ҳам сингиб борди Бунда Фурқат, Исҳоқхон, Сатторхонларнинг роли катта бўлди.

УМУМИЙ ТИЛНИ ЯРАТИШ СОҲАСИДА БЎЛГАН КУРАШЛАР. ПАНТУРКСИЗМ ВА ПАНИСЛОМИЗМ

(1905-1917 йиллар)

Кўпчилик туркий халқларда бўлганидек, Ўзбек халқи ўртасида ҳам умуммилӣ тилни яратиш масаласи кенг тарқалди. Натижада барча туркий халқларда бу масалада икки хил қараш майдонга келди. Булардан биринчиси Исмоил Гаспиринский ва Васлий каби шахслар ташабbusи билан юзага келган пантуркистик ва панисламистик назариялар бўлса, иккинчиси миллий тилни ўз она тили заминида яратиш тарафдорлари бўлган демократик маърифатпарварларнинг қарашидир.

Пантуркизм [пан-барча (юонча) ва туркия] Турк буржуазияси ва помешчикларнинг XX аср бошларида пайдо бўлган ва туркий тилларда гаплашувчи барча халқларни Туркия ҳукмронлигига бўйсиндириш, ягона турк давлатига бирлаштириш идеясини тарғиб қилувчи реакцион шовинистик оқимдир

Бундай ғоя тил сиёсатида ҳам ўз аксини топди.

Умутуркий адабий тил назарияси дастлаб қrimlik Исмоил Гаспиринскийнинг «Таржимон» газетасида пропаганда қилинди. Бу газета 1883 йилдан чиқа бошлайди ва ҳамма туркий халқлар учун умумий адабий тил

ғоясини олға суради. 1905 йилда Бутунrossия мусулмонларининг III сеъздида Исломи Гаспиринскийнинг ташаббуси билан туркий халқлар мактабларининг юқори синфларида «ягона туркий тил» ўқитилишининг мажбурий қилиб қўяди.

Умумтуркий тил масаласи эса татар, озарбайжон, ўзбек газеталарида ва журналларида турлича талқин қилинди.

«Улфат» газетасининг 1906 йил 5 июль сонида пантуркист Али Кўрқуддининг «Истамбулдан хат» номли мақоласи босилади. Мақолада ёзилишича, усмонли турк тилини татарлар, озарлар, Ўрта Осиё турклари, Сибирь ва Муђулистангача бўлган бир қатор туркий халқлар тушунадилар. Шунинг учун у мумий адабий тил бўлишига қодир. Шу газетанинг 1906 йил 19 июлдаги сонида пантуркист Кенжабойнинг мақоласида ҳам юқоридаги ғоя ифодаланади.

Татар тилида чиқадиган «Вақт» газетасида эса туркий халқлар учун татар тили ягона адабий тил бўлиши таъкидланади.

Бу хил пантуркистик қарашлар Озарбайжон ва Ўрта Осиёда нашр этилаётган матбуот саҳифаларида ҳам кўринади.

Ўзбек буржуазияси ва -буржуа миллатчилари «чиғатой» тилини Ўрта Осиё халқлари учун умумий тил бўлиши кераклигини уқтирар ва пропаганда қиласар эдилар.

Бундай ва курашларнинг сиёсий моҳиятини венгер туркологи Г.Вамбери тўғри баҳолаган эди. «Реформистлар ва туристлар умумий туркий тил назариясини кўтариб чиқиш билан халқларнинг этник чегараларини ҳисобга олмай умумтурк халқи яратишни кўзда тутади».

Кўпчилик оммага тушунарли бўлмаган умумтил тез орада ўз ўрнини миллий тилларга бўшатиб берди.

Бу даврга келиб панисламизм ғоялари ҳам матбуот саҳифаларида тарғиб қилина бошлади. Маълумки, панисламизм XIX асрнинг иккинчи ярмида яқин Шарқда пайдо бўлди ва мусулмон меҳнаткашларининг синфий курашини сўндириш мақсадида ислом динидаги барча халқларни бир давлат қилиб бирлаштиришни тарғиб қилиб келган реакцион диний-сиёсий оқимдир. Панисламизм ғоялари Шарқ мамалакатларидаги реакцион феодаллар ҳамда юқори табака мусулмон руҳонийларининг манфаатларига хизмат қиласади. Шундай маслақда бўлган Васлий (Самарқандлик) «Садои Фарғона» газетасининг 1914 йил 21 сентябрь сонида «Ислом асослари»деб аталган мақоласини эълон қиласади. Унда қуйидагиларни ёзади: «Бизнинг динимиз исломдир. Ҳар бир мусулмон учун у араб тилидур. Ҳар бир мусулмон араб тилининг сарф ва нахвини ўрганиши шарт». Демак, бунда араб тилининг адабий тил бўла олиши таъкидланади.

Туркий халқлар адабий тилдаги бу хил пантуркистик ва панисламистик ғоялар буржуазияга халқ оммасини янги тараққиёт йўлига бошлаш учун

имконият бермади. Буржуа миллатчилари бир қанча тортишув ва баҳслардан сўнг матбуотда ҳар бир тилнинг мустақил ҳукм суришини тан оладилар. Она тили учун кураш адабий ва маданий курашнинг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Юқоридаги фикрларга қарамасдан, Туркистонда ўзбек адабий тили илгор маҳаллий интилигенция томонидан ривожлантирилди. Бунда Фурқат, Сатторхон, Исҳокхон, Мулла Мухаммадамин каби демократ маърифатпарварларнинг роли катта бўлди.

Айниқса, ўзбек адабий тилининг тарғиб қилиниши ва ўрганилиши ҳақида Мулла Мухаммадамин томонидан «Туркча қоида» асарининг яратилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда асосан араб тили грамматикасининг таъсири кучли бўлса ҳам, ўзбек тили фактлари нисбатан тўғи ёритилди. Асарда фақат араб грамматикаси эмас, балки рус тилшунослиги элементлари ҳам (айниқса, пунктуацияга оид бўлимда) мавжуд эди.

Асарнинг «туркча қоида» деб номланиши ҳам бежиз эмас, чунки у даврда ўзбек адабий тилига нисбатан туркча, ўзбекча деган терминни қўллаш традицияси мавжуд эди.

Ўзбек адабий тили турли даврларни ўз бошидан кечирди. Натижада турли даврларда турли сўз ва грамматик формалар қўлланишда бўлган. Масалан, XI ва XVI асрларда ўзбек адабий тилида кўплаб араб, форс-тожик сўzlари қўлланган бўлса, XIX асрнинг 2-ярмига келиб Ўрта Осиёни чор Россияси томонидан босиб олиниши натижасида ўзбек тилига анчагина рус ва рус тили орқалий интернациональ сўзлар кириб келди.

Савол ва топшириқлар.

1. XVII-XIX асрлардаги ижтимоий сиёсий аҳвол нимадан иборат эди?
2. XVII-XIX асрларда яратилган адабий манбаларда Алишер Навоий акъанасининг давом этирилишини нималарда кўриши мумкин?
3. Бу даврнинг диалектал мураккаблиги нималардан иборат?
4. Бу давр адабий тияининг демократлашуви, сўз ўзлаштиришининг янги босқичи ҳақида гапириб беринг.
5. Ижодкорлар асарларининг тил хусусиятларида нималарни кўриши мумкин?

Таянч тушунчалар.

1. Умуммиллий тилни яратиш яратиш соҳасидаги уринишлар: пантуркизм, панисломизм деганда нимани тушунасиз?
2. Бу давр ижодкорлари асарларини санаб кўрсатинг ва тил

хусусиятлари, услублари ҳақида гапиринг.

Таянч тушунчалар:

Панисломизм - XIX асрнинг иккинчи ярмида яқин Шарқда пайдо бўлди ва мусулмон меҳнаткашларининг синфий курашини сўндириш мақсадида ислом динидаги барча халқларни бир давлат қилиб бирлаштиришни тарғиб қилиб келган реакцион диний-сиёсий оқим бўлиб, Панисламизм ғоялари Шарқ мамалакатларидаги реакцион феодаллар ҳамда юқори табака мусулмон руҳонийларининг манфаатларига хизмат қилади.

Пантуркизм - XX аср бошларида пайдо бўлган ва туркий тилларда гаплашувчи барча халқларни Туркия ҳукмронлигига бўйсиндириш, ягона турк давлатига бирлаштириш идеясини тарғиб қилувчи реакцион шовинистик оқим.

10-МАВЗУ

МИЛЛИЙ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

Режа:

1. Миллий тил ҳақида тушунча.
2. Миллий тил шаклида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарларининг тили.
3. 1920-йиллар ўзбек адабиётида имло қоидалар.
4. «Чигатой гурунги» ташкилоти, таянч диалекти масаласи.
5. 1930-йиллар ўзбек адабиётида рус тилининг қўлланиши.
6. 1920-30 йилларда ўзбек адабиётини ўргатишида ижодкорлар асарининг аҳамияти.

Ўзбек миллий тили ҳозирги ўзбек миллатига мансуб бўлган ҳамма кишиларнинг умумий ва ягона тилидир. Бу тил ўзбек халқларнинг ўзаро алоқа ва фикр алмашув қуроли, шу халқнинг ҳамма аъзолари учун умумий бўлган тилдир.

Ўзбек миллий тилининг шаклланиши ўзбек миллатининг шаклланиш процесси билан боғлиқдир. Ўзбек миллати шакллангунига қадар у уруғ тили ва элат тили тарзида яшаб, ривожланиб келган. Маълумки, ижтимоий муносабатларнинг юзага келиши билан бирга миллатлар ҳам ташкил топа бошлайди. Ана шу миллатларнинг ташкил топишида унинг асосий элементи бўлган тил бирлиги - миллий тил ҳам юзага келади. Ўзбек миллий тили XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларида шакллана бошлади. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг бойиши, ривожланиши ва мукаммаллашувида эски ўзбек адабий тили анъаналари, қалқ, тили, маҳаллий диалектлар ва халқ шеваларининг материаллари билан бир қатордаги тилнинг таъсири ҳам кучли бўлди.

Юқорида баён қилинганларга кўра, ўзбек адабий тилининг тарихий

тараққиёти катта уч даврни ташкил этади: қадимги туркий адабий тил, эски ўзбек адабий тили ва ҳозирги ўзбек адабий тили. Буларнинг ҳар бири ягона умумхалқ ўзбек тилининг асосий ва энг муҳим тараққиёт босқичларини ўзида акс эттиради. Ҳар бир даврнинг адабий тили иш кўриш доираси, фонетик, лексик ҳамда грамматик қурилиши жиҳатдан ўзига хос бўлган хусусиятлари билан фарқ қиласи. Ўзбек адабий тили биринчи ва иккинчи даврларда ҳалқ тили сифатида иш кўрган бўлса, учинчи даврга келиб, миллий тил сифатида иш кўраётир. Ҳозирги кунда унинг иш кўриш доираси ниҳоятда кенгайган, луғат состави бекиёс даражада бойиган, грамматик қурилиши мукаммалашгандадир.

Ўзбек тилининг ички ресурслари асосида янги сўзлар яратилади. Бундай сўзлар структурасига кўра содда ёки қўшма бўлиб, ҳаётнинг барча соҳаларига оид тушунчаларни қамраб олади. Масалан, фақат ҳарбий иш соҳасидагина жангчи, кузатувчи, ўқловчи, мўлжалчи, қуролдош, ҳалоскор, ҳужумкор, симтўсиқ каби қатор янги сўзлар пайдо бўлди. Булардан ташқари, -*в(-ов)*, -*чи*, -*чилик*, -*шунослик*, -*кор* каби аффикслар воситасида ясалган сўзлар ҳам ҳисобга олинса, ўзбек тили лексикасининг совет даврида қанчалик бойиганлигини аниқ тасаввур қилиш мумкин.

Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш керакки, жонли тилда оддий тушунчаларни ифода қилувчи минглаб сўзлар аста-секин терминлик вазифасини бажара бошлади. Масалан, математикага оид тўртбурчак, қўшиш, айриш, бўлиш; тилшуносликка оид эга, от, гап, сифат, равиш, қўшимча, ёрдамчи сўз, боғловчи, аниқловчи, ўзак; географияга оид бурун, қўлтиқ ва бошқалар шундай сўзлар жумласига киради.

Ўзбек адабий тилининг сўз ясаш имкониятлари ҳам кенгайди. Фамилия ясови -*ов*, -*ова*, --*ев*, -*ева* аффикслари ўзлаштирилди. Исми-шарифи эса ота исмидан ёки фамилияга асос бўлган номдан эрлар учун -*ович (евич)*, аёллар учун -*овна (евна)* аффиксларини қўшиши билан ясалади: *Рустамов Йўлдош Маҳмудович, Алиев Эркин Рустамович, Каримова Зулфия Султоновна, Шодиева Манзура Шодиевна* каби.

Русча ва интернационал сўзларга ўзбекча -*ла*, -*лаш*, -*лаштир* каби аффиксларни қўшиб янги сўз ясаш усули юзага келади: *режсалаштириши, синтезла, фаоллаштириши* каби. Ўзбек адабий тилда рус тили таъсирида қисқартириш йўли билан сўз ясаш усули вужудга келди. ТДПУ (Тошкент Давлат Педагогика Университети), БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти), АҚШ (Америка Қўшма Штатлари).

Ўзбек адабий тилида юз берган ўзгаришлар унинг грамматикасида ҳам кўзга ташланади. Бу ўринда, энг аввал, унинг нормалаша борганлигини, айrim типологик силжишлар юз бераётганлигини кўрсатиш керак бўлади.

Унинг морфологиясида кўплик аффиксининг функцияси кенгайди. Хусусан, бирикма ҳолидаги атамаларнинг биринчи компоненти кейин келиб,

янги сўз-терминлар ясашда актив иштирок қилмоқда: Болалар боғчаси. Жинс тушунчасини ифода қилиш бир қолипга туширилди: Зулфия Ҳошимовна Валиева. Эгалик аффикслари нормага тушди, келишикларнинг функцияси кенгайди, ҳар бир келишик маъно ва функциялари формалари жиҳатидан қатъий равишда ажаралиб нормага тушди. Келишикли конструкциялар ўрнида кўмакчили конструкцияларнинг қўлланиши кенг тус ола бошлади: Ўқишингни гапирмайсанми? Ҳозирги замон феъл формаси (-япти) нинг адабий тилимиздаги маъно ва функцияси кенгайиб бориб, барча диалект ва шева вакиллари, зиёлиларимиз нутқида анча ўзлашиб колди.

Ўзбек миллий тили кўп диалектли тиллардан ҳисобланади. Бу ҳол унинг ўзига хос мураккаб тарихий ривожланиш шароити ва ўзбек миллатининг ўтмишдаги хилма-хил этник состави билан изоҳланади.

Ўзбек миллий тилининг учта катга ички манбаи - учта диалектлар группаси бор. Булар: 1) қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси; 2) қипчоқ лаҳжаси; 3) ўғуз лаҳжаси.

Буларнинг ҳар бири ўз навбатида бир қанча диалект ва шеваларга бўлинади.

Ўзбек тилининг диалект ва шевалари узок ўтмишда ўзбек халқининг тарихий шароити билан боғлиқ равишда ўзаро умумийлик касб этиб, ягона ўзбек умумий халқ тили бўлиб, бирика борган ва унинг ажralmas қисмига ҳамда куйи формасига айланиб қолган. Лекин ўзбек тилининг лаҳжалари ва айрим шевалари орасидаги кўргана фарқлар ҳозирги вақтгача ҳам сақланиб келмоқда. Масалан, ўзбек тилининг қипчоқ шеваларида сингармонизм хусусиятининг тўлиқ сақланиб қолганлиги, 9 та унли фонеманинг мавжудлиги, сўз бошида кўпинча *й* товуши ўрнида *ж* товушининг қўлланиши, *ф* товушининг деярли қўлланмаслиги, *х* товушининг кўпчилик шеваларда *қ* тарзида қўлланиши, сўз ўртаси ва охирида *з* товушининг кўпинча *в* товушига ўтиши, баъзи ҳолларда сўз охирида *з*, *қ*, *к* товушларининг тушиб қолиши, баъзан эса *о* товушининг *а* сифатида айтилиши (*жай*, *чай*, *чач каби*), баъзан *л* товушининг сўз ўртасида тушиб қолиши (*бўса*, *кеса*, *оса*) бошқа ҳолларда *о* ёки *а* товушининг *и* товуши билан алманиши (масалан: *қани* >*қана*, *бордими*>*бордима* каби) морфологик жиҳатдан қараганда олтида келишик кўшимчасининг тўлиқ сақланганлиги икки шахс ўтган замон феълида оддий ва хурмат формаларининг тўлиқ сақланиб қолганлиги ўтган замон феълининг учинчи шахс кўплек формаси (ўқийдилар)нинг деярли ишлатилмаслиги; лексик томондан қараганда қипчоқ шеваларида: *чеча* (янга), *бўла* (холавачча), *желак* (Хотин-қизларнинг бошига ёпинадиган буюми) сингари кўплаб ўзига хос қадимий сўз ва терминларнинг сақланиб қолганлиги юқорида айтилган фикрларни тасдиклайди.

Ўзбек адабий тилининг лаҳжалари орасида, одатда, қорлуқ-чигил лаҳжаси ҳамда унга қарашли бўлган айрим шева ва диалектлар ўзбек адабий

тилининг таянч шева ва диалектлари ҳисобланади. Бунда уларнинг талаффуз нормаларини белгилашдаги роли, қўпгина терминларнинг уларда илгаридан шаклланганлиги, бу шева вакилларининг қўп жиҳатдан миллий маданият ва лексик анъаналаримизни бошқаришда ўзларига хос хизматлари борлиги асосга олинган. Баъзи олимлар ўзбек адабий тилининг нормаларини белгилашда Тошкент шевасини фонетик жиҳатдан, Андижон, Фарғона шеваларини эса морфологик жиҳатдан таянч шева ҳисоблайдилар.

Тошкент шеваси пойтахт шаҳар шеваси сифатида лексик томондан ҳам ўзининг қўпгина элементларини адабий тилга киритган ва киритмоқда. Лекин аслида А.К.Боровков қайд этиб ўтганидек, ўзбек тилининг бирорта шевасини ҳам адабий тилга ҳамма жиҳатдан асос бўлган деб айтиб бўлмайди. Чунки ўзбек тилининг ҳамма диалект ва шеваларини адабий тил тарақкиётига маълум бир ҳисса қўшган, иккинчи томондан, уларнинг ҳар бирида жуда қўп ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Масалан, Андижон, Фарғона шевалари ўзбек адабий тилига энг қўп тарқалган грамматик формаларидан бирини - ҳозирги замон феълининг -яп аффикси воситасида ясалувчи формасини берган. Бундан ташқари, Андижон ва Фарғона шевалари ўзбек адабий тилининг асосий талаффуз базаси сифатида ҳам хизмат қиласди. Бу шеваларнинг адабий тилимизга ўзларининг фонетик хусусиятлари билан ҳам максимал даражада яқинлашуви шу билан изоҳланади. Бу шевалар ўзбек адабий тилига ўзларининг лексик бойлиги, стилистик имкониятлари ҳамда бошқа тил воситалари билан ҳам ҳисса қўшган.

Шуниси характерлики, бир қараашда ўзбек адабий тилидан бирмунча узокроқ тургандек кўринган қипчоқ шевалари ҳам ўзбек адабий тилига жуда қўп лексик бойлиги, стилистик имкониятлари ҳамда бошқа грамматик воситалари билан ҳисса қўшган. Масалан, ўзбек адабий тилидаги қаратқич келишигининг тўлиқ формаси қипчоқ шеваларидаи қабул қилинган. Адабий тилимиздаги ҳозирги замон феълининг -ётур аффикси воситасида ясалувчи формаси ҳам қипчоқ ва ўғуз диалектларига хос формадир ва ҳоказо.

ҲАМЗА ҲАҚИМЗОДА НИЁЗИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИ

Ўзбек маданиятининг атоқли арбоби Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий чуқур ижтимоий мазмун билан суғорилган асарлар яратиб, XX асрнинг 30-йилларигача бўлган адабиётни янги образлар, янги мавзу ва шакллар билан бойитди. У адабиёт, санъат, ҳалқ маорифи ҳамда шу даврдаги ўзбек адабий тилини ривожлантириш йўлида талай ишлар қилди. Ҳамза ўз ижодий фаолияти давомида ўзбек адабий тилини жонли ҳалқ сўзлашув тилига яқинлаштиришга интилди, унинг кўпчиликка тушунарли бўлишини таъминлаш учун курашди. Лекин унинг бу ҳаракатини айрим кимсалар адабиётдан хабарсизлик деб бўхтон қилдилар. Бунга қарши Ҳамза «Қизил гуп» тўпламига ёзган сўз бошида шундай дейди: «... адабиёт илмидан бутун деярли хабарсиз киши эканми?» деювчи зотларга қарши биз, бу адабиётдан хабарсизлик эмас, қора элизизнинг

тушунувина ўнгай бўлсин учун бўлса керак, деймиз... биз ўзбек тилига яқинлаштиromoққа киришдик».

Шоир 1916-1917 йилларда нашр қилинган «Оқ гул», «Қизил гул», «Яшил гул», «Пушти гул», «Сафсар гул», «Сариқ гул» тўпламларида шунга амал қилгани ҳолда, халқ қўшиқлари вазни ва қуйларида ажойиб халқчил шеър намуналарини яратган.

Сувлар кетар, тош қолур,
Кулфат кетар, ёш қолур.
Боболардан бир сўз бор,
Ўсма кетар қош қолур.
Ёки;
Йигит деган эр бўлур,
Меҳнат кўрса шер бўлур

сингари содда ва ихчам мисралар халқ мақоллари таъсирида ёзилган.

Шоирнинг тил ва услуб соҳасидаги новаторлиги шундан иборатки, у ўша даврда ўзбек халқи орасида қўллана бошлаган «ишчи», «меҳнатчи», «хизматчи», ишчи-дехқон», «янги турмуш», «контрлик» ва бошқа кўпгина янги сўз, сўз шакллари ва ибораларни шеъриятга олиб кирди ва улардан кенг фойдаланди. Шунингдек, ўзбек тили лугатида бор сўзларнинг айримларини янги маънода ишлатди, халқ иборалари, мақоллар, ҳикматли сўзлардан ижодий фойдалангани ҳолда, улардан замон руҳини ифодалади ва ниҳоят, ўзи ҳам янги сўзлар яратди.

Ҳамза адабиётининг асосий воситаси бўлган тил соддалигига аҳамият бериб, ўзининг барча жанрларда яратган асарларида бунга амал қилди ва катта муваффақиятларга эришди.

Шоир шеъриятининг лексикасида асосан ўзбекча (туркча) сўзлар, тожикча, арабча, татарча, ўғуз тиллари (шевалари)га хос унсурлар ва диалектизмлар ишлатилганини кўрамиз. Лекин тожикча, арабча сўз ва сўз шакллари Ҳамза шеърларида замондош шоирларга қараганда озроқ ишлатилган. Бунинг сабаби, Ҳамзанинг ўз таъбири билан айтганда, асарлари тилини ўзбек авом тилига яқинлаштириш, соддалаштиришга интилишдир.

Унинг асарларида баъзан арабча ва тожикча сўзларни ўзбекча (туркий) сўз ва қўшимчалар билан алмаштириб ишлатиш ҳолларини кўрамиз: ҳамроҳ ўрнида йўлдош, беозор ўрнида оэорсиз, жосус ўрнида яшурун, зўр ўрнида куч каби.

Татар ва ўғуз тиллари (шевалари)га хос сўз ва сўз шакллари шоирнинг янги шакл, вазнда шеърлар яратиш йўлида анъаналарга бой татар ва озарбайжон адабиёти билан таниши, ўрганиши ҳамда уларга эргашиши

жараёнида пайдо бўлган. Масалан, ўгузча: ёлон-ёлгон, севдиги-севгилиси, ўлурса-ўлди, ўлиб, куймишам, афандиларимиза, нокаса-нокасга, бан-мен, истамиши, келмиши, сузмоқа-сузмокқа, қолмоқа-қолмоққа, билмам-билмайман; татарча: о қирин (акирин)-секин, шулай, улай, булаг, ани, қил-кел, туган, қарт; турат, кўрам, қўрқом, санами, сую кўр, билалар, ёзарға, зўр (зўр китоб) ва бошқалар учрайди.

Унинг асарларида анчагина русча сўзлар ва бутил орқали ўзлашган русча-байналмилал сўзлар учрайди. Бу сўзларнинг кўпчилиги рус тилидаги шаклида, айримлари фонетик жиҳатдан ўзгарган ҳолда ишлатилган: станция, поезд, вагон, белат, извош, семафор, старший, палиска, вексея, гостиница, милиция, одиял, банка, губернатор, печать, протес, закон, военныш, суд, папка, винтовка, орёл ва бошқа шаклда.

Ҳамза асарларида диалектизмлар кўпинча асарда тасвирланган воқеа-ходисаларни хақоний кўрсатиш учун, персонажлар нутқини хусусийлаштиришни назарда тутиб ишлатилган.

Ҳамза асарлари тилида учрайдиган диалектизмларнинг кўпчилиги Фарғона типидаги қарлук лаҳжасига тааллуқли диалектизмлардир (Кўқон, Марғилон, Водил).

Масалан: Бақа // баққа — бу ёққа, тунов кун - ўтган кун, аяғ - оёқ, буви — она, ая — она (хола), чималиқ — тошк. гўшанга, важ - нарса, узог йили - ўтган йили, озгуриши - йўлдан уриши ва бошқалар.

Ҳамза драматик асарларининг тил хусусиятларига дикқат қилинганда, уларнинг тили бадиий ифодаларга бой, ҳар бир персонаж қайси табақага мансуб эканлигига қараб, ўзига хос сўзлари билан гаплашиши, халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари ва ихчам фразеологик иборалар жуда ўринли ишлатилгалиги кўринади.

Ҳамза асарлари тил хусусиятларини ҳозирги замон ўзбек адабий тили билан солиштиrsак, айрим фонетик ва морфологик фарқларни кўрамиз.

Фонетик фарқлар: 1. е>a: йатим, санчалик, савги, бан (мен; 2. о//a: дада//дода, бала//бала; 3.и>ү: хотун; 4. ҳ>й: илойим, арвайига (илоҳим, арвоҳига); 5. б>м: мундоғ - (бундай); 6. ҳ>ғ: нағал (нахал); 7. қ>ғ: туёғ, тароф; 8. Сўз ўртасида бир «р» тушади: бек (берк).

Морфологик фарқлар: 1. Қаратқич келишиги Ҳамза асарларида деярли учрамайди, доимо иккала келишикда ҳам -ни кўлланаверади. Масалан: яккалигинги ҳурмати, ота-оналарингни эслаб. Қаратқич келишиги баъзан -ди, -ти, -им шаклида ҳам ишлатилган. Гапда учини чиқариб қўйди. Бизим янги турмушишимиз.

2. Жўналиш келишиги -га, -ка, -қа, -ға, -а шаклида кўлланади. Доноға ишорат, лодонга жуволдуз, тилакка, Кима, сўйлашига каби.

3. Чиқиши келишиги *-дан*, *-дин* шаклида қўлланган. *Хотин-қизлардан*, *сендин*, *наҳридин*.

4. Ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсиз шакли *-ми* тарзида учрайди: *тур+ми+й+ман* - *турмайман*.

5. Баъзан буйруқ-истак майлиниг 2 шахс бирлик шакли *-гин* ўрнида эски ўзбек тилнадаги *-гил* (*-ғил*, *-қил*, *-құл*) шакли ишлатилган. Эшигил, *турғил*, *келғил*, *бўлмагил*, *ўлдирғил* каби.

6. Равишдошнинг *-б* (*-иб*, *-уб*) шаклига *-он* аффикси қўшилиши билан хосил бўлган *-ибон*, *-убон* шакллари учрайди.

Келурга кундузи андиша қилса шум ракиблардин,
Қилубон аср ила ё шому хуфтон бир келиб кетсун;
Вақтнинг ғаниматин қўриб, ташладим ўзимни қўндаланг,
Хурқди жаллодни тортибон, тўхтади той топир-тупур.

7. Ҳамзанинг «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллачилар иши» асари Фарғона шеваларида қўлланадиган қанқимоқ — изғимоқ, санқиб юрмоқ ва қимсинмоқ *-уялмоқ*, тортинмоқ феъллари ҳам учраган. Сизнинг тор кўчаларингизда шайтон қанқийди; Менинг отам у сен айтган Шодибой... маски, шаҳарма-شاҳар қанқиб юрса; Кошки сиз бундоғ саловорлик, қимсиниб ўтирадирган йигитлардан бўлсангиз. Қиёсланг, Навоийда:

Узорингни очарға қимсанурмен,
Вале эл қўрмагига қизганурмен.

8. Жонли тилга хос ҳализамон (тож. ҳамин замон) - ҳозир, бир оздан кейин; бот - тез; ғира-шира - оз, бир оз равишлари ҳам ишлатилган.

Ҳамза асарларининг (хусусан, шеърларининг) синтаксиси содда бўлиб, унда асосий ўринни қисқа, ихчам жумлалар эгаллайди. Мураккаб қўшма гаплар унинг шеърларида жуда кам учрайди. Мураккаб фикрни ифодалаш зарурияти туғилиб қолганда, Ҳамза гапни икки мустақил қисмга бўлиб, боғловчисиз қўшма гап тарзида беради, шеърларда эса икки мустақил қисмга бўлиб юборади. Масалан:

Ўқисин қизларимиз,
Очилсин қўзларимиз,
Хизмат қилсин жориялар,
Яшасин миллат. («Пушти гул», 1916).

Бу тўрт мисрали бандда қисқа, ихчам, бош бўлаклардан иборат тўртта мустақил содда гап бор. Бу шеърий парчага дикқат билан қарасак, у серҳашам сифатлашларни ишлатмагани, доим фикрий аниқликка интилгани, жонли сўзлашув тилиниг туганмас манбаларидан ижодий озиқлангани яққол қўринади.

Ҳамзанинг мохир сўз санъаткори сифатида ўзбек адабий тилининг ривожланишига қўшган катта улуши қўйидагилардан иборат:

1. Ҳамза ижодининг ilk даври (1905-1917 йиллар)да анъанага кўра давом этиб келаётган эски ўзбек адабий тили жонли сўзлашув тилидан анчагина узоқлашиб қолган эди. Ҳамза ўзининг деярли ҳамма асарларини жонли сўзлашув тили (марказий шахар шевалари) негизида ёзиб, шакланаётган ўзбек миллий-адабий тилини шу асосда бойитди.

2. Бу давр матбуот тили «Умумтурк тили» номи билан аталувчи туркизм, татаризм, арабизм ва русизм унсурлари билан тўлиб-тошган қурама адабий тил бўлган. Ҳамза бунга қарши ўз асарларида халқ оғзаки ижоди хазиналаридан ижодий фойдаланган ҳолда, асарларининг тилини «Элимизнинг тушунувига ўнғай бўлсин учун», уни жонли сўзлашув тилига яқинлаштириди ва катта муваффақият қозонди.

3. Ўзбек тилига кириб келган янги сўз, сўз шакллари ва атамаларни бадиий адабиётга олиб кирди, уларни кенг кўламда қўллади, ўзи ҳам янги сўзлар яратди.

Савол ва топшириқлар:

1. Ўзбек халқи адабий тили тараққиётининг сўнгги даврига тавсиф беринг:

а) XIX асрнинг 60-йилларидан 1905 йилларгача бўлган адабиёти;

б) 1905 йашшан инқилобгacha бўлган даврга тавсиф;

2. Бу давр ўзбек халқ адабий тилининг бойиш манбалари нималардан иборат, мисоллар орқали изоҳланг.

3. Бу давр ўзбек адабий тилига қайси услублар кириб келди?

4. Умуммиллий тилни яратиш яратиш соҳасидаги уринишлар: пантуркизм, панисломизм деганда нимани тушунасиз?

5. Бу давр ижодкорлари асарларини санаб кўрсатинг ва тил хусусиятлари, услублари ҳақида гапиринг.

11-МАВЗУ

ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

Режа:

1. Янги ўзбек адабий тилида орфоэпик меъёрлар.

2. Янги ўзбек адабий тилида орфографик меъёрлар.

3. Янги ўзбек адабий тилида тиниш белгиларининг ишлатишии.

Янги ўзбек тили ўзбек мшииий адабий тили, унинг ташкил топиши, тараққиёт босқичларини ўзида акс эттирган тилдир. Янги ўзбек адабий тили шу

тилнинг яратувчиси бўлган ўзбек халқининг тарихи, унинг қўлга киритган ижтимоий-сиёсий, иктисадий, маданий, фан ва техника соҳаларида қўлга киритган оламшумул ютуқлари билан боғлиқ боғлиқ. Шунингдек янги ўзбек адабий тили ўзбек тилшунослигига қўлга киритган ютуқлар билан умумлаштирилиб, системага солинган, меъёрлаштирилган мукаммал тил саналади.

Янги ўзбек адабий тили ўзбек тилининг таърифи, унинг ривожланиш босқичлари, совет давридаги тараққиёти, шунингдек, миллий адабий тилмизнинг фонетик системаси, графикаси, унинг лугат бойлиги, материал структураси, сўз ясаш йўллари ва грамматик қурилиши, пунктуацияси ҳақидаги билимлар билан қуроллантирилган.

Ҳар бир юксак маданиятли киши тўғри ёза билиши ва тўғри сўзлай олиши керак. Бу талаб бўлғуси педагоглар ва филологларга нисбатан қатый қўйилади.

Маълумки, нутқнинг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуд. Булар, техник жиҳати, талаффуз ва таъсир этиш хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиласди. Нутқнинг ана шундай кўринишларидан бири - ёзма нутқ (ёзув билан фикрни ифодалаш ифодалаш воситаси) орфография билан бевосита боғлиқдир.

Орфография сўзи грекча *orfhos* ва *grapho* сўзларидан ташкил топган бўлиб, «тўғри ёзаман» деган маънони англатади. Сўзнинг ўзаклари ва унга кўшиладиган аффиксларнинг, қисқартма отларнинг тўғри ёзилишини, кўшма, жуфт ва такрорий сўзларнинг кўшиб ёки ажратиб ёзилишини, бош ҳарфлар ва уларнинг ишлатилиши ўрнини, бўғин кўчириш қоидаларини ўргатувчи ҳамда улар ҳақида батафсил маълумот берувчи фан орфографиядир.

Нутқнинг бу кўриниши ягона тарзда ёзишнинг маълум илмий ва объектив қонун-қоидалари системаси бўлган орфография ва унинг принципларига асосланади: фонетик принцип, морфологик принцип ва тарихий традицион принцип. Булардан ташкари, дифференциал ва тасвирий-этимологик принциплар ҳам мавжуд.

1. Фонетик принцип. Шевалар ва айрим индивидлар (шахслар)нинг нутқидаги хилма-хилликни ҳисобга олмагандан ҳам оғзаки нутқ товушларининг бир-бирига таъсир қилиши натижасида сўз таркибида, турли характердаги жуда кўп ўзгаришлар содир бўлади. Бу хилма-хилликлар ҳаммаси ҳам орфографияда ўз аксини топаверганда, ёзувда бир хилликни таъминлаб бўлмас эди, натижада ёзувда системалик ва бир хиллик ўрнини турли характердаги хилма-хиллик, ҳатто чакашлик эгаллаган бўлар эди. Ёзувда бундай нуқсонларга барҳам бериш учун орфографиянинг юқорида санаб ўтилган учта асосий (умуман олганда бешта) принципи жорий қилинди.

Булардан фонетик принципга асосан сўзлар нутқ жараёнида фонетик жиҳатдан қандай эшитилса, худди шундай қилиб ёзилади.

Маълумки, фонемалар мустақил маънони англатувчи сўзларни вужудга келтиришда муҳим вазифани бажаради. Чунки фонемаларнинг асосий вазифаси ҳам сўз маъноларини фарқлаш учун хизмат қилишдир.

Сўз таркибадаги нутқ товушларининг ёзувда маҳсус график шакл орқали эшитилишига қараб, системага солиб берилиши **фонегик принцип** деб юритлади.

Фонетик принципга асосан адабий талаффузда сўз кандай фонемалардан ташкил топган бўлса, бу фонемалар ёзувда тегашли ҳарфлар билан акс эттирилади.

Масалан, адабий тилда жўналиш келишигининг асосий формаси -га шаклида қабул қилинган. Баъзан бу форма -ка, -қа тарзида эшитилади ва шу тарзда ёзилади (боққа, гўдакка каби). Бу ҳол сўзниң фонетик принцип асосида қўлланишига киради.

Аввало шуни айтиш керакки, ҳозирги ўзбек орфографиясида фонетик принципга жуда кам амал қилинади. Масалан, адабий тилдаги тутди ва тушган сўзларидағи д товушнинг тарзида, г товушнинг к тарзида талаффуз этилишидан қатъий назар, бу товушлар д ва г ҳарфлари орқали берилади. Баъзан талаффузда сўз охирода икки ундош ёнма-ён келганда, «сўнгги» д ёки т ундоши тушиб қолади. Масалан, *хурсанд*, *баҳраманд*, *қасд*, *паст*, *Тошкент*, *Самарқанд* сўзларидағи сўнгги т ва д талаффузда тушиб қшишига қарамасдан, ёзувда улар сакланади, яъни қабул қилинган орфографик қоида бўйича ёзилади. Бу мисоллар амалдаги ўзбек орфографиясида фонетик принципнинг нисбатан кучсиз қўлланишини кўрсатади.

2. Морфологик принцип. Мофологик принципга кўра тилдаги аффикслар ёки морфемалар нутқда қандай айтилса, ёзувда ҳам шундай ёзилиши керак. Сўз ўзагига қўшилувчи морфемаларнинг ёзувда тўлиқ ёки қисман бир система асосида акс эттирилиши ёки уларнинг вариантларидан бирининг танлаб олиб ёзилиши асосида бир хилликка эришиш **морфологик принцип** дейилади.

Ҳозирги ўзбек орфографиясида морфологик принцип кенг қўлланади. Масалан, оғзаки адабий нутқимизда -лар аффиксининг камидаги иккита (тил олди ва тил орқа: эчкилар, қўйлар) варианти учрайди, баъзан ҳатто бу вариантлар бурун товушларидан кейин сонорлашиб, яна иккита янги форма касб этиши мумкин (олинглар, келинглар). Лекин шунга қарамай, адабий орфографиямизда қабул қилинган морфологик принципга мувофиқ —лар ҳамма ҳолатда ҳам фақат бир формада ёзилади.

Шунингдек, инфинитивнинг асосий формаси бўлган —моқ аффикси оғзаки нутқимизда икки формада (юмшоқ ва қаттиқ вариантда: келмок, бормоқ) қўлланишига қарамасдан ёзувда бир формада —моқ тарзида ёзилади.

Келишик формалари ҳақида хам худди шундай фикрни айтиш мумкин. Умумий қоидадан мустасно тарзида учрайдиган мисоллар сони кўп эмас. Масалан, жўналиш келишигининг асосий формаси -га тарзида ёзилишига қарамасдан охири қ, к, ғ, г товушлари билан тугаган баъзи сўзларда бу форма оғзаки нутқдаги -к, а, ка тарзда (бокха, элакка, ўроққа каби) қўлланади. Ҳозирги орфография талаби бўйича аффиксларнинг ҳаммаси морфологик принцип асосида ёзилади. Масалан, эгалик аффикслари: -м (им), -нг (инг), -си (и), -миз (миз), -нгаз (ингиз); келишик аффикслари: -нинг, -ни, -да, -дан; кесимлик аффикслари: -ман, -сан, -миз, -сиз; шахс ва замонни кўрсатувчи ҳамда сўз ясовчи аффикслар оғзаки нутқда қандай айтилишидан қатби назар, имлода ўзининг бир хил морфологик формасини саклаган ҳолда ёзилаверади.

3. Тарихий-традицион принцип.

Ўзбек халқнинг ёзуви тарихида кўпгина сўз ва иборалар борки, оғзаки нутқда қай тарзда талаффуз этилишидан қатъий назар, уларнинг ёзилишида маълум традицияга амал қилинади. Сўзларнинг ҳозирги талаффуз нормасига мос келмайдиган, қадидан ўзлашиб қолган формада ёзилиши орфографиянинг тарихий-традицион принципини ташкил этади. Бошқача айтганда, тарихий-традицион принципга асосан сўзлар ҳозирги ҳолатига кўра эмас, балки анъана тусига кириб қолган қоидага кўра ёзилади: Чора Россияси, пурратчи, фаҳм, раҳм каби.

Қозирги ўзбек орфографиясида морфологик принцип билан бир қаторда тарихий-традицион принцип ҳам жуда кенг қўлланилади. Бу ҳол ўзбек ёзуви ва ўзбек ёзув адабий тили жуда қадимдан бой традицияларга эга эканлиги билан изоҳланади.

Ҳозирги орфографияда тарихий-традицион принцип асосида ёзилувчи баъзи формалар ва сўзларни изоҳлаймиз ва мисоллар билан келтирамиз.

1. Буйруқ-истак майли эски адабиётимизда қўлланиб келган традицияга кўра шеърият ва проза тилида баъзан —гил // -ғил тарзида ишлатилади: боргил//боргил.

Бас, етар, чолгувчи, бас қил созингни. Бас, етар кўксимга урмагил ханжар... (А. Орипов.)

2. Ҳозирги ўзбек адабий тил ва шеваларда мақсад маъносини англатувчи -гани формаси ўрнида эски ўзбек адабий тилида -гали, -ғали, -кали формалари қўлланган. Булар баъзан ҳозирги ўзбек адабий тилимизда ҳам ўша формада учраб туради: Кўргали хуснингни зору мубтало бўлдум сенга. (Навоий.) Ёки: Кўргали келдингми, ёр, куйдиргали келдингми, ёр. (Кўшиқдан.)

3. Ҳозирги-келаси замон сифатдоши ясовчи -р (-ар)нинг -ур формаси ҳам классик адабиёт тилида кўплаб ишлатилган. Бу форма баъзан ҳозирги ёзув сифатида ҳам ўша ҳолича қўлланади:

Юлдузлар ўтига бардош берурман,

Фазолар тафтига қиlурман тоқат. (А. Орипов.)

Куурмиз зўр каналлар, баҳтимиздек ул равон бўлсин. (А. Пўлат.)

Сенинг-чун, эй ғарибим, ич-ичимдан бўзлагайдурман. (А. Орипов.)

4. Эски ўзбек тилида чиқиши келишиги формаси *-дин* бўлган. Бу форма ҳозирги ўзбек адабий тилдаги чиқиши келишиги формаси *-дан* ўрнида ҳозир ҳам баъзан ишлатилади: Севар ёrim қайдин галдинг. (Хоразм халқ қўшиғи.)

5. *-ми* юкламаси ўзбек тилида баъзан *-му* тарзида қўлланган. У ҳолат ҳозирги адабий тилда ҳам кузатилади:

Севгини тортиб бўлурму

Тошу торозу билан. (Э. Воҳидов.)

Ёрнинг мен тортмаган жабру жафоси колдиму. (Бобир.)

Гўзал жонон, соғиндингму. (П. Мўмин.)

Қора қошинг ой юзингда ҳилол эмасму. (А. Пўлат.)

6. Ҳозирги адабий тилимизда орфографик норма сифатида қўлланвучи чоризм сўзи ва чор Россияси бирикмаси тилимизга Октябрь инқилоби арафасида кириб келган бўлиб, ўша давр оғзаки нутк традициясига мувофиқ ү ўрнига چ қўлланиб келади. Бу сўзлар русча царизм сўзи ва Царская Россия бирикмасининг ўзбек тили талаффузига мослаштириб қўлланилиши натижасида юзага келган.

4. Дифференциациялаш принципи. Бу принципга асосан оғзаки нуткда ёки талаффузда бир-биридан аниқ фарқланмайдиган ёки ўзаро фарқлари деярли сезилмайдиган даражага келиб қолган сўзлар ёзувда маҳсус қоида билан ажратилиб ёзилади.

Ёзув ва имлони тартибга солиш максадида илгари оғзаки нуткда деярли бир хил айтилиб келинган баъзи сўзлар, формалар ёки аффиксларни ёзувда бир-биридан фарқлаш учун одатда дифференциациялаш методидан фойдаланилади. Бошка тиллардаги каби ўзбек тилида ҳам бу методдан кам фойдаланилади.

Бу принципнинг қўлланишини қўйидаги мисолларда кўриш мумкин.

1. Маълумки революцияга қадар араб ёзуви билан иш кўрган даврда *-лик* ва *-ли* аффикслари ёзувда деярли дифференциация қилинмай қўлланар эди. Бу ҳол 1956 йилга қадар давом этиб келди. Масалан, *-лик* аффикси асосан шаҳар аҳолиси нутқида, *-ли* аффикси эса қипчоқ шевалари вакиллари ва умуман қишлоқ аҳолиси нутқида қўлланарди. Бунда ҳар икки аффикснинг эгалилик ва тегишлилик маънолари фарқланмас эди. 1956 йилдан бошлаб адабий орфографиямизда уларни фарқлаб қўллашга ўтилди: тегишлилик маъносини ифодалашда *-лик* аффикси (масалан: шаҳарлик, қишлоқлик, тошкентлик,

андижонлик), эга эканлик маъносида -ли аффикси қўллана бошланди (отли, тўнли, уйли, жойли, саводли). Бунинг натижасида ёзувда ва умуман имлода анчагина тартиблилик ва саранжомликка эришилди.

5. Этимологик ёки график принцип. Сўзларни этимологик ёки график принцип асосида ёзиш дейилганда уларнинг қайси халқлинг тилидан ёки графикасидан олинган бўлса, ўша қадимги этимологик ёки график ҳолатини сақлаб қолиш тушунилади. Масалан, Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари каби ўзбек халқи ҳам араблар истилосидан кейин минг йилча ёзув ишларини араб графикаси асосида юритиб келди. Дастрлабки даврларда араб тилидан ўзбек тилига ўзлашган, шунингдек, ўзбек тилининг ўз сўзлари ҳам тўлиқ арабча белгилар ва қоидалар асосида ёзилган. Кейинчалик маҳаллий тилларининг хусусиятлари қисман ҳисобга олинган ҳолда араб ёзуви маълум даражада ислоҳ қилинган. Лекин шунда ҳам маҳаллий халқдан араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларни аслан қандай ёзилган ва талаффуз қилинган бўлса, худди шундай талффуз қилиш ва ёзиш кўп ҳолларда талаб қилинган. Бу ҳол имло қоидаларини ўзлаштириш ва савод чиқаришни жуда оғирлаштириб юборганилиги устига маҳаллий тилларининг аффиксация имкониятларини ҳам камайтириб юборган. Масалан, ўзбек тилининг айрим шеваларида тил олди ва тил орқа унлиларини фарқлаш имкониятларининг аралишиб кетиши билан биргаликда тил одди ва тил орка аффиксларининг вариантларини фарқлаш ҳам кўп ҳолларда аралаштириб юборилган.

Хозирги ўзбек ёзма адабий тил ва ўзбек имлосида айрим арабча ва форсча сўзларни уларнинг қадимги, асл ҳолатига мослаб ёзиш (масалан, *Аъзам*, *ваъда*, *аъло*, *шеър* каби) давом этиб келмокда. Арабча сўзларни ёзишда эса революцияга қадар ва ундан кейинги даврларда ҳам маҳаллий халқлар худди араб тилида бўлгани сингари сод ва зодларни бир-биридан фарқлаб ёзишиган (ҳолбуки, ўзбекча сўзларни ёзишда тил олди ў, к, и га ўхшаш маҳсус товушларни фарқлаш ҳисобга олинмаган). *Аъзам*, *шеър*, *Навоий*, *Лутфий* сингари сўзларнинг ёзилиши ҳозирги ўзбек имлосида этимологик ёки график принципнинг амалда қисман қўлланиб келаётганлигидан далолат беради.

ЎЗБЕК ОРФОЭПИЯСИННИГ НОРМАЛАРИ

Орфоэпияда оғзаки нутқ талаффузи асосий роль ўйнайди. Талаффузни белгилашда эса, товушларнинг тўғри айтилиши аҳамиятлидир. Ўзбек тили орфоэпиясининг номаларини белгилашда фонетиканинг, айрим товушлари талаффузи қонуниятларининг роли каттадир. Ана шундай қоидага кириб қолган хусусиятлар асосан куйидагилардан иборатdir.

1. б ундоши билан тугайдиган *офтоб*, *китоб*, *адаб*, *мақтабъ*, *Толиб*, ҳисоб каби сўзларнинг охири ўзбек тилининг деярли ҳамма шеваларида *n* тарзда талаффуз қилинади ва бу ҳол орфоэпия учун нормал ҳодиса қисобланади. Лекин бу сўзларнинг охирига эгалик аффикси ёки бир хил унли товуш қўшилиши билан *n* товуши яна *b* тарзида талффуз қилинади: китоби, мактаби. Худди шунга

ўхшаш б товушининг сўз охирида п тарзда талаффуз қилиниши бориб, келиб, айтиб сингари равишдошларда ҳам учрайди.

2. Оғзаки нутқда ва деярли барча ўзбек шеваларида учта сўзи ушта, уч сўм сўзи— *уссўм*, *беш сўм* сўзи— *бессўм*, *қучди* сўзи— *қушди*, *еҷди* сўзи— *ешиди*, *изсиз* сўзи— *иссиз*, *юзсиз* сўзи— *юссиз* тарзда талаффуз қилинади ва бундай талаффуз қилиш адабий орфоэпиянинг умумий нормасидан чекиниш бўлмайди. Лекин, *оини* ўрнида *оиниши*, *иини* ўрнида *ииниши*, *юзни* ўрнида *юззи*, *қорни* ўрнида *қорри* типидаги айрим талаффузлар ва *ўрда*, *шўрда*, *ўтта*, *шўтта*, *ақقا*, *бақقا* каби формалар орфоэпиянинг умумий номасига кирмайди. Чунки бундай қўллаш қўпчилик шеваларга хос бўлганлиги учун умумхалқ тилининг талаффузини акс эттирмайди. Иккинчидан, улар оғзаки нутқда ҳар хилликни кўпайтиради.

3. *Самарқанд*, *хурсанд*, *дард*, *баланд*, *банд*, *гўшт*, *паст* сингари сўзларнинг охирида *д* товушининг нутқимизда жарангизлашиб, *т* тарзда талффуз қилинишини ёки шу типидаги сўзларнинг баъзиларида сўз охиридаги *д* ёки *т* ундошининг оғзаки нутқда тамоман тушиб қолишини (*хурсан*, *Самарқан*, *гўш*, *пас* сингари) ихчамликка интилиш нуқтаи назаридан, тилимиз табиатини ҳисобга олган ҳолда ва традицияга айланиб қолишини назарда тутиб, орфоэпия нормасига мос келади, дейиш мумкин.

4. Оғзаки нутқда *бўлса*, *келса*, *бўлган*, *келган* сингари сўзлар талаффузида *л* товушини қўпинча тушириб қолдириш ҳам адабий орфоэпия нормасига айланиб қолган. *Опти*, *бўпти*, *қонди*, *бораркан*, *келаркан*, *овор*, *қўйвор* каби сўзларнинг оғзаки сўзларнинг оғзаки нутқда талаффузи ҳам шу ходисага киради.

5. *Бунча*— *мунча*, *бундан*— *мундан* типидаги сўзларнинг адабий нутқимизда параллел ишлатилиши ҳам адабий орфоэпиянинг нормасига зид эмас. *Танбур* сўзининг *тамбур* тарзида, *Сунбула* сўзининг *сумбула* тарзида талаффуз қилиниши ҳам орфоэпия нормасидан чекиниш бўлмайди.

б. *Чироқ*, *оёқ*, *ёнғоқ*, *япроқ* типидаги сўзларнинг охиридаги *қ* товушини *ж* тарзида талаффуз қилиш тилимиздаги шу сўзларнинг асли ҳолига тўғри келмаганидек, ўзбек тилининг табиатига ҳам тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам юқоридаги сўзлар охиридаги *қ* товушини ўзининг орфофафик ҳолатини сақлаган ҳолда оғзаки нутқда ҳам *қ* тарзида талаффуз қилиш мақсадга мувофиқдир. Айни вақтда бу ҳол орфоэпия билан орфографиянинг бирлигини сақлаш учун хизмат қиласди.

7. Ҳозирги ёзувимизда бир хил ёзилувчи айрим сўзлар ҳам борки, уларнинг оғзаки талаффузи фарқ қиласди ва бу фарқни нутқда аралаштириш ярамайди. Масалан, Равшан ва тавсия сўзларидағи в товуш оғзаки нутқда у га яқин келиб лаб-лаб *в* тарзда талаффуз этилмоҳи лозим. Бу сўзлардаги *в* ни *ф* га айлантириб талаффуз қилиш ҳозирги орфоэпиянинг нормасидан чекинишга олиб келади.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИ

Адабиётлар

А.Ю. Якубовский «К вопросу об этногенезе узбекского народа», Т ; 1941

А.К.Баровков. «Алишер Навоий как основоположник узбекского литературного языка», сб. Алишер Навоий М-Л, 1946

А.К.Баравков «Бадое-ул-луғат», М, 1961

С.Е.Малов. «Мир Алишер Навои и история тгорских литератур и языков средней и Центральной Азии», М-Л, 1974

К.К. Юдахин . «Материалы к вопросу о звуком соситаве чагатайского языка», «Культура и письменность Востока», КН. IV, Баку, 1920

А.Усманов. «Мұхқаматул-ул-луғатайн» Алишер Навои, Т. 1948

А.М. Шербак. «Грамматика староузбекского языка», М-Л, 1962.

А.М.Шербак. «К истории образования узбекского национального языка», ВЯ, 1954, 6.

А.Н.Кононов. «Алишер Навои. Взлюбленных сердец», М-Л, 1948.

А.К.Боровков. «Ценный источник для истории узбекского языка», Известия АНССР, ОЛЯ, т.УШ, выш. 1, М-Л, 1949

А.К.Боровков «Очерки истории узбекского языка», Советское Востоковедение, VI, 1949.

А.К. Боровков. «Из материалов для истории узбекского языка», Тюркологический сборник, I, М, 1951.

Ф.Б.Благова. «Некоторым вопросм развития средневекового среднеазиятского литературного языка», советская тторкология, Баку, 1974,

Э.Р.Тенешев. «К истории узбекского языка», сб. статьей Академику В.А.Гордлевскому к его семидесяти летию, М, 1953.

А.К.Боровков. «Узбекский литературный язык в период» 1905-1917гг. Т, 1940

Э.И.Фозилов. «Қадимги обидалар ва Алишер Навоий тили», Т, 1969. Навоий ва адабий таъсир масаласи тўплами, Т, 1968.

У.Турсунов, Б.Ўринбоев. «Ўзбек адабий тили тарихи очерклари», Т, 1995.

Қ.Каримов. «Илк бадиий достон». Т. 1980.

А.Алиев, Қ.Содиков. «Ўзбек адабий тили тарихи». Т, 1995